

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:**

РАХМОНОВ ЎТКИР

**Итларда стромал кератитлар, этиологияси ва уларни
даволашни такомиллаштириш.**

5А 440109 – Кинология мутахассислиги

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган д и с с е р т а ц и я

Илмий раҳбар: доцент Ҳ.Б. Ниёзов

Самарқанд -2014

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.	
I боб.	АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ	
1.1.	Итларда кўз касалликларининг таснифланиши	
1.2.	Итларда кератит касалликларининг этиопатогенези, клиник белгилари, даволаш ва олдини олиш	
	I. боб бўйича хулоса	
II. боб	АСОСИЙ ҚИСМ	
2.1.	Илмий тадқиқот натижалари, таърифи ва таҳлили	
2.2.	Итларда кўзларнинг анатомияси ва физиологик хусусиятлари .	
2.3.	Самарқанд вилояти хизмат итларини сақланиши, озиқланиши, умумий дрессировкаси, уларда кўз касалликларини келтириб чиқарувчи экологик омиллар ва уларнинг учраш даражаси	
2.3.1	Хизмат итларини сақланиши, озиқланиши ва умумий дрессировкаси.....	
2.3.2	Итларда кўз келтириб чиқарувчи экологик омиллар ва уларнинг учраш даражаси	
2.4.	Итларда стромал кератитларни даволаш	
2.4.1.	Клиник кўрсаткичлар	
2.4.2.	Қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари.	
2.5.	Ишнинг иқтисодий самарадорлиги	
	2-боб бўйича хулоса	
III. боб.	Тадқиқот натижалари бўйича мулоҳазалар	
	III.боб бўйича хулоса	
	Хулоса	
	Амалий тавсиялар	
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	
	Илова	

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади деб таъкидлади.

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 2013 йилда қарийб 970 минг киши иш билан таъминланди. Бу иш ўринларининг 60,3 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларда яратилди. Бу борада кичик корхоналар, микрофирмалар ва яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 480 мингдан ортиқ, касаначиликни кенгайтириш ҳисобидан эса 210 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди.

Мамлакатимизда ижтимоий соҳани ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тизимида қишлоқ аҳоли пунктларининг қиёфасини тубдан ўзгартириш, намунавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қуриш, қишлоқда моҳият эътибори билан янги инфратузилмани шакллантириш ҳисобидан қишлоқ аҳлининг ҳаётини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

2013 йилда қишлоқ жойлардаги 353 та массивда умумий майдони 1 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 10 мингта шинам уй-жойлар барпо этилди, бу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 17 фоизга кўпдир. Ушбу мақсадлар учун қарийб 650 миллион доллар қийматидаги маблағ

йўналтирилди. Бунинг 106 миллион доллари Осиё тараққиёт банкининг кредит маблағларидир.

Қишлоқларимизни обод қилиш, қишлоқ аҳолисининг турар-жой шароитларини яхшилаш бўйича бизнинг бундай тажрибамиз халқаро ҳамжамиятда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ўтган йил апрель ойида Тошкент шаҳрида замонавий уй-жой қурилиши мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН), ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, дунёнинг 60 дан зиёд мамлакатидан 300 дан ортиқ олим, мутахассис ва экспертлар иштирок этгани бунинг ёрқин исботидир.

Қадрли дўстлар!

2013 йилда таълим-тарбия соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш, таълим стандартлари ва дастурларини такомиллаштириш, мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор берилди.

Ўтган йили 28 та янги касб-ҳунар коллежи қурилди, 381 та умумтаълим мактаби, олий ўқув юртлари тизимидаги 45 та объект, 131 та касб-ҳунар коллежи ва лицейлар реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Шунингдек, 55 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 112 та болалар спорт объектлари ва 4 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилиб, уларнинг барчаси зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланди.

2013 йилда таълим-тарбия тизимини ислох этиш борасида амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар ҳақида сўз борар экан, ўсиб

келаётган ёш авлоднинг хорижий тилларни ўзлаштириш даражасини оширишга қаратилган ишларни алоҳида қайд этмоқчиман. Жаҳонда интеграция жараёнлари кучайиб, кундалик ҳаётга компьютер технологиялари ва Интернет кенг жорий этилаётган бугунги шароитда чет тилларни пухта билмасдан ва эгалламасдан туриб келажакни қуриб бўлмаслигини барчамиз яхши англаб олмоқдамиз.

Шуларни инобатга олиб, биз ўтган ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг биринчи синфидан чет тилларни ўргатишнинг узлуксиз тизимини жорий этдик.

Барча умумтаълим муассасаларида чет тилларни ўргатиш бўйича 17 мингдан ортиқ ўқув хоналари ташкил этилди. 1-синф ўқувчилари учун чет тиллар бўйича мультимедиа варианты илова қилинган, 538 мингдан зиёд рангли дарслик чоп этилди. 2 минг нафарга яқин чет тили ўқитувчиси тайёрланди ва уларнинг умумий сони 26 минг кишига етди.

Мамлакатимизнинг барча минтақаларида чет тилларни бир хил шароитда ўқитиш, қишлоқ жойларга юқори малакали инглиз тили ўқитувчиларини жалб этиш мақсадида, тариф ставкаларига 30 фоиз қўшимча ҳақ белгиланган ҳолда, уларни моддий рағбатлантириш тизими жорий этилди. Телевидениеда чет тилларни ўргатиш бўйича қизиқарли ўйинлар дастурига эга бўлган махсус болалар маърифий каналлари ташкил қилинди.

2013 йилда тиббиёт-санитария соҳасида биринчи ёрдам кўрсатиш оилавий тиббиёт принципи асосида ишлаш шаклига ўтказилди. Бу эса юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш бўйича жорий этилаётган чора-тадбирлар тизимида муҳим кадам бўлди. Бундай ўзгариш қишлоқ жойларда, айниқса, чекка туманларда

яшаётган 14 миллион 600 минг нафар аҳолига малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиш имконини берди.

Туғиш ёшидаги аёллар, шунингдек, болалар ва ўсмирларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўлиқ таъминланди. 2011-2013 йилларда 535 минг нафар хомиладор аёл ирсий ва туғма касалликлар бўйича текширувдан ўтказилди.

Бу 2013 йилда қарийб 2,7 минг боланинг туғма хасталиклар ва ривожланишдаги нуқсонлар билан туғилишининг олдини олиш имконини берди. Мухтасар айтганда, «Она ва бола скрининги» дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида ривожланишда нуқсони бор болаларнинг туғилиши 2000 йилга нисбатан 1,8 марта камайди.

Аҳолининг овқатланишини яхшилаш, ун ва тузни зарур микроэлементлар билан тўйинтириш, оналар ва болаларни витаминга бой дори-дармонлар билан таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли бугунги кунда болаларимизнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос келади ва ҳеч шубҳасиз, бу биз эришган катта ютуқлардан биридир.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда амалга ошираётган ижтимоий сиёсатимизнинг аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришдаги таъсири ва натижалари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни зарур деб биламан.

- диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги;
Мамлакатимиз чегара қўшинлари, божхона ва ички ишлар ташкилотларида турли хилдаги гиёҳванд моддаларни аниқлаш, шунингдек қидирув, кўриқлаш, соқчилик ва бошқа хизмат доирасида хизмат итларининг роли катта бўлмоқда. Бу борада ветеринария хизматининг ҳам ўрни муҳим бўлиб, хизмат итларининг соғлигини сақлаш, уларнинг хизмат сифатини яхшилаш тадбирларини олиб боради. Шунинг учун ҳам хизмат итларида учрайдиган

юқумли, юқумсиз, жумладан хирургик касалликларни диагностикасини, даволаш ва олдини олишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш катта амалий ва илмий аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда республикамизда кинология хизматини ривожлантиришга катта эътибор бериб келинмоқда. Давлатимиз раҳбари И.А. Каримов томонидан ушбу масалага Давлат аҳамияти даражасида эътибор қаратилиб, сохани ривожлантиришга оид бир қатор қарор ва қонунлар қабул қилиниб, натижада республикамизда миллий кинология марказлари, итларни сақлаш питомниклари, кинология бўлимлари ташкил этилди.

Экологик муҳитнинг бўзилиши юқори даражада чангланиш, кўёш радиацияси, атроф муҳитнинг чиқиндилар билан ифлосланиши ҳамда ҳайвонларни зич ҳолатда сақлаш, кўп маблағ талаб қиладиган профилактик тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказмаслик каби омиллар кўп ҳолларда ёппасига учрайдиган кўз касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлади (кератоконъюнктивитлар). Масалан айрим хўжаликларда ёппасига учрайдиган кератоконъюнктивитлар 40 – 80% ни ташкил қилиб, ёш ҳайвонларни зарарлашлари мумкин. Албатта бундай ҳол хўжалика иқтисодий зарар етказади. Иқтисодий зарар қўйидагилардан келиб чиқади: касал ҳайвонлар кондисияга етмайди ёки ўсиб келадиган ва подани тиклашга мўлжалланган урғочи ҳайвонлар пода ҳисобида чиқарилади.

Олдини олиш ва даволаш ишлари кечиктирилганда ёки сифатли бажарилмаганда 25-30% ҳайвонлар кўриш қобилиятини йўқотади. Яна шунчасининг кўриш қобилияти 50% га йўқолади, қолганлари еса соғайиб кецада ўсиш ва ривожланишдан қоладилар. Бў омилларга қарши даволаш ва санитаргигиеник тадбирларни ўтказиш учун сарфланган ҳаражатлар кўшилса иқтисодий зарар жуда сезиларли бўлади (А. В. Лебедев, А. И. Федоров, 1989; А Д, Ахмадулин, Е. П. Копёнкин 2004; Р.П.Шилкин, Е. П. Копёнкин, 2004).

Айрим юқумли ва юқумсиз касалликларнинг ривожланиш жараёнида кўриш аъзоларида яъни кўзларда турли патологик ўзгаришлар кузатилади. Масалан йирик шохли ҳайвонларнинг хатарли катарал иситмасида кўз шох пардасида тарқоқ хиралашиш ва иридосиклит кузатилади. Куйдирги ва гемоспоридиозларда кўз канъюктиваси очқизил рангга киради. Қорин бўшлиғида жойлашган аъзолар ва жигар касалликларида конъюнктива сариқ ранга киради, организмда анемия ривожланганда конъюнктиванинг оқариши кузатилади. (А. Ф. Русинов, 1987; Е. П. Копёнкин, 2004).

Хирургик касалликлар мия геморрагияси ва абсцессида ҳамда мия чайқалиши ва шунга ўхшаш касалликларда кўз соққаси ҳамда қовоқларнинг ҳаракатланиши бузилади.

Қорин ва кўкрак бўшлиқларининг ички қон кетишларида конъюнктива ва бошқа шиллиқ пардалар оқаради. Шунинг билан биргаликда кўзларнинг турли касалликлари ҳайвоннинг жинсий фаолияти ва оталанишга салбий таъсир қилади (А. Ф. Русинов 1987; Белов А.Д., Плахотин М.В., Башкиров Б.А. и др. (1990); Д. А. Ахмадулин, Е. П. Копёнкин, 2004).

А.Г. Шилкин, В. В. Олейник (2004) лар таъкидлашича токсинларнинг таъсиридан ташқари оғриқнинг мавжудлиги ҳам организмга жуда ёмон таъсир қилади. Ҳосил бўлган оғриқ марказий нерв системасида чуқур ўзгаришлар чақиради ва бунда оғриқ жуда кучли бўлса нерв системасининг бошқариш хусусияти бузилади.

А.Л. Самойлов, Н.Е. Браунштейн (1990) таъкидланишча кўз касалликларининг патогенезида инфекция асосий омил бўлиб ҳисобланади. Инфекция кўп ҳолларда бирламчи сабаб бўлиши кузатилади аммо касаллик организмнинг трофикаси бузилишидан ҳам ривожланиши мумкин.

Бундан кўриниб турибдики кўз касалликлари итлар орасида кенг тарқалган ва улар организмга салбий таъсир қилади.

Шунинг учун итларда кўз касаликларини тарқалишини ўрганиш, уларни даволашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш шу куннинг долзарб муоммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

- тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши; Илмий тадқиқот ишлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг «Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедрасида қошидаги ветеринария клиникасида, институт виварийсида, шаҳар ветеринария бўлими, Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигидагида ва вилоят марказий шифохонаси лабораториясида, 2012-2014 йилларда ўтказилди.

Дастлаб вилоятимизда итлар орасида кератит касаллиги билан касалланиш даражаси ўрганилади. Итлар орасида кератит касалликларини келтириб чиқарувчи минтақавий хусусиятларга эга бўлган омилларни ўрганиш ва ташхис усуллари ишлаб чиқиш мақсадида режали хирургик диспансерлаш ўтказилади. Режали диспансерлаш йилига икки марта ўтказилади. Бунда итларнинг сақлаш ва озикланиш шароитлари, рацион таҳлили, клиник текширишлар, қон намуналарини лаборатор текширишлар ёрдамида итларда кератит билан касалланиш даражаси, клиник касал итлар миқдори аниқланади. Клиник текширишларда итларнинг умумий аҳволи, иштаҳаси, кўз шиллиқ пардаларнинг ҳолати, тана ҳарорати, пульси, нафас олиши, уларнинг танасида ҳосил бўлган шишларнинг характери, оғриқ сезиш натижалари аниқланади. Итлар орасида кератит билан касалланган итларда касалликнинг этиопатогенезини ўрганиш мақсадида касалланган итлар ажратилиб, клиник, гематологик текширишлардан ўтказилди.

Илмий тажриба клиникага келтирилган ва питомникларда сақланаётган хизмат итлари орасидан кератит билан касалланган 10 бош итларда олиб борилади. Уларнинг сақлаш, озиклантириш шароитлари тенглаштирилиб

улар 5 бошдан 2 гуруҳга ажратилади. Хар бир итда кератит касалликнинг босқичлари, диагностикаси ва итнинг умумий ҳолати аниқланади. Хар бир гуруҳ итларида даволаш усуллари касалликнинг даражасига қараб белгиланади.

Биринчи тажриба гуруҳ касал ҳайвонларининг касалланган кўзларига ретробульвар новокаин – антибиотик қамали бажарилди кўз конъюнктиваси ва шох пардасига 0,25% левомецетин , гидрокортизон - новокаин эритмаси томизилди сўнгра тетрациклин малҳами суртилди ва 3 мл дан тетравит мускул орасига инеъкция қилинди. Иккинчи назорат гуруҳ касал ҳайвонларнинг кўзларига ретробульвар новокаин – антибиотик қамали бажарилди, кўз конъюнктиваси ва шох пардасига тетрациклин малҳами суртилди ва 3 мл дан тетравит мускул орасига инеъкция қилинди.

Барча гуруҳидаги ҳайвонларнинг касалланган кўзлари ва атрофи яхшилаб тозаланди ювилди ва қурилди.

Даволашнинг самараси ўткир яллиғланиш ходисаларнинг пасайиши, яралар битиши, экссудат сўрилиши, шох парда ва олд камера суюқлигининг тиниқлашиши ҳамда цитологик кўрсаткичларнинг нормаллашиш натижалари бўйича аниқланди.

Ҳайвонлар мунтазам текшириб турилди, тана ҳарорати ўлчанди ва умум қабул қилинган услублар бўйича махсус офталмологик текширишлар ўтказилди.

- тадқиқот мақсади ва вазифалари; Итлада кератитларни этиологияси, ривожланиши, эколого-морфологик асоси, келтириб чиқарадиган зарари, диагностикасини ўрганиш, даволашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш ишнинг асосий мақсадини ташкил этади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қўйидаги илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш вазифа қилиб олинди

1. Итлар орасида кўз касаликларининг тарқалишини аниқлаш.

2. Итлардаги кератитларни клиник ва қондаги биокимёвий ўзгаришларни ўрганиш.

3. Итларда кератитларни самарали даволаш усулини ишлаб чиқиш.

4. Кератит касалликларини этиологияси, эртачи диагностикаси, даволаш ва олдини олиш чора тадбирлари бўйича мақолалар ёзиш.

- тадқиқотнинг асосий мақсадлари ва фаразлари;

- мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили; Барча турдаги ҳайвонлар каби итларда ҳам турли хил касалликлар учраб, ишлаб чиқаришга катта иқтисодий зарарни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

К.И. Шакалов 1981 йил, Т.С. Кузнецов 1980 маълумотларига кўра, ички юқумсиз касалликлар барча турдаги касалликларга нисбатан 94-97% ни ташкил қилиб, шулардан 40% хирургик касалликларга тўғри келади.

Кўз аъзоси кўриш орган сифатида ҳайвон организмида ката аҳамиятга эга, чунки кўз ташқи муҳит анализатори бўлиб ҳисобланади. Кўзлар ҳайвонларга атроф муҳитни эркин англашга, озиқа топишга, ҳаракатланишга, ўзини пода ичида ҳамда йиртқич ҳайвонлардан ва шикастловчи омиллардан химоя қилишга ёрдам беради (К.И.Шакалов, В.А.Башкиров, И.А Калашник. и др. 1986).

Кўз касалликларининг келиб чиқиши одатда 3 сабаблар билан боғлиқ: умумий касалликлар – ўлат; маҳаллий инфекция; механик шикастлар.

Е. П. Копёнкин (1988) таъкидлашича кўз касалликлари бирламчи мустақил жараён бўлиши мумкин, у ташқи муҳитдан бевосита таъсир етувчи омиллар таъсирида келиб чиқади.

Патологик яъни кўз аппаратида салбий таъсир етувчи омиллар ҳайвон организмида турли юқумли ва юқумсиз касалликларнинг ривожланиши натижасида келиб чиқиши ҳам мумкин. (Л.В. Барадакчиев, 2004;

К.И.Шакалов, В.А.Башкиров, И.А.Калашник. и др., 1986; А.Ф. Русинов 1987, Е. П. Копёнкин, 2004; Х.Исломов, Р.М.Таштемиров, 2008).

Хулоса килиб айтиш мумкинки кейинги йилларда итлар ўртасида кератит касаллиги кўп учраб хизмат итлари сақланадиган питомникларда катта иктисодий зарар етказмоқда,шунинг учун ҳам бу касалликни этиологиясини, даволаш ва олдини олиш чора–тадбирларини ишлаб чиқиш шу куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

- тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи;

Даволашнинг самараси ўткир яллиғланиш ходисаларнинг пасайиши, яралар битиши, экссудат сўрилиши, шох парда ва олд камера суюқлигининг тиниқлашиши ҳамда цитологик кўрсаткичларнинг нормаллашиш натижалари бўйича аниқланди.

Итлар мунтазам текшириб турилди, тана ҳарорати ўлчанди ва умум қабул қилинган услублар бўйича махсус офталмологик текширишлар ўтказилди.

Юқоридаги тартибдаги тажрибалар итларда кератит касаллигининг кечиш хусусиятларини ўрганиш ташхисини аниқлаш, даволаш ва олдини олиш учун қўлланиладиган усулларни баҳолаш мақсадида улар қонидаги резистентлик кўрсаткичлари биокимёвий усуллар ёрдамида ўрганилди.

Итларда кератит касалликларининг эртачи диагноз қўйиш мақсадида питомникларда, шаҳар ветеринария бўлимларида ветеринария мутахассислари билан биргаликда хирургик диспансеризация ўтказилиб, барча кератит билан касалланган итларнинг сони, касалликнинг тарқалиш даражаси аниқланади.

Касалликнинг ҳамма босқичдаги тажрибаларимизда қон зардобидеги умумий оқсил миқдори, оқсил фракциялари аниқланди.

- тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти; стромал кератит касаллигига чалинган итларни текшириш натижалари кўз

касалликларини эртачи босқичларда аниқлашга имкон беради, олинган маълумотлар клиник ўқитиш жараёнида қўлланиши мумкин.

Текширишларнинг асосий натижалари 2013-2014 йилларда бўлиб ўтган СамҚХИ илмий ва халқаро конференциясида тақдим этилди.

- тадқиқотнинг илмий янгилиги;

- Вилоятимиздаги мавжуд кинология марказларида ва аҳоли қармоғида сақланаётган иларда кератитларни келтириб чиқарувчи ўзига хос минтақавий хусусиятларга эга бўлган экологик ва бошқа омиллар;

- итларда турли хилдаги кератитларнинг ўзига хос кечиш хусусиятлари;

- итларда кератит касалликларининг тарқалиши, зотга ва жинсга боғлиқ кечиш хусусиятлари, уларнинг эртачи диагностикаси ва клиникаси;

-кератит билан касалланган итларни даволашнинг турли усулларини қиёсий баҳолаш ва кератит босқичларига боғлиқ ҳолда даволаш усулларининг самарадорлигини аниқлаш.

- диссертация таркибининг қисқача тавсифи; Диссертация ишибетларда компьютер ёзувида берилган ва унинг таркибига 3 та бобдан иборат.Унга кириш, адабиётлар шарҳи, тадқиқотлар объекти ва услублари, тажрибаларнинг натижалари, тадқиқот натижалари бўйича мулоҳазалар, хулоса, амалий тавсия, та жадвал вата адабиётлардан ташкил топган ва адабиётлар рўйхатидан иборат хусусий тадқиқотлар киради.

I боб. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

1.1. Итларда кўз касалликларининг таснифланиш

Кўриш органларини функциясини бузилиши ҳайвонни яшаш учун яраксиз қилиб қўяди ва катта иқтисодий зарар келтиради. Бундай ҳайвонларни сақлаш ва боқиш қўшимча харажатларни келтириб чиқаради. Бу шароитда ветеринария врачларини асосий вазифаси касал ҳайвонларни вақтида аниқлаш ва тўғри даволашда иборат. Сўнгги йилларда ҳайвонларнинг юқумли ва юқумсиз кўз касалликларидан ёппасига учрайдиган керато-конъюнктивит, инфекцион ва инвазион керато-конъюнктивитлар кўп учраб, айрим йиллари ва айрим хўжаликларда уларнинг салмоғи 40 дан 80 % гача учраб, айниқса ёш ҳайвонларни кўриш органлари фаолиятини бузилиши ва охир оқибатда «амавроз» ёки кўр бўлиши билан характерланади. Ўртача касал ҳайвонларни 25-30%и кўр бўлиб қолса, яна 50%и кўриш фаолиятини қисман бўзилиши билан тугайди. (К.И.Шакалов, В.А.Башкиров, И.А.Калашник. и др. 1986).

Бугунги кунда экологик муҳитни бузилиши ва кўпгина кўз фаолиятини бузилишига сабаб бўлувчи факторлар билан биргаликда жаҳонда кўз касалликларидан жабр кўраётган 40 млн.дан ортиқ одамлар қайд қилинган (кўзга оқ тушиши, кератопластика ўтказишга муҳтож, кўз муғуз пардасида чандиқ ҳосил бўлиши ва ҳ.к.лар). (Авроров В.Н., Лебедев А.В., 1985)

Бундан ташқари кўз шох пардаси (муғузи) ўзининг ривожланиш антогенезига асосан: конъюнктива, склера ва қон-томир, тўр парда касалликлари билан узвий боғлиқ. Кўз муғузи касалликлари кўз касалликларини 25%ини ташкил қилиб, бундан 50%и

касалликларни қайтмас ўзгаришлар ҳосил бўлиши аниқланган. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг шох пардаси, энг ташқи орган бўлишига ва қовоқ, киприк ва суяклар билан ҳимояланган бўлишига қарамасдан, бу орган кўп ҳолларда механик, кимёвий ва термик таасуротларга чалиниб, хасталанади. Шундай экан, бу морфологик ва функционал органни асосий вазифаси нимадан иборат. Шох пардаси нормал ҳолатда қуйидаги вазифаларни бажаради: Тиниқлик – асосий физиологик ҳолати, бу ҳолат қуйидагича ўзгариши мумкин: оқчил, кулранг, сариқ ва кулранг, асосан яллиғланиш туфайли бўлади, айрим ҳоллардагина дегенератив ўзгаришлар туфайли бўлиши мумкин. Тиниқликнинг бузилиши кўп ҳолларда васкуляризация туфайли келиб чиқади, яллиғланиш йўқолиб бориши билан ҳосил булган чандикда тиниқлик йўқолади. (К.И.Шакалов, В.А.Башкиров, И.А.Калашник. и др. 1986).

Маълум шаклда бўлиши – ёпишиб қолиши – *applanatio cornea*, шарсимон – *keratoglobus* ёки конуссимон – *keratoconus* шаклида бўлиши мумкин. Кўп муаллифлар кўз шох пардасини шаклини ўзгариши ҳайвон ёшига ва эндокрин система фаолиятини бузилиши билан боғлиқлигини таъкидлашади. Натижада кератоглобус ва кератоконус қовоқ ҳаракати туфайли жароҳатланади, яра ҳосил бўлади ва айрим ҳолларда перфорацияга учрайди. Бу ҳолатда ҳайвонда кўриш физиологияси тўлиқ бузилади.

Ялтироқлик – кўз шох пардаси яллиғланиш, дистрофик ва дегенератив ўзгаришлар туфайли ялтироқлик камайиши ва йўқолиши мумкин. (К.И.Шакалов, В.А.Башкиров, И.А.Калашник. и др. 1986).

Таъсирчанлик – нормал ҳолатда таъсирчанлик кўзнинг ташқи муҳит таъсуротларига рефлекс жавоб реакцияси вазифасини бажаради. Кўз хасталикларида, айниқса кўз шох парда касалликларида

(ёш модда, куриб қолиш) кўзни юмиш ва кўз ёш ажратиш билан жавоб беради. Кўз шох пардасида кўп миқдорда нерв толалари бўлиб, қон-томирлар бўлмайди.

Катталиги – одамда 10 мм дан 1,3 мм гача каталашиши мумкин, ҳайвонларда кўзнинг 1/5 қисмини ташкил қилади.

Демак, кўз шох пардасининг 5 та асосий хусусиятлари касалликларда ўзгариши натижасида кўриш рефлекси пасаяди ёки ҳайвон кўр бўлиб қолади. Натижада, кўз муғузи касалликлари кератит (грекча keros - шох) деб юритилади. (Авроров В.Н., Лебедев А.В., 1985)

Кўз муғузи касалликларини, айниқса яллиғланишларни полиэтиологик бўлиши ва уларни бир-бирига патогенетик боғлиқ бўлиши касалликларни аниқлашни анча қийинлаштиради. Қуйида энг оддий ва тушунарли таснифланиши профессор А.И.Волоконенко маълумотлари бўйича медицинада қуйидагича таснифланади:

Экзоген кератитлар.1. Муғуз эрозияси.2. Травматик кератитлар (механик, физик, кимёвий).3. Инфекцион кератитлар (бактериал).

Конъюнктива, қовоқ, қовоқ тоғайи касалликларидан келиб чиқадиган кератитлар. Замбуруқли кератитлар

Эндоген кератитлар.1. Инфекцион кератитлар а) туберкулез: гематоген ва аллергик; б) сифлитик; в) герпетик.2. Нейропаралитик кератитлар.3. Авитаминоз кератитлар. Сабаби аниқланмаган кератитлар. (Авроров В.Н., Лебедев А.В., 1985)

Аммо бундай таснифланиши ветеринария медицинаси амалиётида қўллаш анча қийинчиликлар туғдиради, чунки, бизнинг амалиётда

баъзи бир ўзига хос касалликлар мавжуд, бундан ташқари ҳайвонларда герпетик ва сифлитик кератитлар аниқланмайди. Шу туфайли В.Н. Авроров (1985) кератитларни қуйидагича таснифлайди:

Асептик

Йирингли

- | | | |
|------------------------------|------------------------------|----|
| 1. Юза жойлашган кератитлар. | 1.Юза жойлашган кератитлар | а) |
| а)катарал | 2.Чукур жойлашган кератитлар | |
| б) қон-томир | а) абсцесслар | |
| 2. Нейродистрофик | б) диффузли | |
| 3. Нуқтали | в) ярали | |
| 4. Дисксимон | | |
| 5. Афтоз | | |
| 6. Фликтенозли | | |

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг барчаси турларида учрайди. Кўпинча ёт жисмлар (мих, бошқа ўткир жисмлар, дарахт шохлари, чўл зоналарида қуриб қолган эфимерлар, шувоқ, янтоқ ва бошқалар), ит ва мушук тирноқлари таъсирида келиб чиқади. Кўз муғузида тўғри чизикли ва турли шаклдаги жароҳатлар ҳосил бўлади. Кўп ҳолларда риккетсиоз конъюнктив-кератитларда келиб чиқиши билан алмаштиришади. (Авроров В.Н., Лебедев А.В., 1985)

Кўз муғузи жароҳатлари келиб чиқиш сабаблари, жойлашиши ва кечишига қараб қуйидагиларга бўлинади:

Юза жойлашган, чукур, перфорацияланувчи (муғуз пардани тўла тешилиши), зарарланган, зарарланмаган бўлиши мумкин. (К.И.Шакалов, В.А.Башкиров, И.А Калашник. и др. 1986).

Кўз шох пардасида микрофлора ривожланиши, кўз муғузини бўлақларга қаватлар бўйлаб ажралишга олиб келади (децементов ва эндотелий қаватлари), бундай шароитда, кўз ички муҳитларини ташқарига чиқиб кетиши ёки кератоконус, кератоглобусга олиб келади,

шундай қилиб, агар фақат эпителиал қават шикастланса юзаки жароҳат, агар строма жароҳатланган бўлса чуқур жароҳатлар келиб чиқади. Оқибатда микрофлора ривожланиб, септик жараён кечса, кўз муғузи ва уни атроф, яъни оқ парда, қовоқлар, шишасимон тана, кўз гавҳари ва қон-томир, тўр пардалар зараланишида эса панофтальмит келиб чиқади ва натижада кўзни эвисцерация ёки экуклеация қилишга тўғри келади. (К.И.Шакалов, В.А.Башкиров, И.А.Калашник. и др. 1986).

Юқорида кўрсатилган жараёнларда ўткир клиник белгилар: блефароспазм, кўз ёш оқиши, оғриқ, конъюнктива ва перихондрал қон-томирлар тўлишади. Бу белгилар жараёни чуқур ёки юза жойлашишига ва зарарланишига, микробларни патогенлигига боғлиқ бўлади. Оддий кўз билан кўз муғузида жароҳат кўриниб туради, ёки флюоресцеин, ён томондан ёритиб кўриш ва кератоскопия қилиш билан аниқланади.

Жароҳатланиш кератит белгилари ривожланиши билан бошланиб, юза ёки чуқур кератит белгилари келиб чиқиб, кератоцелега олиб келади. Кўз камераси суюқлиги ажралади, кўз босими кескин пасаяди, кўз гавҳари қийшайиб жойидан силжийди ва шишасимон тана чиқиб кетади.

Кўз муғузи юза жароҳатларида оқибати яхши, агар микроблар тушмаса регенерация ва пролеферация тез кузатилиб (1-3 кун) чандик ҳосил бўлмайди. Чуқур жароҳатларда жароҳат чуқурлиги, катталиги ифлосланиш даражасига қараб, катта ва кичик чандик ҳосил бўлади. Кўз муғузи перфорацияланувчи жароҳатларида, кўз ички муҳитларини чиқиб кетиши амаврозга олиб келади. (Авроров В.Н., Лебедев А.В., 1985)

Авваламбор кўз муғузига тушган ёт моддалар: шелуха, кунжара, арпа ва сули қоғиғи, шох-шабба бўлакчалари ва ҳ.к.лар олиб ташланади. Бу учун қовоқ оғриқсизлантирилади, тери остига новокаин

юборилади, қовоқлар қовоқ кўтаргич ва қовоқларни кенгайтиргич ёрдамида очилади. Арпа ва сули қопиғи кўз муғузи устида ёпишиб олади, темир ва кўмир бўлакчалари эса муғузга кириб боради, шунинг учун ёт моддалар инъекцион игна ёрдамида ажратилиб олиб ташланади. Сўнгра, кўз антисептик моддалар (антибиотиклар, сульфаниламидлар, протаргол) билан ювиб, оғир металллар бўлакчалари, ёт моддалар олиб ташлангандан кейин сепсисга қарши ва яллиғланишга қарши воситалар билан ювилади. Масалан: конъюнктивга 1% дикаин томизилади ёки 0,5-1% новокаин эритмаси билан шох парда олди инфилтратсион анестезия қилинади. Склерада П симон кесик қилинади, у ажратиб олиниб муғуз устига 2-3та чок қуйилади ва 5-7 кундан кейин чок иплари олиб ташланади. (К.И.Шакалов, В.А.Башкиров, И.А.Калашник. и др. 1986).

Агар шох парда ёки муғуз перфарация бўлиб, кўз ички муҳитлари чиқиб қолса, ҳайвон ётқизилиб, ретробульбар оғриқсизлантирилади, 0,5-1-2% новокаин билан (Н.Ф.Авроров бўйича) ва эуклеация ёки эвисцерация қилинади. Эуклеация қилиш афзал, чунки эвисцерация қилганда асорат бўлиши мумкин.

Кўз муғузи юза кератитларида асосан муғузнинг эпителиал ва боумен қаватлари шикастланади. Кўз муғузи юзаси лейкоцитлар билан қопланади ва сероз суюқлик билан биргаликда оқ парда ҳосил қилади. Кечиш хусусиятларига қараб қуйидагича таснифланади

1. Юза жойлашган катарал кератит (*keratitis superficialis catarrhalis*)
2. Юза жойлашган қон-томирли кератит (*keratitis pannosa*)
3. Пустулез кератит (*keratitis pustulosa*)
4. Юза жойлашган йирингли кератит (*keratitis superficialis suppurativa*). (Авроров В.Н., Лебедев А.В., 1985)

Касаллик енгил кечади, эпителиал қаватини ажралиши ва дегенератив ўзгаришлар билан характерланади. Шу туфайли шох парда

хиралашиб, оддий кўз билан яхши кўринади ёки кератоскоп билан яққол кўриниб туради. Хиралашиш кўз муғуз пардасида нуқтасимон локал ёки диффуз бўлиши мумкин, оғир кечишларда яққол кўриниб турган эррозиялар таъсир қилади. Бошқа клиник белгилардан: кўз ёш оқиши, шилимшиқ суюқлик оқади, юза қон томирлар гиперемия бўлади ва кўз муғузида қон-томирлар билан ўсади. Айрим ҳолларда кератит конъюнктивит билан биргаликда кечади, баъзан касаллик асорати сифатида оз миқдорда хиралашиш қолади. (К.И.Шакалов, В.А.Башкиров, И.А Калашник. и др. 1986).

Биринчи навбатда касаллик сабабини аниқлаб, бартараф қилиш керак, ҳайвон қоронғу жойга ўтказилади. Маҳаллий муғузга 5-10% калий йод малҳами суртилади, конъюнктива орасига В.П.Филатов бўйича тўқима препарати қуйилади. Н.Ф.Авроров бўйича ретробульбар новокаин қамал усули ишлатилади ёки новокаин шох парда чегараси оралиғига юборилади. Йирингли яллиғланишни олдини олиш мақсадида сульфаниламид ёки антибиотик томизилади.

Кўз муғузининг эпителиал ва баумен қавати остига яллиғланиш туфайли кўп миқдорда бириктирувчи тўқима ва қон томирлар ўсади. Кучли пролиферация туфайли муғузнинг эпителиал қавати кўтарилади ва усти нотекис бўлиб қолади. Қон-томирлар кўз конъюнктиваси ва склера орқали муғузга ўсиб, айниқса муғуз четларида яққол кўриниб туради, қон-томирлар ва бириктирувчи тўқима ўсиши ёруғликни шох пардадан ўтишини тўсади ва кўриш фаолияти бузилади. Ўсиб борувчи бириктирувчи тўқима грануляцияга ўхшайди, кейинчалик чандиққа айланади ва оқариб қолади (бельмо). Асосий касаллик белгилари ёруғликдан қочиш, кўз ёш оқиши ва кўз фаолияти бузилади. (К.И.Шакалов, В.А.Башкиров, И.А Калашник. и др. 1986).

А.В.Макашов жароҳатланган жойни кумуш нитрат тузи билан

қуйдиришни таклиф қилади, симоб монохлорид кукунини шох пардага пуркалади ва конъюнктива халтасига 1% сариқ симоб малҳами суртилади. Бизнинг тадқиқотларимизда ўткир жараёнда бундай даволаш кўзни кескин таъсирлайди, қон-томир кератитларида жараёни янада кучайтиради. Бундай вазиятда кучли қўзғалишларни новокаин қамал усули билан олдини олиш мумкин.

Клиник нуқтаи назардан муғуз пардани кучли қон-томир ва бириктирувчи туқима билан ўсишда эпителиал регенерация қобилятини инобатга олиб оператив усуллар яъни перитомия ёки периктомия ўтказиш тавсия қилинади. (Авроров В.Н., Лебедев А.В., 1985)

Перитомия усулида, қовоқлар ҳолати ҳаркатсизлангандан кейин, шох парда олди инфилтратион анестезия ёки ретробульбар оғриқсизлантирилгандан кейин, шох парда 0,5 см чуқурликда лентасимон кесилади, операцияни мақсади қон томирларни чегарадан кесиш, тупланган қонни оқиб чиқишига имкон яратиш ва сурилиб кетишини таъминлаш. (К.И.Шакалов, В.А.Башкиров, И.А.Калашник. и др. 1986).

Бу кўз касаллиги специфик флектеула-яшурда қорамолларда ва пустулез – қуйлар чечагида ва итлар улатида ҳосил бўлади. Шунинг алоҳида таъкидлар жоики, бузоқлар реккетсиозиди ҳам чуқур фликтенулезли кератит учраши аниқланган.

Асосий белгилари ёруғликдан ҳимояланиш, куз ёш оқиши ва конъюнктива қон томирларини гиперемияси, кўз муғузини енгил хиралаши ва унинг устида тарик катталигидаги думбоқчалар ҳосил бўлади, улар кейинчалик ёрилиши ёки сўрилиб кетиши мумкин, лекин ўзидан кейин хиралашув учоқлари (фаседка) қолдиради. (К.И.Шакалов, В.А.Башкиров, И.А.Калашник. и др. 1986).

Этиотроп даволаш. Маҳаллий дезинфекцияловчи воситалар, новокаин билан даволаш мақсадида биз купроқ ретробульбар қамал усулини ишлатиб даволаш самарали бўлишини аниқлаганмиз.

Келиб чиқиши ва бирламчи ёки иккиламчи катарал кератит сабаб бўлиши мумкин, қайсиким асептик кератит зарарланиб йирингли шаклга ўтиши мумкин ёки йирингли кератоконъюнктивит, блефарит, склеритдан ҳам келиб чиқиши мумкин.

Кўз касалликларида учрайдиган умумий белгилар: қон-томир гиперемияси, муғузни қон-томир билан ўсиши, ёруғликдан қочиш, шилимшиқ-йирингли оқиш, муғуз хиралашган, сарғиш, маҳаллий ҳарорати ошган, кўз областида қаттиқ оғриқ сезилади. (Авроров В.Н., Лебедев А.В., 1985)

Купчилик ҳолларда касаллик муғузнинг чуқур қаватларига тарқалиб стромал йирингли кератитга ва ҳатто панофтальмитга ҳам ўтади, натижада кечишига қараб кучли асоратларга, айрим ҳолларда эса кўз перфорациясига, ретробульбар флегмонага, сепсис ҳолатига ҳам олиб келиши мумкин.

Эҳтиёт бўлиш керак, патологик жараёни кўзнинг чуқур муҳитларга ўтишга тусқинлик қилиш керак.

Конъюнктива халтасига томчи антисептик воситалар (антибиотиклар ва сульфаниламидлар), кортикостероидлар (гидрокортизон, диксазон, метади́ксазон), новокаин қамал усули ва жараён охирида тўқима билан даволаш усуллари (фибс) қўлланилади.

Бу касаллик барча ҳайвонларда учрайди. Асосан кўз муғузини чуқур тўқималари, стромаси, эндотелиал қавати шикастланишларида учрайди ёки жараёни атроф, юза қисми касалликлари туфайли келиб чиқади, бу касаллик кўпгина юқумли касалликларда учраб диффуз ва чегараланган шаклларда кечади. (К.И.Шакалов, В.А.Башкиров, И.А

Калашник. и др. 1986).

Диффуз йирингли яллиғланишларда мўғузнинг стромаси йирингли экссудат билан шимилади, децементов қаватига қадар. Йирингли некротик жараёнлар жуда секинлик билан боради, чунки яллиғланишларни белгиловчи қон томирлар йўқ, шу туфайли перифериядан муғуз марказига қараб қон томирлар ўса бошлайди ва стромани ички қаватлардан ажратиб, қабарик бўлиб чиқади ва ажралади ҳамда унинг ўрнига яра ҳосил бўлади, яра четлари ва туби нотекис бўлиб грануляция билан қопланган бўлади, жараён тузалгандан кейин чандик ҳосил бўлади (бельмо). Бу жараёнлар 3-4 ҳафта давом этади.

Кўз муғузини некрозга учраши туфайли децементов қаватидан юқори қисми, кўз ички босими туфайли керотоцелега олиб келади, бу эса кўз шох пардасини ёриб юбориб, кўз ички муҳитлари: гавҳари, шишасимон тана ва кўз ички суюқлиги оқиб, чиқиб кетишига сабаб бўлади, оқибатда эса панофталмит келиб чиқади. (Авровов В.Н., Лебедев А.В., 1985)

Ҳайвон ёруқликдан қочади, касаллик бошида кўз ёши кейинчалик эса шиллимшиқ – йирингли экссудат ажралиб туради, қаттиқ оғриқ сезилади. Конъюнктива ва перикорниал қон томирлари гиперемияси, муғуз хира, сариқ рангда, кўзнинг олдинги камераси кўринмайди. Касалликнинг 5-7 кунидан бошлаб, некроз учоғи ажралиб боради, унинг ажралиши муғузнинг четларидан бошланиб марказга кўтарилиб боради, ҳосил бўлган яра четлари, туби текис бўлмай грануляция билан қопланган бўлади, яра ўрнига чандик ҳосил бўлади. (К.И.Шакалов, В.А.Башкиров, И.А Калашник. и др. 1986).

Касаллик бошида яхши бўлиши мумкин, агар ўз вақтида даволанса, акс ҳолда касалликдан кейин ҳосил бўлган чандик кўриш

фаолиятини тўлиқ бузади. Бундан ташқари кератоцеле, панофтальмит ва сепсис ривожланишига олиб келиши мумкин. (Авроров В.Н., Лебедев А.В., 1985)

Даволаш мақсадида узоқ ва бардошли даволаш ишларини олиб бориш керак. Бу мақсадда антибиотик, сульфаниламид ва фурациллин, этакридин лактат қўллаш тавсия қилинади. Касаллик бошида ҳамда охирида ретробульбар новокаин қамал усули яхши натижа беради. У касалликнинг кечишини тезлаштириб, йирингли некротик жараёнларни жадаллаштириб тозаланиб, тезроқ чандиқ ҳосил бўлишини таъминлайди. Шундай қилиб, бу даволаш усули йирингли жараёнларни оддий усулда даволаганда 3-4 ҳафта чўзилса, бу муддат 1-1,5 ҳафтага, яъни 2 мартага қисқаради. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, яралар ўрнида чандиқ ҳосил бўлиб (фаседка) чуқурча ҳосил бўлади, кўриш рефракцияси бузилади, бу 2 ҳафтадан кейин эпителиал тўқималар билан ўсиб тўлдирилади. Сепсисга қарши даволаш усуллари қўлланилади. Бундан ташқари, касаллик асоратларида перитомия, передиктомия, энуклеация ва эвисцероция ўтказилади. (К.И.Шакалов, В.А.Башкиров, И.А.Калашник. и др. 1986).

1.2. Итларда кератит касалликларининг этиопатогенези, клиник белгилари, даволаш ва олдини олиш

Бош мия, яъни марказий нерв системасининг асосий ва муҳим бўлган кўриш аъзолари кўзлар ҳайвон организмига тўғридан тўғри таъсир қилиб унинг ташқи муҳит билан алоқасини таъминлайди. Бу аъзоларнинг соғломлиги билан ҳайвоннинг ишчанглиги ва махсулдорлиги тўғрисида боғлиқ бўлади. И.П. Павловнинг назариясига кўра мураккаб организмнинг бўтунлиги ва бўлинмаслиги, ҳамда уни

ташқи муҳит билан алоқаси нерв системасининг фаолияти билан тиғиз боғлиқ.

Бош мия назариясидан келиб чиққан ҳолда ҳар қандай касаллик, шу жумладан кўз касалликлари, фақат маҳаллий паталогик жараён бўлиб ҳисобланмасдан балки бўтун организм касаллигидир ва унда бош мия актив қатнашади (Л.В. Барадакчийев, 2004; А. Ф. Русинов 1987, Йе. П. Копёнкин, 1988).

Б.А.Башкиров ва бошқ (1990) ва Артамашина Ю.Ю., Селезнев С.Б. (2004) маълумотларига кўра, яллиғланиш жараёнининг динамикаси иккита босқич билан ифодаланади.

Биринчи фазада яллиғланиш жараёни гидротасия ҳодисалари намоён бўлиши билан характерланади, яъни бу фазада тўқималарда шиш ҳосил бўлиши ва экссудат ажралиб чиқиши кузатилади. Бу ҳодисалар яллиғланиш ўчоғида организмнинг нерв–томир реаксаяси натижасида ҳосил бўлади. Бу реакция гиперемия, экссудасия, асидоз, тўқималардаги моддаларнинг алмашинуви, кислота–ишқор мувозанатининг бузилиши билан характерланади.

Яллиғланишнинг иккинчи фазаси–дегидратасия билан характерланади, бунда қуйидагилар кузатилади: қон ва лимфа айланиши тикланади, қон томирларнинг деворлари тораяди, экссудасия ва ҳужайра емиграсияси камаяди ва тўхтайтиди, некрозга учраган тўқималарнинг қайта тикланиши, бириктирувчи тўқиманинг ўсиши кузатилади.

Кўз аъзоси кўриш орган сифатида ҳайвон организмида ката аҳамиятга ега, чунки кўз ташқи муҳит анализатори бўлиб ҳисобланади. Кўзлар ҳайвонларга атроф муҳитни еркин англашга, озиқа топишга, ҳаракатланишга, ўзини пода ичида ҳамда йиртқич ҳайвонлардан ва

шикастловчи омиллардан химоя қилишга ёрдам беради (К.И.Шакалов 1986).

Кўз касалликларининг келиб чиқиши одатда 3 сабаблар билан боғлиқ: умумий касалликлар–ўлат; маҳаллий инфекция; механик шикастлар

Йе. П. Копёнкин, (1981) таъкидлашича кўз касалликлари бирламчи мустақил жараён бўлиши мумкин, у ташқи муҳитдан бевосита таъсир етувчи факторлар таъсирида келиб чиқади.

Патологик яъни кўз аппаратида салбий таъсир етувчи омиллар ҳайвон организмида турли юқумли ва юқумсиз касалликларнинг ривожланиши натижасида келиб чиқиши ҳам мумкин. (Л.В. Барадакчийев, 2004; К.И.Шакалов 1986; А.Ф.Русинов 1987, Йе. П. Копёнкин, 1988; Х.Исломов, Р.М.Таштемиров 2009).

А.Ф.Русиновнинг (1987) таъкидлашича кўз орбитасининг тўқималарида ривожланадиган паталогик жараёнлар турли шикастланишлар ёки микроорганизмлар таъсиридан келиб чиқади, айниқса кўз қовоқларининг шиши, блефароспазм, конъюнктивит, кератит ва бошқалар кўп ҳолларда организмнинг умумий реакцияси бўлиб ҳисобланади. Ана шундай кўз касалликлари оқибатида ҳайвоннинг кўриш қобилияти пасайиши ёки умуман юқолиши кузатилади. Ундан ташқари кўз касалликлари ҳайвон маҳсулдорлигининг кескин пасайишига ва ишлаш қобилиятининг йўқолишига олиб келади ва ҳатто бунда ҳайвон ўлиши ҳам мумкин.

Айрим ит зотларининг анатомик жихатдан тўлиқ ривожланганлиги (япо н хини, пекинез) натижасида периорбита чуқурчаси жуда саёз бўлади. Натижада кучсиз зарбаларда ҳам уларнинг кўз соққаси ташқарига чиқиб қолиши мумкин

К. И. Шакалов (1986) ва А. Ф. Русинов (1988) ларнинг

кўрсатишича ёппасига учрайдиган кўз касалликлари (телязиоз, риккециоз) ва бошқа юқумли кератоконъюнктивитлар хўжаликларга катта иқтисодий зарар йетказадилар. Улар кўп ҳолларда битта ёки иккала кўзнинг кўриш қобилятининг пасайишига ёки йўқолишига олиб келиши мумкин. Бунинг таъсирида организм ўсишдан қолади ва унинг маҳсулдорлиги кескин пасаяди (А. В. Лебедев, А. И. Федоров 1989, Ёе. П. Копёнкин, 1988).

Екологик муҳитнинг бўзилиши юқори даражада чангланиш, кўёш радиасияси, атроф муҳитнинг чиқиндилар билан ифлосланиши ҳамда ҳайвонларни зич ҳолатда сақлаш, кўп маблағ талаб қиладиган профилактик тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказмаслик каби омиллар кўп ҳолларда ёппасига учрайдиган кўз касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлади (кератоконъюнктивитлар). Масалан айрим хўжаликларда ёппасига учрайдиган кератоконъюнктивитлар 40-80% ни ташқил қилиб ёш ҳайвонларни зарарлашлари мумкин. Албатта бундай ҳол хўжалика иқтисодий зарар йетказди. Иқтисодий зарар қўйидагилардан келиб чиқади: касал ҳайвонлар кондисияга йетмайди ёки ўсиб келадиган ва подани тиклашга мўлжалланган урғочи ҳайвонлар пода ҳисобида чиқарилади.

Олдини олиш ва даволаш ишлари кечиктирилганда ёки сифатли бажарилмаганда 25-30% ҳайвонлар кўриш қобилятини йўқотади. Яна шунчасининг кўриш қобиляти 50% га йўқолади, қолганлари еса соғайиб кецада ўсиш ва ривожланишдан қоладилар. Бў омилларга қарши даволаш ва санитаргигийеник тадбирларни ўтказиш учун сарфланган ҳаражатлар кўшилса иқтисодий зарар жуда сезиларли бўлади (А. В. Лебедев, А. И. Федоров, 1989, А Д, Ахмадулин, Ёе. П. Копёнкин 2004).

Кератоконъюнктивитларнинг ривожланишига организм

резистентлигининг пасайиши, механик шикастлар, кўриш аъзоларга кимёвий моддалар таъсири сабаб бўлади (Йе. П. Копёнкин 1988).

Қовоқларнинг яллиғланиши итларда тез-тез учраб туради. Улар шикаст, авитаминоз, кимёвий ва термик куйишлар, микроб, вирус, айрим паразитлар кириб боришидан хосил бўлади. Кўз касалликлари одатда 3 хил сабаблардан келиб чиқади: умумий касаллик (ит ўлати), маҳаллий инфекция, механик шикаст

Д.А.Вилмис, (2008) изланишлари итларнинг қуруқ кератоконъюнктивитига бағишланган. Бу касалликда кўз шох пардаси ксерози, кўз ёши безининг гипофунксияси ва шох парда олди кўз ёши плёнкасининг стабиллигининг бузилиши кузатилади. Бу касалликнинг келиб чиқишига гипотериоз (25.9%), Гарден безининг екстирпасияси (14.5%), герпесвирусли офталмоинфекция каби омиллар сабаб бўлади.

Айрим юқумли ва юқумсиз касалликларнинг ривожланиш жараёнида кўриш аъзоларида яъни кўзларда турли патологик ўзгаришлар кузатилади. Масалан йирик шохли ҳайвонларнинг хатарли катарал иситмасида кўз шох пардасида тарқоқ хиралашиш ва иридосиклит кузатилади. Куйдирги ва гемоспоридиозларда кўз канъюктиваси очқизил рангга киради. Қорин бўшлиғида жойлашган аъзолар ва жигар касалликларида конъюнктива сариқ ранга киради, организмда анемия ривожланганда конъюнктиванинг оқариши кузатилади. (А. Ф. Русинов, 1987, Йе. П. Копёнкин, 2004).

Хирургик касалликлар мия геморрагияси ва абсцессида ҳамда мия чайқалиши ва шунга ўхшаш касалликларда кўз соққаси ҳамда қовоқларнинг ҳаракатланиши бўзилади.

Қорин ва кўкрак бўшлиқларининг ички қон кетишларида конъюнктива ва бошқа шиллиқ пардалар оқаради. Шунинг билан биргаликда кўзларнинг турли касалликлари ҳайвоннинг жинсий

фаолияти ва оталанишга салбий таъсир қилади (А. Ф. Русинов 1987, Д. А. Ахмадулин, Ёе. П. Копёнкин 2004).

Кўз касалликлари одамзод ҳайвонларни қўлга ўргатиб улардан фойдаланишни бошлаган пайдан кўп ташвиш келтириб келмоқда, аммо ёзма адабиётларда кўз касалликлари тўғрисидаги дастлабки маълумотлар фақат 19 асрга тегишли деб ҳисобланади. Яъни ана шу пайдан бошлаб кўз гавҳари, шох ва рангли пардалар, қовоқ ва конъюнктива касалликларини текшириш усуллари ва асбоблари тўғрисида ишончли маълумотлар пайдо бўлади.

Кўзнинг тўр ва томирли пардалари ҳамда кўриш нерви касалликларини ўрганиш усуллари биринчи бўлиб Гелмголдс томонидан ишлаб чиқилган. Бунинг учун у махсус текшириш асбоби офталмоскопни ихтиро етди. Бу асбоб ёрдамида кўз соққасининг ички муҳитлари текширилади. Ундан ташқари офталмоскоп ёрдамида кўзнинг туби, ундаги элементлар текширилиб ўзгаришлар қайд етилади. Офтолмаскопия усули кўз касаллигини ўрганадиган фанларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшди.

Офталмоскопия усули ветеринарияда биринчи маротаба Ренан томонидан от кўзларининг текширишида қўлланган. Бернард ҳамда Нокгуарлар бу усулнинг такомиллаштиришга ҳаракат қилишган.

Кўз касалликлари билан касалланган ҳайвонларни даволаш жараёнида қуйидагиларга ётибор бериш керак: биринчидан касал ҳайвоннинг умумий ҳолатига, унинг реактивлигига, маҳаллий патологик жараёнинг характериға, ривожланиш давриға ва бошқаларға.

Кўз касалликларини даволаш усулини ва даволовчи воситаларини танлаш пайдта, улар яъни кўзнинг патологик ўзгаришлари организмдаги кечадиган умумий бузилишларнинг ифодаси еканлигини ҳисобға олиш лозим. Бу айниқса йирингли кўз

касалликларда катта аҳамиятга ега.

А. Г. Шилкин, В. В. Олейник (2004) лар таъқидлашича токсинларнинг таъсиридан ташқари оғриқнинг мавжудлиги ҳам организмга жуда ёмон таъсир қилади.

Ҳосил бўлган оғриқ марказий нерв системасида чуқур ўзгаришлар чақиради ва бунда оғриқ жуда кучли бўлса нерв системасининг бошқариш хусусияти бузилади.

А.Л. Самойлов, Н.Йе. Браунштейн (1990) таъкидланишча кўз касалликларининг патогенезида инфекция асосий омил бўлиб ҳисобланади. Инфекция кўп ҳолларда бирламчи сабаб бўлиши кузатилади аммо касаллик организмнинг трофикаси бузилишидан ҳам ривожланиши мумкин.

Айрим муаллифлар таъқидлашича токсикароз касаллигининг личинкалари одатда итлар оиласига таълуқли ҳайвонларда паразитлик қилади. Одам организмида паразит ўпка, юрак, буйрак, бош мия ва кўзларда жойлашади.

Клиник нуқтаи назардан виссерал ва кўз (67% ҳолатларда) шакллари мавжуд. Кўз токсикарози оғир кечади. Касалликнинг клиникаси ўсмали жараёнга ўхшайди.

Итларнинг касалланиши Москва шаҳрида 28.3%, Иркутск вилоятида – 29%, Грозний шаҳрида 76% ни ташкил қилади. Даволашда дори воситалари ва личинкани механик йўл билан олиб ташлаш усуллари қўлланади.

Лоаоз сурункали кечадиган гельминтоз. Унинг бошқа номикалабар шиши. Қўзғатувчиси 3070 мм келадиган нематода. У кўз конъюнктиваси остида ўрнашади. Зарарланиш оралиқ хўжайин бўкалар орқали амалга оширилади. Кўзнинг кучли оғрийдиган ва катта шиш ҳосил қиладиган конъюнктивити ривожланади.

Онхосеркозсурункали кечадиган филяриатоз. Асосан тери, тери ости клетчаткаси ва кўзлар зарарланади. Микрофиляриялар катаракта, глаукома, хориоретинит ва кўриш нервининг атрофиясини чақирадилар

А. Ф. Русинов (1987) таъкидлашича кўз касалликларини даволашда марказий нерв системасини ҳаддан зиёд кўзғалишлардан сақлаш чораларини қўллаш билан биргаликда инфекцияга ҳам қарши кураш олиб бориш лозим.

Йе. П. Копёнкин (1988), К. А. Фомин (1988), А.А. Кузмин (1987) лар таъкидлашича йирик шохли ҳайвонлар бошқа ҳайвонларга нисбатан оғриққа кўпроқ сезувчан бўлади. Ўткир кечадиган кўз касалликларида, айниқса шох парданинг паталогик ўзгаришларида ҳайвоннинг умумий реакцияси яққол кузатилади. Умумий тана ҳарорати ошади, ҳайвон кўзғолган ёки аксинча реакциялари суст ҳолатда бўлади. Ҳайвоннинг маҳсулдорлиги пасаяди, у ориқлайди. Ёш ҳайвонлар ўсишдан тўхтади.

Д.А.Вилмис, (2007 ,2008) бўйича кўз шох пардаси олди кўз ёши плёнкасининг стабиллиги ва кўз ёши ишланиб чиқиладиган суммар маҳсулдорлигини характерлайдиган функусионал тестлар (Ширмер тести ва Норн пробаси), кўз ёши аппаратининг функционал ҳолатини баҳолайдиган енг яхши информатив усуллари ҳисобланади. Ҳайвонларда кўз ёшининг ишлаб чиқилишини баҳолаш усули қуруқ конъюнктивитнинг уч даражали (ёенгил, ўрта ва оғир) кечишини аниқлашнинг енг информатив усули ҳисобланади.

Вақтида бошланган даволаш ишлари кўп ҳолларда ижобий натижа беради. Аммо паталогик жараёни маҳаллий усуллар билан даволаш ҳамма вақт ҳам яхши самара беравермайди. Шунинг учун кўз касалликларини даволашда организмга умумий таъсир қиладиган дори воситаларни қўллаш касал ҳайвоннинг химоя кучларини сақлашга ва

оширишга имкон яратади (Йе. П. Копёнкин, 1988; П.П. Ганийев (1990).

Кўз касалликларини даволашда қўлланадиган маҳаллий усуллар оператив ва консерватив бўлиши мумкин. Умуман айтганда деярли ҳар бир кўз касаллигида маҳаллий даволаш усуллари қўлланилади, масалан кўзнинг йирингли панофталмитида зарарланган кўз соққаси зудлик билан олиб ташланади (К.И.Шакалов, 1986). Ретробулбар флегмона (кўз орти флегмонаси) да йирингли жараён зудлик билан ёрилади ва йиринглинекротик моддалардан тозаланади, чунки уларнинг бутун организмга ва шу жумладан бош мияга тарқалиш ҳавфи анча баланд бўлади. Кўзнинг ички босими ошганда еса шох пардани тешиб уни пасайтириш ҳам зудлик билан қилинадиган операсия турига киради, чунки дори воситаларнинг таъсир вақти анча кечикади.

Конъюнктивит қовоқларнинг ички юзаси ёки кўз соққасининг яллиғланиши. Уни даволаш учун кўзни тезтез 2% ли илиқ бор кислотаси еритмаси билан ювиб туриш лозим. Кўз конъюнктивасига 12 томчи янги тайёрланган аргирол еритмаси (510 %) ёки 1 % ли синк сульфати еритмаси томиздирилади. Совуқ усулни қўллаш яхши натижа беради

Совуқ муолажалардан кейин 34 кунга бориб, шишларнинг сўрилиб кетишини таъминлаш учун иссиқ муолажалар, иситувчи компресслар, қитиқловчи малҳамлар (финалгон, аписартрон, индометасин, ефкамон) ва массаж қўлланилади.

Иссиқни қўллаган вақтда гепарин суртмаси билан ултратовушни қўллаш яхши натижа беради.

Калашник И.А. ва бошк. (1988) таъқидлашича консерватив усул билан даволаш асосан маҳаллий оғриқсизлантирувчи, яллиғланишга қарши, антисептик, тўқималарда тикланиш жараёни кучайтирувчи

моддаларни қўллаш билан амалга оширилади.

Оғриқни камайтириш учун маҳаллий тарзда юзаки ёки инъексия шаклида дикаин ва 35% ли новокаин еритмалари қўлланилади. Анестетиклар жароҳат ёки шиллиқ пардага томчиллатиб қўлланса, таъсирини 1015 дақиқа чўзиш ҳамда микробларга қарши курашиш мақсадида уларга антисептик моддалар ёки антибиотиклар қўшилади . А. Ф. Русинов (1987) бўйича кўзнинг кўпчилик касалликлари ирсий бўлганлиги сабабли заводчик итларни кўпайтириш жараёнида уларни ўз вақтида аниқлаши жуда муҳим касб етади. Кўзнинг бошқа касалликлари ҳаёт даврида пайдо бўлади. Бундай ҳолларда ветеринар – офталмологда кўрикдан ўтиш кўпчилик кўз касалликларини ўз вақтида аниқлашга асосий чора бўлиб қолади. Кўрикдан ҳар йили ўтиш таклиф қилинади. Бундай касалликлар ҳайвон авлодларига ўтиш ҳоллари камаяди.

И. В. Исаева (2003) насли итларнинг енг кўп учрайдиган касалликларини келтиради:

1. Микрофталм туғма касалик, кўриш қобилияти йўқолади.
2. Дистихиазирсий (кўп ҳолларда) касаллик, қовоқларда иккинчи қатор киприклар ўсиб чиқади, 6 ойгача аниқланади.
3. Энтропион қовоқларнинг ичкарига қайтиши. Ирсий касаллик, 612 ойликда аниқланади.
4. Бурункўз ёши нуқталарининг битиб қолиши. 34 ойдан сўнг аниқланади.
5. “Қуруқ кўз”– (гипосекретор кератоконъюнктивит) сабаби ноаниқ, 5 ёшда аниқланади.
6. Глаукома кўз ички босимининг ошиши, ирсий бўлиши ехтимоли бор. 5 ёшдан сўнг аниқланади.
7. Катарактакўз гавҳари ёки унинг капсуласининг

хиралашиши. Кўп ҳолларда ирсий касаллик, 5 ёшданг сўнг аниқланади.

8. Қўз тўр пардасининг дисплазияситузма касалик, 612 ойдан сўнг прогрессалашади. Одатда 7 ёшдан сўнг аниқланади.

9. Қўзнинг учинчи қовоқ аденомаси.

Кузмин А.А бўйича қўзнинг учинчи қовоқ аденомасиучинчи қовоқ лимфатик фолликулларнинг катталашиши бўлиб, инфекцион агентлар таъсирида ҳосил бўлади. Кўпинча йирик итлар: кавказ овчаркаси, московская сторожевая, мастифлар касалликка чалинади.

Даволаш: микробларга ва ялиғланишга қарши консерватив даволаш чоралар қўлланилиши яхши самара бермайди. Аденомани оператив юл билан йўқотиш лозим.

Олдини олиш чоралари: қўз касалликларини ўз вақтида даволаш.

Конъюнктива яллиғланиши ёки конъюнктивит итларнинг кўп учрайдиган касаллиги. Енг кўп сабаблар – механик таъсирлар. Ундан ташқари сабаблардан итлар ўлати, пироплазмоз, кимёвий моддалар – охак, кислоталар, ишқорлар, дори воситалари; авитаминоз, жараён атроф тўқималардан ўтиши, банал микрофлора бўлиши мумкин.

Даволашда биринчи навбатда чақирувчи сабаблар йўқотилади. Қўзга махсус зоолосон билан ишлов берилади ёки 1 : 5000 фурацилин ва календула билан ювилади.

Итлардаги конъюнктивит кўп учрайди ва қийин даволанади. Жараён кўп ҳолларда сурункали шаклга ўтади. Касаллик кўриш қобилятининг йўқолишига олиб келиши мумкин. Конъюнктивит механик ёки кимёвий шикастланишларда ва гепатит, ўлат, парвовирусли инфекцияда ва бошқаларда ҳосил бўлиши мумкин. Итларда касаллик катарал, йирингли ва фолликуляр шаклда кечади.

Катарал конъюнктивитда бириктирувчи тўқима шишади,

қизариди, айрим ҳолларда қовоқлар ёриғидан бўртиб чиқади. Кўз ёши оқади

Йирингли шаклда блефароспазм ривожланади, аввал суяқ кейинчалик сарғиш қуюқ йиринг ажралади.

Фолликуляр шаклда жараён сурункали кечади. Конъюнктива яллиғланади, ички юзасида қизил фолликуллар кўринади.

Катарал конъюнктивитда шиллиқ парда шишади қизариди, қовоқларнинг чети шиллиқ билан қопланади. Айрим ҳолларда шох парда хира – кўкимтир тусда бўлади.

Даволаш. Йевфразия - 3, 5 томчидан кунига 4 маротаба. Йевфразия суви (1 стаканга 20 томчи) билан кунига 4 маротаба кўзлар ювилади.

Травматик яллиғланишда Арника ичкизилади, 2 соатдан сўнг кўз Арника еритмаси билан ювилади (20-30 томчи Арникани 1 стакан сувда еритиш).

Шох пардада хираланишлар қолганда Кониум қўлланади. Кунига 2-3 маротаба 5 томчидан ёки заррачадан берилади. Кўзлар 2-4 маротаба Кониум аралашмаси (1 стакан сувга 15 томчи) билан ювилади.

Итларнинг касалликлари орасида кзз касалликлари 30% ни ташкил қиладилар. Кўз касалликлари инфекцион, ноинфекцион ва туғма бўлиши мумкин.

Кўзларнинг ривожланиш аномалияларидан бири – шарпейларда қовоқларнинг ичқарига қайрилиши.

Кўз томчилари кунига 2-6 мартаба, ўткир шаклда еса 8-10 маротаба томиздирилади. Кўз малҳамлари биринчи 30 дақиқа мобайнида таъсир қиладилар шкнинг учун уларни ҳам кунига бир неча маротаба қўллаш лозим.

Блефаритни даволаш учун қоқлар ўсимлик ёғи билан ишланади,

пўстокчалар олиб ташланади, ярачаларга 1% бриллиант кўки, синтомисин, сульфасилнатрий малҳамлари сурилади.

I. боб бўйича хулоса

II. боб АСОСИЙ ҚИСМ

2.1. Илмий тадқиқот натижалари, таърифи ва таҳлили

2.2. Итларда кўзларнинг анатомияси ва физиологик хусусиятлари .

Итларда кўз косаси (орбита) -қадахсимон бўшлиқ бўлиб, 20-24мм узунликда бош суягининг юз ва мия қисмидаги чагарасида жойлашади ва унда кўз соққаси барча ёрдамчи органлари билан бирга жойлашган бўлади. У пешана, чакка, кўз ёш, ёноқ суяқларининг бирикишидан ҳосил бўлади. Йирик шоҳли ҳайвонларда орбитанинг пастки кўп қисмини кўз ёш суягининг юпқа қисми ташкил этади. У юпқа бўлиб, осон шикастланади. Бу бўшлиққа турли дори моддаларини даволаш учун юбориш мумкин. (*Климов А.Ф., Акаевский А.И., 2003*).

Кўз косаси юзасида чуқурча бўлиб, унда кўз ёш беи жойлашади. Кўз ёш суягида тешикча бўлиб, у тўғри кўз ёш бурун каналига олиб боради.

Периорбита – кўз соққаси жойлашадиган пардали конуссимон халта бўлиб, фиброз – эластик моддалардан тузилган. Периорбитанинг асосий қисми кўз косаси четига, ички томони эса кўриш тешигига ва кўз косаси деворига ёпишган бўлади. Периорбитани ташқи томондан экстраорбитал ёғ тўқимаси ўраб туради. Периорбита ичида кўз соққаси, мушаклар, нерв, қон томирлари, фасция ва интроорбитал ёғ тўқимаси қопланган.

Кўз соққасини кўз мушаклари, яъни тўртта тўғри ва иккита қийшиқ мушак ҳаракатлантиради. Уларнинг ҳаммаси кўз соққасига бириккан бўлади. Кўз

соққасини тортувчи мушак кўриш тешигидан бошланиб, кўриш нервини ўраган ҳолда кўз соққасига тўртта тишча шаклида бирикади. Кўзнинг тўғри мушаклари тўртта лента шаклида бўлиб, юқориги, пастки, ён ва ўрта мушаклардан иборат. Буларнинг ҳаммаси кўриш тешиги ёнидан бошланиб, кўзнинг фиброз пардасида тугайди. Кўзнинг қийшиқ мускули ҳам лента шаклида бўлиб, у кўз ёш суягининг махсус чуқурчасидан бошланади ва кўз соққасининг ён томон юзасига ўтиб, фиброз пардада тугайди. Қорақўл қўйларда у пастки тўғри мушак билан кесишади. (*Климов А.Ф., Акаевский А.И., 2003*).

Кўзнинг юқориги қийшиқ мушаклари панжарасимон тешикнинг пастки қисмидан ички юзаси томон ўтиб, кўзнинг ички бурчагига боради, сўнгра бурилиб ён томон тўғри мускул яқинида фиброз пардада тугайди. Қорақўл қўйларда ҳам худди шундай, лекин уларда юпқа парда шаклида тугайди. Кўзнинг тўғри мушаклари кўз соққасини ҳар томонга, қийшиқ мушаклар эса ўқ атрофида айлантиради.

Кўз фасциялари иккита қисмга бўлинади.

1.Кўз косасининг юза фасцияси кўриш тешиги ёнидан бошланиб, кўз мушаклари устини ўраб олади ва кўз соққасига келиб, юқориги ҳамда пастки қовоққа ўтади.

2. Кўз косасининг чуқур фасцияси кўз мушаклари орасидан ўтиб, иккига бўлинади ва бири қовоққа, иккинчиси кўзнинг шоҳ пардаси четига боради. Кўз соққасининг фасцияси (Тенонов) шоҳ парда четидан фиброз парда томон ўтиб, уни ўраб олади ва кўз тешиги ёнида тугайди. У чуқур фасция билан ҳам қўшилиб, кўриш нерви атрофида қин ҳосил қилади. Кўз соққаси фасциянинг ички Тенонов бўшлиғи қон томирлари бўшлиғи ва бош мия кўриш нервининг тўр пардаси ости бўшлиғи билан ҳам қўшилади.

Д. Х. Нарзиев (1986); И.А. Калашник и др. (1988); Белов А.Д., Плахотин М.В., Башкиров Б.А. (1990), А.В.Лебедев, В.А.Лукьяновский, Б.С. Семенов (2000) бўйича юқориги ва пастки қовоқлар – палпебра супериор ет

инфериор тери ва мускул бурмаларидан иборат бўлиб, улар юмилган вақтда кўндаланг ариқча ҳосил қилади.

Юқори ва пастки қовоқлар тери ва мушак бурмаларидан иборат бўлиб, улар ёпилган вақтда кўндаланг ёриқча ҳосил қилади. Қовоқ ёриқчасининг ён ва ички четида кўз бурчаклари ҳосил бўлади. Қовоқлар юмиладиган жойда бирикма ва қовоқ четлари бор, уларнинг ташқи ва ички қирраси (киприклар) бўлади. Итларнинг фақат юқоригиги қовоғида узун киприклар бор. Юқориги қовоқнинг дорзо-медиал қисмида муйловни эслатувчи бир тутам соч бор.

Ташқи қиррада эса узун киприк жунлари бор. Юқориги қовоқнинг усти қавариқ майда ва бахмал шаклли шилимшиқ пардали бўлиб, қовоқ конъюнктиваси дейилади. (*Климов А.Ф., Акаевский А.И., 2003*).

Қовоқнинг ички тери бўрмасининг ички чети конъюнктиванинг бириктирувчи тўқимасига ўтиб, қовоқ ва кўз соққаси конъюнктивасини ҳосил қилади. Қовоқдан кўз соққаси конъюнктивасига ўтадиган жой конъюнктива гумбази, қолган ёриқчаси конъюнктива халтаси дейилади. Кўзнинг ички юзасида кичик кўз ёши буртикчаси бўлиб, у майда чўқурчалар кўз ёши кўли билан ўралган. Кўз ёши бўртиги қорамол ва отларда анчагина йирик, чўчқаларда қизғиш рангли бўлиб, тер беги ҳам бор. Конъюнктива халтаси чуқурлиги ҳар хил ҳайвонларда турлича бўлади. Қовоқ конъюнктивасида безчалар ва лимфатик фолликулалар мавжуд.

Учинчи қовоқ кўз соққасининг ички бурчагидаги вертикал конъюнктива бурмасидир, унинг узунлиги 2,5 см гача, шакли турли ҳайвонларда ҳар хил бўлади. У учинчи қовоқнинг эластик тоғайига бирикиб туради. Итларда учинчи қовоқ безчаси қизил рангда бўлиб, тоғойда жойлашган ва 2-3 та чиқарув йўли бор. (*Климов А.Ф., Акаевский А.И., 2003*).

Қовоқларни қўйидаги мушаклар ҳаракатга келтиради:

1. Қовоқнинг айланма мушаки
2. Юқориги қовоқни кўтарувчи ташки мушак

3. Юқориги қовоқни кўтарувчи ички мушак

4. Пастки қовоқни туширувчи мушак

Юқориги ва учинчи қовоқ безларидан, ёш каналидан, ёш халтачаси ва кўз ёши бурун йўлидан иборат. Юқориги қовоқ ёш беги пешона суягининг юқориги товон ёнида ёноқ ўсимтаси асосида конъюнктура остида жойлашади. Унинг ранги қизғишроқ бўлади, унинг чиқариш йўли конъюнктурага очилади. Кўз ёши безлардан чиққандан сўнг кўз ёши кўлларига тўпланиб, ундан кўз ёши бўртиқлари ёнида, юқориги ва пастки қовоқларда ҳам бўлади. Кўз ёши каналлари кўз ёш халтасига тушади. Ёш халтаси пардасимон кўз ёши – бурун йўлига томон ўтиб, бурун бўшлиғидаги каналга чиқади. Қорамолларда куз ёши безининг 6 – 7 та катта ва бир қанча майда йули бор. Отларда кўз ёши безининг катталиги 5,5 х 3,5 см, унинг чиқариш йўли 12 – 16 тагача бўлиб, уларнинг диаметри 2 мм бўлади. Кўз ёши – бурун йўли буруннинг ичкарироқ қисмига очилади. (*Климов А.Ф., Акаевский А.И., 2003*).

Кўз ёши тоза, тиниқ, шўр таъмли, кам ишқорий муҳитга эга бўлган суяқлик бўлиб, 99% сув ва 1% қаттиқ моддадан иборат. Кўз ёши таркибидаги лизоцим антисептик хусусиятига эга бўлиб муҳим аҳамият касб этади. Кўз ёши бездан чиқиб конъюнктура халтасига тушади, конъюнктура ва шоҳ пардани намлаб, конъюнктура халтасидаги ёт моддаларни ювади. (Д. Х. Нарзиев ,1986)

Кўз ёши суяқлиги бактерицид хусусиятига эга бўлиб, шоҳ парданинг озикланишига қатнашади. Кўз ёши кўз ёрикчасининг ички бурчагида тўпланиб туради. Кўз ёш халтаси ҳеч қандай чегарасиз кўз ёши – бурун йўли томон ўтиб, бурун бўшлиғидаги каналга қўшилади.

Кўз ёши-бурун канали. У катта ҳайвонларда 25-28 см узунликда бўлиб, кўз ёш ва юқориги жағ суяқларидан ўтиб, бурун йўлига йўналган бўлади ва унга яқин жойда очилади. Умуман кўз ёш аппарати ҳимоя функциясини бажариб, доимо кўз ёши суяқлигини ажратиб туради, конъюнктура халтасидаги


микробларга таъсир қилади ва конъюнктива шоҳ пардани намлаб уларни қуриб қолишидан ва қовоқлар ҳаракатланганда турли хилдаги шикастланишлардан асрайди. (*Климов А.Ф., Акаевский А.И., 2003*).

Кўз ёғи асосан икки қисмга бўлинади: 1) кўз соққасининг ёғ ёстиқчаси; 2) хусусий ёғ сумкаси. Кўз соққасининг ёғ ёстиқчаси периорбита бўшлиғидан ташқарига яноқ чуқурчасини тўлдириб туради, шунинг учун ҳам уни кўз ёғи деб айтилмайди. Хусусий ёғ сумкаси периорбитага жойлашган бўлиб, кўз мушак ва фасцияларини бир-биридан ажратиб, кўриш нервини атрофини ўраб ҳимоя вазифасини бажаради. (Д. Х. Нарзиев ,1986)

Ёғ ҳосил бўлиши биологик амортизатор ҳисобланиб, кўз соққасини орбита бўшлиғида енгил ҳаракатланишини таъминлайди.

Кўз соққаси шар шаклида бўлиб, унинг олд томони ботикроқ, орқа томони бир оз қаварикдир. Кўз соққаси кўз косасининг олд томонига, қовоқларнинг ортида жойлашади. Итларда кўз соққаси узунлиги 21-22 мм бўлиб, унинг ўқи 24,2мм катталиқда бўлади. Кўз соққасининг орқа қисмида ретробулбар бўшлиқ бўлиб, у мушаклар, фасциялар, нерв, томирлар ва ёғ билан тўлган бўлади. Кўз соққаси кўриш нерви орқали бош мия билан боғланиб туради. (*Климов А.Ф., Акаевский А.И., 2003*).

Кўриш ўқи оралиғидаги бурчак ҳам хар хил: итларда 92° , ўқ ўртасидаги радиуси еса итларда 79° га тенг бўлади (Нарзиев Д. Х. 1986).



6–расм. Кўз соққаси тузилиши.

Отлар кўз соққасининг оғирлиги 30 грамм, ҳажми 5-8 см³ бўлади.

Кўз соққаси қуйидаги учта қаватдан иборат бўлади:

1. Ташқи фиброз парда – tunica fibrosa;
2. Томирли парда – tunica chorioidea;
3. Ички тўр парда – tunica retina .

Кўзнинг ташқи фиброз пардаси ёпиқ мустаҳкам қобиқ ҳосил қилиб, ўзида кўз шаклини акс эттиради. У олд томонидан тиниқ ва зич шоҳ (мугуз) пардадан, орқа томондан эса тиниқ бўлмаган оқиш пардадан тузилган бўлади. Ташқи фиброз пардаси 2 қаватдан иборат: (Д. Х. Нарзиев ,1986)

1. Кўзнинг оқиш пардаси. Кўз соққасининг 5 дан 4 қисмини ёпиб туради. У ёруғлик нурларини ўтказмайди, зич, таркибида қон томирлар кам бўлади. Оқиш парданинг орқа томонида панжарали пластинка жойлашган бўлиб, унинг тешикларидан кўриш нервининг толалари ўтади.

2. Шоҳ парда. Кўз соққасининг олд томонида жойлашган бўлиб, унинг 5 дан 1 қисмини эгаллайди. Шоҳ парда тиниқ шаффоф, жуда зич, унда кўп миқдорда нервлар бор, лекин қон томирлар бўлмайди. Унинг қалинлиги 0,8-

1,5 мм бўлиб, диффуз йўл билан озиқланади. Шоҳ парданинг оқ пардага қўшиладиган жойи ярим тиниқ бўлади, у “лимб” деб юритилади. (*Климов А.Ф., Акаевский А.И., 2003*).

Гистологик жиҳатдан шоҳ (мугуз) парда 5 қаватдан тузилган:

1. Кўп қаватли ясси эпителиал;
2. Олдинги асосий пластинка ёки боумен пардаси;
3. Хусусий тўқима ёки шоҳ парда паренхимаси;
4. Орқанги асосий пластинка ёки десцемет пардаси;
5. Эндотелий.

Ўрта томирли парданинг ички юзаси оқ пардага озроқ ёпишиб туради ва шоҳ парда четлари ва кўриш нерви билан қўшилиб кетади. У уч қисмга бўлинади: (Д. Х. Нарзиев ,1986)

1.Олдинги рангли пардаси ҳайвонларда ҳар хил рангда бўлиб, шоҳ парданинг орасида туради. Бу парданинг ўртасида оддий тешик кўз қорачиғи бор, рангли парданинг олдинги ва кейинги юзасида бурмалар-қорачиқ ҳамда киприк четлари бўлиб, улар киприк танаси ва шоҳ пардага бирлашиб туради. Қорачиқнинг устки томонида узум ғужумларига ўхшаш қорамтир шакллар бўлади. Рангли парда пигментлари ҳар хил ранг беради. Кўз қорачиғи атрофида силлиқ мушак толалари қорачиқ сфинктрини, радикал ҳолда жойлашувчи мушаклар қорачиқни кенгайтирувчилардир. Унинг кенгайиши ва торайиши ёруғликка боғлиқ бўлади. Қорачиқнинг шакли ҳам ҳар хил ҳайвонларда турлича бўлади, ўтхўр ҳайвонларда кўндаланг, итларда айланасимон, мушукларда кучли ёруғликда тик, ёруғлик кам бўлса айланасимон бўлади. (*Климов А.Ф., Акаевский А.И., 2003*).

2. Цилиар ёки киприксимон тана томирли парданинг ўрта қисми бўлиб, рангли парда билан хусусий қон томирли парда ўртасида жойлашган лента шаклида қалинлиги 10 мм гача бўлади. Киприксимон танада силлиқ мушак толаларидан иборат киприк мушаки бўлади. У радикал ҳолда жойлашган 70 дан 110 тагача тароқсимон киприк ўсимталаридан иборат. Бу

тананинг олд томонида киприк ўзаги бўлиб, унга кўз гавҳарини кўтариб турувчи пай бирикади. (Д. Х. Нарзиев ,1986)

3. Хусусий қон томирли парда томирли парданинг орқа қисми бўлиб, тўр парда билан оқиш парда оралиғида жойлашган бўлади. Ранги қорамтир-кўнғир, қон томирлари кўп юпқа бўлиб, оқиш пардаси билан зич бирикади. Парданинг дорсал томонида нур қайтарувчи қават бўлиб, тузилиши итларда хужайрали, ўтхур ҳайвонларда фиброзли тузилишга эга, чўчқаларда бўлмайди. Отларда унинг ранги кўк-яшил, қорамолларда яшилдан-кўкгача, итларда тилла-сарик рангда бўлади. (Д. Х. Нарзиев ,1986)

Хусусий қон томирли парда 5 қаватдан иборат:

1. Супрахориоид ёки кўп сонли пластинкалар қавати;
2. Катта томирли қавати;
3. Нур қайтарувчи қават;
4. Капилляр қон томирлар қавати;
5. Шишасимон ёки асосий пластинка қавати.

Кўзнинг тўр пардаси кўрадиган ва кўрмайиган қисмларга бўлинади. кўрадиган қисми ҳам ўз навбатида иккига бўлинади:

1. Пигментлашган қавати томирли қаватга яқин бирлашган.
2. Хусусий (чин) тўр қават кўриш нервининг кириш жойидан киприксимон таначага боради. Ранги қизғишроқ-тиник бўлади. Тўр парданинг кўриш нервига ўтадиган жойи кўриш тепчаси (дўнглиги) дейилади. Унинг диаметри 4,5-5 мм. Тўр парданинг ўртасида марказий хошия бўлиб, у энг яхши кўриш жойи ҳисобланади. (Д. Х. Нарзиев ,1986)

Гистологик тузилиши жиҳатидан тўр парда 10 қаватдан функционал жиҳатдан икки қаватдан иборат, ташқи – нур қабул қилувчи ва ички – нур ўтказувчи. Нурни қабул қилувчи асосий элементлари таёқчасимон ва колбасимон ҳужайралардир. (*Климов А.Ф., Акаевский А.И., 2003*)

Киприксимон қисми ва рангли парда қисми жуда юпқа бўлиб, икки қаватдан иборат, уларнинг бири киприксимон танага иккинчиси рангли

пардага бирлашади. Қоракўл қўйларда тўр парданинг орқа қисми бир оз хиралашган, кўриш дўнглиги юмалоқ шаклда, диаметри 2,5-3,5 мм бўлади.

Кўриш нерви бош мия нервларининг иккинчи жуфтидир. Бош суягининг бош мия бўшлиғида иккала кўриш нервлар ўзаро бирлашиб боғлама ҳосил қиладилар. Кўриш нерви диаметри 5,5 мм бўлиб, томирли ва оқ пардани тешиб ўтади. Уни қаттиқ ва юмалоқ мия пардалари ўраб олади. Бу нерв билан тўр парданинг артерия ва веналари бирга жойлашади.

Кўриш нерви учта қисмга бўлинади:

1. Хусусий (чин) кўриш нерви;
2. Кесишган бўлими;
3. Кўриш тракти.

Нурни синдирувчи муҳитларга кўз ичи суюқлиги, кўз гавҳари ва шишасимон тана киради.

Кўз ичи суюқлиги кўзнинг олдинги ва орқа камерасида бўлади. Кўз ичи суюқлиги тиниқ, рангсиз бўлиб, таркибида сув, 0,02% оксил, минерал тузлар, витаминлар ва ацетилхолинлар мавжуд. Кўз ичи суюқлигини киприксимон тана ишлаб чиқаради. Кўз суюқлиги сўрилиб кетишининг бузилишида хавфли касаллик глаукома ривожланади. (Д. Х. Нарзиев ,1986)

Кўз гавҳари икки томонлама қавариқ линза бўлиб, рангли парда орқасига жойлашади. У жуда тиниқ ва зич консистенцияга эга бўлиб, ёруғлик нурини синдириб, тўр пардага тасвир тушириш учун хизмат қилади. Кўз гавҳарининг сиртки қавати капсула билан ўралган бўлиб, унда пўстлоқ, зич ядро қисмлар бўлади. Пўстлоқ қисмининг хужайралари узун, шунинг учун фиксация қилинган гавҳар пиёзга ўхшаш бир неча қават пўст шаклида бўлади. Кўз гавҳари киприксимон танага пай орқали ёки кўтариб турувчи пай билан бирлашиб туради. Бунда лимфа ёрикчалари бўлиб, улар лимфа суюқлиги билан тўлиб туради. Шу пайларнинг қисқариши ва ёзилиши натижасида доим эластик ҳолатдаги гавҳар кенгайиб-тораяди ва буюмларни кўришни осонлаштиради. Унинг диаметри отларда 22x19мм, қалинлиги 13,25

мм, қоракул қўйларда диаметри 14 мм х 12 мм, қалинлиги 1214 мм, оғирлиги 2,2 – 2,5 г. Гавҳарнинг сирти капсула билан ўралган бўлиб ўртасида ядроси бор. (*Климов А.Ф., Акаевский А.И., 2003*).

Шишасимон тана шарсимон, тиниқ орган бўлиб, гавҳар билан тўр парда орасидаги бўшлиқда жойлашади. Унинг ичида қуюқ модда бўлади. Шишасимон тана дилдиروق масса бўлиб, таркибида 98,5% сув ва 1,5% зич модда сақлайди. Шишасимон тана кўз ичи босимини ҳосил қилиб нормал ҳолатда тўр ва томирли пардани ушлаб туришда хизмат қилади. (*Климов А.Ф., Акаевский А.И., 2003*).

Кўз ўзининг барча хусусиятлари (ёруғлик, оғиқ , тактил , ҳарорат, сезувчанлик ва турли боғланишлар) билан марказий нервсистемасини ташқий муҳит билан боғовчи муҳим аъзо хисобланад. Кўзнинг анатомик тузилиши фотокамирани эслатади. Объектив вазифасини тиниқ муҳитлар шох парда, кўз ичидаги суюқлик, кўз гавҳари ва шишасимон тана бажаради. Улар ёруғликни синдириб бир нуқтага яъни фокусга йиғади. (Авровов В.Н., Лебедев А.В., 1985)

Кўзнинг оптик системасини тинч ҳолатда паралел ёруғлик нурларини синдириб бир нуқтага йиғиш қобилияти рефракция деб айтилади. Рефракция – бу кўзнинг фаол хизмати эмас балки унинг аккомодациядаги (жисимларни кўриш қобилияти) фарқдир. У нормал ҳолатда эмметропия ва бузилиш ҳолатида аметропия (расм). Аметропия ўз навбатида яна бўлинади миопия (яқиндан кўриш), гиперметропия (узоқни кўриш), анизометропия (бтга кўз яхши кўради иккинчи кўз яқинни ёки узоқни кўради), астигматизм (нур к ўзда синади аммо бир нуқтага туташмайди).

Эмметропияда – нормал рефракцияда паралел нурлар кўзда синади ва тўр пардада йиғилади.

Миопия- рефракциянинг бузилиши бўлиб, бунда кўз тинч ҳолатда паралел нурларни тўр парда олдида йиғади

Гиперметропия (узоқни кўриш) рефракциянинг бузилиши бўлиб, бунда кўз тинч ҳолатда паралел нурларни тўр парда орқасига йиғади .

Анизометропия – рефракциянинг бузилиши бўлиб, битта кўзга таълуқли бўлса (битта кўз нормал ҳолатда) ёки иккита кўзга таълуқли бўлса (битта кўз узоқни кўради, иккинчи кўз яқинни кўради). Анизометропия ҳайвонларда яхши ўрганилмаган. Ҳайвонлар ичида тахминан 10% анизометропиядан азоб чекади. Шундан 17% эмметропияда-миопия , 22%- эмметропияда – гиперметропия ва 0,3% миопия – гиперметропияташқил қилади. Варонеж ветеринария институти хирургия кафедраси маълумот беришича , 366 от текширилганда 33,6% анизометропия , 53,5% ни эмметропия , 12,6% ни миопиянинг турли даражалари ва 0,3% ни гиперметропия учраши қайд этилган. (Авроров В.Н.,Лебедев А.В.,1985)

Астигматизм – рефракциянинг бузилиши бўлиб , бунда нурлар кўзда синади аммо бир нуктага бирлашмайди .

Аккомодация –бу ҳайвонларни турли ўзоқликда турган жисимларни аниқ кўриш қобилиятидир. Жисимларни аниқ кўриш учун ундан чиқаётган нур тўр пардага йиғилиши керак . (Авроров В.Н.,Лебедев А.В.,1985)

Офталмоскоп – айлана ясси ойна шаклида ёки нур қайтарувчи юзаси эгилган бўлиб, ўртасида тешикчаси бўлади. Ундан кўзнинг тиниқ қаватларини текшириш учун фойдаланилади. Бунда кўзнинг шоҳ (муғуз) пардаси, олдинги камераси, гавҳари, шишасимон танаси ва кўз туби текширилади. Текширувчи кўз билан ҳайвон кўзи оралиғидаги масофа 30-50 см бўлиши керак. Ҳайвон текширилганда табиий ёки сунъий ёруғлик бошнинг орқа қисмидан йўналтирилиши лозим. Офталмоскопга тушган нур кўз қорачиғига йўналтирилади. Нур кўз ичидан ўтиб томирли парда ва пигментли қаватдан қайтади, бунда қорачиқ қизғиш рангга киради. Офталмоскоп тешикчаси орқали қаралганда ҳайвон кўзининг тубидан қайтган нур офталмоскопга тушади ва қорачиқ равшанлашади. (Авроров В.Н.,Лебедев А.В.,1985)

Агар ёруғлик нурлари йўлига доғлар, яъни кўзнинг нур ўтказувчи қаватларида дегенератив ўзгаришларда хиралашган бўлади, унда равшанлашган қорачикда ҳар хил катталиқдаги қора доғлар кўринади.

Кўз шоҳ пардасидаги майда, оддий кўз билан аниқлаб бўлмайдиган патологик ўзгаришларни кератоскоп асбоби ёрдамида текширилади. У айлана бўлиб, марказида тешикчаси бўлади. Унинг юзаси қора рангда бўлиб, унда тўғри ва текис оқ айланалар чизилган.

Текшириладиган ҳайвоннинг кўзи қоронғи томонга қаратилиб, табиий ёки сунъий ёруғликдан фойдаланиб, кератоскоп ҳайвон кўзига яқинлаштирилади ва унинг тешикчасидан қаралади, шунда кўзнинг шоҳ пардасида оқ ва қора айланалар кўринади. Агар шоҳ пардада ҳеч қанақанги патологик ўзгариш бўлмаса, оқ ва қора айланалар тўғри ва текис кўринади. Кўзнинг шоҳ пардасидаги ялтироқлик (дегенератив ўзгаришлар туфайли) бузилса, бу айланалар овалсимон, эллипсимон, чўзилган, тўлқинсимон ёки узук-юлук кўринади. Шоҳ пардасида ёт жисмлар ёки пигментлашган жойлар бўлса, қора айланалар чегараси эгри-бугри кўринади, чандик ёки хиралашган оқ парда бўлса, оқ айланалар умуман кўринмайди. (Авроров В.Н., Лебедев А.В., 1985)

Шоҳ пардасининг юзаси силлиқ бўлганда айланалар тўғри ва бир текис кўринса, шоҳ пардасининг юзаси нотекис ғадир-будир бўлганда (шоҳ пардасининг яллиғланишида, жароҳатида, яраларида ва бошқаларда) кератоскопдаги оқ айланалар тўлқинсимон, пачақланган ва ҳатто узук-юлук кўринади.

Кўзнинг шоҳ пардасини текшириш учун Пуркинъе-Сансонов тасвиридан кўшимча усул сифатида фойдаланилади, лекин асосан кўз гавҳарини ва озроқ шишасимон танани текшириш учун қўлланилади. Бу усул нурнинг ойнасимон қийшиқ юзаларидан қайтишига асосланган. Шоҳ парданинг юзаси кўз гавҳарининг олдинги ва кейинги юзалари нур қайтариш хусусиятига эга ҳисобланади. (Авроров В.Н., Лебедев А.В., 1985)

Бу усулни қўллаш учун ҳайвон қоронғи хонага киритилади ва кўзнинг ён томонидан ёниб турган шам тутилади, бошқа томонидан текширувчи кўзни текширади. Бунда кўз ичига учта тасвир кўринади: биринчи тасвир тўғри ва унча катта бўлмайди, у ёруғ бўлиб шоҳ пардадан қайтади, худди ойнадан қайтгандек олдинга интилади; иккинчи тасвир ҳам тўғри бўлиб, биринчисидан каттароқ бўлади, аммо окроқ бўлади, у кўз гавҳарининг олдинги қисмидан қайтади ва учинчи – тескари тасвир энг окроғи ва кичрайгани бўлиб, кўз гавҳарининг орқа қисмидан худди эгилган ойнадан қайтгандек кўринади.

Кўз ичига йўналтирилаётган нур қўшилганда биринчи ва иккинчи тасвир қўшилиб тўғри бир томонга йўналади, учинчи тасвир эса улардан ажралиб қарама-қарши томонга йўналади.

Кўз ичида учта тасвирнинг кўриниши, шоҳ парда, кўз камералари ва кўз гавҳарининг тиниқлигидан дарак беради.

Кўз гавҳари хиралашганида, учинчи тасвир хиралашиб даражасига қараб билинар билинмас кўринади ёки умуман кўринмайди. Шишасимон тана хиралашганида учинчи тасвир яққол равшанлашади. Кўз гавҳари қисман ёки тўлиқ чиққанда ва у бўлмаганда иккинчи ва учинчи тасвир умуман кўринмайди. Бу ҳолат кўзнинг олдинги камерасидаги суюқликнинг лойқаланишида ҳам кузатилади. (Авроров В.Н., Лебедев А.В., 1985)

Пуркинъе-Сансонов тасвири фақатгина турли хилдаги катаракталарни (хиралашиб) қўшимча текшириш учун қўлланмасдан, балки қайсидир даражада кўз аккомодацияси (мосланиши) тўғрисида ҳам тушунчага эга бўлишга ёрдам беради. Масалан, кўзнинг яқин жисмларга нисбатан аккомодациясида иккинчи ва учинчи тасвир кичраяди. Асосан иккинчи тасвир, ҳайвон кўзи узоқдаги жисмларга нисбатан аккомодацияланганида сезиларли даражада кичрайганлиги кузатилади.

Офталмоскоп ёрдамида текшириш усуллари фақатгина кузнинг тиниқ муҳитларини (шоҳ парда, кўз камераси суюқлиги, кўз гавҳари, шишасимон

тана) ўзгаришларига диагноз қўйишга кенг қўлланилмасдан, балки кўзнинг тубида жойлашган тўр парда, кўриш нерви сўрғичи ва томирли пардадаги ўзгаришларни ҳам текширишда қўлланилади. Кўзнинг туби бу кўз орқа деворининг бир қисми бўлиб, кўз қорачиғининг қаршисида жойлашган бўлади ва текшириш учун қулай ҳисобланади. Уни фақатгина табиий ва сунъий ёруғликдан фойдаланган ҳолда офталмоскоп ёрдамида текшириш мумкин. (Авроров В.Н., Лебедев А.В., 1985)

Сунъий ёруғликдан фойдаланилганда озроқ кўз туби қоронғироқ бўлади. Ёруғлик бир томонлама йўналтирилиши лозим. Ҳайвонни текшириладиган кўзи қоронғи томонда қўйилиб, текширувчи офталмоскопни ўнг кўзига қўяди ва кўз ичига офталмоскоп ёрдамида нур юборади, сўнгра кўзга яқинлашиб офталмоскоп тешикчасидан кўзни тубини текширади. (Авроров В.Н., Лебедев А.В., 1985)

Нур эгилган офталмоскопга тушади ва қайтиб бир нуқтага тўпланади, бу нуқта фокус деб айтилади. Эгилган офталмоскоп текис офталмоскопга қараганда яхши ёритади, шунинг учун ҳам у ветеринарияда кўп қўлланилади.

Кўзни офталмоскоп ёрдамида текширишнинг иккита усули мавжуд. Кўз тубига табиий ёруғликни бир томонлама йўналтирилганда у жуда яхши ва равшан кўринади. Текширишдан олдин кўзга атропин томизилади ва эгилган офталмоскоп 15-20 диоптерий фокусда фойдаланилади. Ҳайвон кўзи қоронғи томонга қўйилади, текширувчи офталмоскопни ўнг кўзига қўйиб, ҳайвон кўзига яқинлашади, яъни кўз киприкларига яқин масофадан кўз қорачиғига нур йўналтирилади ва кўз туби текширилади.

Кўз туби тўғри ва катталашган ҳолатда кўринади. Унинг катталашишига сабаб, эгилган офталмоскопдан қайтган нур кўзнинг нур ўтказувчи қаватларидан ўтади.

Оптика қонунлари бўйича, қанча катталашса, кўринадиган майдон шунча кичраяди. Шунинг учун ҳам тўғри офталмоскоп билан кўз тубининг бир қисмини текшириш мумкин. Кўз тубини тўғридан-тўғри текширишда

унинг кўринадиган қисми 8 марта катталашган ҳолда кўринади. Шунинг учун ҳам кўз тубини ҳамма қисмини кўриб бўлмайди. Кўз тубини иккинчи текшириш усули ёрдамида текширишда, яъни тескари тасвир ҳосил қилиб текширишда бирданига кўз тубининг катта қисмини кўриш мумкин, лекин тасвир аниқ ва равшан кўринмайди. (Авроров В.Н., Лебедев А.В., 1985)

2.3. Самарқанд вилояти хизмат итларини сақланиши, озиқланиши, умумий дрессировкаси, уларда кўз касалликларини келтириб чиқарувчи экологик омиллар ва уларнинг учраш даражаси

2.3.1 Хизмат итларини сақланиши, озиқланиши ва умумий дрессировкаси

Итларни сақланиши, озиқланиши ва умумий дрессировкаси ўрганиш борасидаги илмий тадқиқот ишлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг «Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедрасида қошидаги ветеринария клиникасида, институт виварийсида, Шаҳар ветеринария бўлимида, Вилоят патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида сақланаётган хизмат итларида 2012-2014 йилларда ўтказилди.

Итларни сақлаш учун хоналарни куришда, улар у ерда вақтининг кўп қисмини ўтказишини инобатга олиш лозим. Шунинг учун хоналар бир катор талабларга жавоб беришлари керак: итларни ёмғир, шамол, чанг, қиш совуғи ва ёз иссиғидан ҳимоя қилиш, бегона одамлар, дайди ва ёвойи ҳайвонлар ҳамда кучли шовқинлардан (ўтаётган автомобиллар ва бошқ-) ҳимоя қилиш. Хоналар атроф ердан баландроқ ва курук, одамлар яшайдиган, чорвачилик ва хўжалик қурилмалардан йироқроқ жойларда қурилиши лозим. Хоналар етарлича кенг, курук, ёруқ, ҳавоси тоза бўлиши керак. Шамол, чанг ва куёш нурлари таъсиридан ҳаддан зиёд қизиб кетишидан ҳимоя қилиш мақсадида унинг атрофида кўкаламзорлар бўлиши мақсадга мувофиқдир. (Б.С.Салимов ва бош., 2010; Л.С.

Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Бир гуруҳ итларни сақлаш учун мўлжалланган жой юқорида айтиб ўтилган талабларга жавоб бериши керак ҳамда уни баландлиги 2 м дан кам бўлмаган девор билан ўраш лозим. Агар итлар сони кўп бўлмаса ва ер майдони кичик бўлса, деворда эшик колдирилади, акс ҳолда дарвоза курилади. Уларга ишончли кулф кўйилиб доим ёпиқ туришлари керак.

Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида итларни сақлаш учун маҳсус жойлар - кабиналарга бўлинган павильонлар курилган. Кабина ҳар бир итга алоҳида мўлжалланган бўлиб унга усти очик яйраш майдонча (вольер) бирикиб турибди. Кабинанинг узунлиги 2 м, эни 1,5 м, олд деворининг баландлиги 2-2.5 м, орқа деворники 1,5-2 м; кабина эшигининг баландлиги 1,7 м. эни 0.7 м . Эшик ташкарига очилади. Кабинага ёруғлик тушиш учун, унинг устида ойнаванд ром кўйилган. Эшикнинг пастки қисмида, вольерга чиқиш учун, 40х50 см ли туйнук бор. Ёзда туйнук очик туради, қишда эса брезент билан ёпилади.

Вольернинг узунлиги 3 м, эни 2 м, баландлиги 2,2 м . Вольерлар ораси, баландлиги 2,2 м келадиган девор билан ёпилган. Вольернинг олд қисмида эшик ясалган, унинг баландлиги 1,8 м эни 0,7 м . Эшик ичкарига очилади. Ҳар бир кабина ичида будка курилган. Будка туйнугининг ўлчамлари 40х50 см га тенг . Унинг томи ясси, силлиқ , чунки итлар ёз фаслида унинг устига чиқиб ётишга мослаштирилган.Совуқ тушганда будканинг ичига сомон, хашак ёки ёғоч қириндисидан тўшама тўшалади. Павильонлар ғиштдан курилган. Вольерларнинг ён деворлари ғиштдан, олд девори ва эшиги эса темир панжарадан ясалган. Кабина ва вольер поллари ғиштдан ясалган. Итларни шамоллашдан асраш мақсадида кабиналарга 1х1,6 м катталиқда ёғоч шитлар ётқизилган. Вольернинг олд томонидан, 4-5 м нарироқда, баландлиги 35-40 см келадиган устунчалар ерга кўмиб кўйилган.

Уларга итлар тозаланганда боғлаб қўйилади. Устунчанинг устига диаметри 20-25 см келадиган ёғоч майдонча кокиб ўрнатилган. Унга ит тозалаш пайтида ўзининг олд оёқларини қўйиб туради. Устунчаларнинг ораси 3 м дан кам эмас. Итларни кўпайтириш ва ит болаларни ўстириш учун мўлжалланган питомникларда ундан ташқари туғиш, ит болаларни сақлаш, итларни ювиш ва овқат пишириш хоналари бор. Питомникда ветеринар лабораторияси ,амбулатория ва стационар қурилган.

Туғиш хонасида туғишига 7-10 кун қолган бўғоз ва тукқан қанжиқларни сақланади . Унинг ичида кабиналар қурилган (2,5х3 м). Кабиналарда будкалар бўлиб,ёзда будкалар вольерга чиқарилади.

Онасидан ажратилгандан кейин ва 6 ойлигигача ит болалари гуруҳ-гуруҳ қилиб сақланар экан. Улар учун сим тўр билан ўралган, катта - 6х6 м келадиган вольер қурилган. Унинг ичида будкалар ва ўйин учун мосламалар қўйилган.

Итни якка тартибда сақлаш учун стандарт ўлчамдаги йиғма будкалар қурилган бўлиб, будканинг олдида 1х1,7 ўлчамда шит ётқизилган. Будка ёнида эса устун ўрнатилган ва итни боғлаб қўйиш учун унга халқа бириктирилган. Қишда будка турли иссиқ сақлайдиган ашёлар (эски кўрпа, брезент ва бошқ.) билан ўраб қўйилади. Девор эшиги доим қулфланиб ёпиқ турилади.

Ҳозирги вақтда жаҳонда 400 дан ортиқ ит зотлари мавжуд бўлиб, булар қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

- 1.Хизматчи итлар
- 2.Овчи итлар
- 3.Декоратив ёки уй итлари.

Итларни сақлаш усуллари уларнинг умумий ҳолатига, ўсиш - ривожланишига, соғлиғига ва иш фаолиятига боғлиқ булади. Итларни сақлашни қўйидаги усуллари мавжуд: гуруҳда, далада, ҳовлида, уйчаларда ва ҳ.к. усуллари амалиётда қўлланилади. Гуруҳ усулида сақлаш махсус урчитиш, кўпайтириш, ўргатувчи ва ҳарбий қисмларда қўлланилади. Чўпон

итлари доимо далада сақланади. Ҳовли ва дала ҳовлида сақлаш усуллари кишлоқ шароитларида амалга оширилади.

Кейинги вақтларда итларни уйларда сақлаш усули кенг қўлланилмоқда. Итларни гуруҳларда сақлаганда улар учун махсус бинолар қурилади. Улар хоначаларга бўлинган бўлиб, яйрашга чиқиш учун очик жой қолдирилади. Яйраш майдони текис бўлиб ҳеч қандак буюмлар бўлмаслиги керак. Итларни жароҳатланишига, тсриларини ифлос булишига нмкон бермаслиги керак. Агар яйраш майдони зах ёки нам бўлса тахтадан тўсиқлар қўйилиб ердан баланлиги 20-30 см бўлиши керак. Тўсиқларни олиш. қўйиш осон бўлиши учун улар бир неча бўлакларга бўлинган бўлади. Итларнинг сони кўп бўлса айвонлар қурилиб алоҳида ҳар бир ит учун яйраш майдони ажратилади. Айвонлар иклим шароитига ҳамда асосий шамол йўналишини ҳисобга олган ҳолда қурилиши керак. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Ҳар бир кабинага тахтадан узунлиги 1м, кенглиги 0,9 м ва баландлиги 0,8 м бўлган олинадиган уйчалар ўрнатилади. Ташқарига чиқиш учун 0,4 х 0,5 м туйниклар ўрнатилади. Уйчаларни томи яхлит, текис ва олинадиган бўлиб. атрофи тахта билан баландрок қилиб кўтарилади. Иссик пайтлари итлар асосан томнинг устида ётади. Шунинг учун усти салкин бўлиши керак. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Жанубий ҳудудларда итлар учун 1 х 0.8 м бўлган тўсиқлар ўрнатилиб, атрофи тахта билан ўралади. Тўсиқнинг пастида 2 та ёғоч болор қўйилиб, баландлиги 15 - 20 см бўлади. Совук пайтлари иссиқликни сақлаш учун уйчаларнинг ичига итларнинг ётадиган жойига похол, сомон, ёғоч кипиғидан нозик тўшама тўшалади. Уйчалар ер ости сувлари чуқур бўлган жойларда, ёмғир ва қор сувлари тўпланмайдиган жойларга ўрнатилади. Улар хўжалик бинолари, саройлар, гараж, ҳожатхона, товукхона, отхона,

қўйхона ва гўнгхоналардан камида 15-20 м узоқликда жойлаштирилиши керак. Итлар сақланадиган жойлар девор билан ўралиб, пойдевори 30 см чуқурликда бетон қилиниб, ғишт билан кўтарилиши керак. Майдоннинг 7-7,5 м² жойи бетон, асфальт ёки тупроқдан қилиниши мумкин эмас. Чунки у намликни ошириб итлар ўртасида шамоллаш касалликларини келиб чиқишига сабабчи бўлади. Энг қўлайи яйраш майдонларини тахтали полдан килингани маъқул. Бундай поллардан 5-7 йил тулиқ фойдаланиш мумкин. Майдоннинг 5/1 қисми очик қолдирилиб кукаламзорлаштирилади. Яйраш майдонининг устидан ўлчами 1,5-2 м бўлган енгил айвонлар ёки соябонлар уйчанинг устидан қурилади. Майдонлар 2-3 кунда бир марта, уйчалар эса 1 ойда 2 марта тозаланади. Айвонлар итларни иссиқ уришидан, ёмғир ва кордан ҳимоя қилади. Итлар дала ҳавлиларда сақлаганда ўзларини яхши хис этадилар. Уларни сақлаш учун бўлиниб тайёрланадиган тахтали уйчалардан фойдаланилади. Уйчаларнинг ўлчами кичик итлар учун кенглиги 70 см узунлиги 55 см ва баландлиги 60 см бўлиши керак. Ташқарига чиқиш учун туйникнинг ўлчами 0,3х0,4 м., ўрта итлар учун (боксёр, ротвеллер) 1,15 х 0,75 х 0,8 м, туйниги эса 0,35-0,5 м., катта итлар учун (док, Кавказ овчаркаси) 1,35х0,95 туйнуги 0,4-х0,5м бўлиши керак. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Уйчаларнинг девори 3 қавватли ички, ташқи қалинлиги 15 мм, ўртаси 30 мм ли қурук ёғоч қипиғи билан тўлдирилади. Бундан ташқари уйчанинг ичида олинадиган шифт бўлади. Бир қаватли уйчала қурук тахтадан килинган бўлиб қалинлиги 30 мм бўлиб, полнинг қалинлиги 20 мм бўлади. Ташқи томони 2 қаватли махсус ҳимоя қатлами билан қопланади. Томи текис бўлиб 1 ёки 2 томонга эгилган бўлиб ёмғир сувлари ўтмаслиги керак. Уйчалар нам бўлмаслиги учун унинг остига ёғоч болорлар қўйилади. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Уйчалар 1 ҳафтада 2-3 марта тозаланади. Озик - овқат берилган идишлар итлар овқатни еб бўлгандан кейин олиб яхшилаб ювилади. Итларни ҳовлида сақлаганда одамлар яшайдиган жойдан 15-20 м узоқликда ва баландроқ курук, тоза, елвизаксиз, қуёш нурлари тушадиган, ери эса ёмғир ёггандан кейин тез қурийдиган жойдан жой ажратилади. Итлар учун атрофни кузатадиган жойи аниқ ва баландроқ бўлиши керак. Итлар саройларда сақланса улар учун табиий ёруғлик тушадиган алоҳида жой ажратилади. Дам олиши учун тўсиқ билан ажратилган жой белгиланади. Итларни молхоналарда, кўтонларда, омборларда, устахоналарда, автомобил саройларида сақлаш мумкин эмас. Итларни эркин ҳолда дала ҳовлиларда сақлаганда атроф тўсиқлар билан ўралган бўлиши керак. Итларни сақлаш учун бинолар қўрилганда ёғоч устунлар ёки метал трубалардан фойдаланилади. Уларнинг пастки қисми ерга 30 см чуқурликда кўмилади. Кейин юқориғи ва пастки қисми тахта билан бекитилиб метал тўр билан копланadi. Тўрнинг пасти ерга 15-20 см чуқурликда кўмилади. Яйраш майдонига қум сепилади. Яйраш майдони тоза сақланиб, ит тезаклари ўз вақтида йиғиштириб олинади. Итларни далади дарахт, тўсиқ ёки қозикларга боғлаб сақланади. Яйловларда эса итлар учун уйча, чайла, ертўлалар қурилиб, кўтонга яқин бўлиши керак. Итларни уйларда сақлаганда итлар ҳар куни 3 марта ташқарига чиқарилиб яйратилади. Итлар учун уйларда алоҳида жой ажратилиб, остига юмшоқ материаллардан тўшама тўшалади. Гуруҳда сақлаганда итлар учун махсус уйчалар жиҳозланади. Уйчалар олдида ҳар бир ит учун алоҳида яйратиш майдончалари ташкил қилинади. Уйчаларни (кабина) узунлиги 2 м, кенглиги 1,5 м, олдинги деворни баландлиги 2,5 м., орқа томони 1,5-2 м, эшикнинг баландлиги 1,7 м, кенглиги 0,7 м, эшикнинг устидан ойнали дераза ўрнатилади. Эшикнинг тагидан 0,4 х 0,5 м туйнук қолдирилади. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ.,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Яйратиш майдонида ёғочли тахланадиган уйча ўрнатилади. Жанубий районларда эса унинг ўрнига итларни ётиши учун тахтали пол қилиниб, газлама материалдан баландлиги 15 - 20 см тўшама қилинади. Уйчаяарни ўлчамларни ҳовлида сақлаганда 1,2 x 0,9 x 1 м, томи бир томонга ёки икки томонга қараб эгилган бўлади. Уйчалар салкин жойларда, дарахтларнинг остига жойлаштирилади. Олдидан эса ўлчами 1,2 x 1,5 м тахтали тўсиқ ўрнатилади. Қишда уйча иссиқ сақловчи материаллар билан иситилади. Уйчалар доимо шамоллатиб дезинфекция қилинади. Уйчаларнинг асоси пол, девор, каркас ва томдан иборат. Итларни эркин ҳолда ҳовлида сақлаганда унинг атрофи девор билан ўралган бўлиши керак. Итларни бошқа ҳайвонлар қорамоллар, чўчқалар, қўйлар билан бирга ёпиқ биноларда сақлаш мумкин эмас. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Итлар доимо парвариш қилиниши, териси ҳар куни тозаланиши керак. Итларни терисини тозалаш учун қашлагичлар ишлатилади. Уларнинг жунини юлиб олиш мумкин эмас. Итларни терисида кўп миқдорда ўлган эпидермис хужайралари тўпланади, ёғ ажралиши натижасида улардан ёмон ҳид келади. Шунинг учун итларни илик +250 - 280С ли сувда совун, шампун ёки махсус зоосовунлар билан ювилиб, кейин тоза, куруқ сочиқ билан артилади. Итларни тез-тез ювиш тавсия этилмайди. Итлар асосан иссиқ пайтлари ҳар ойда бир марта ювилади. Итларни чўмилтириш улар организмнинг табиий чидамлилиқ қобилятини оширади. Шунинг учун итлар иссиқ пайтларн ҳар куни бир марта чўмилтирилади. Агар сувнинг ҳарорати +180С дан паст бўлмаслиги зарур. Чўмилтириладиган сув ҳавзасининг суви тоза бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Итларни чўмилтирадиган жойлар одамлар чўмиладиган, ҳайвонлар сув ичадиган жойлардан узок бўлиши яъни оқар сувларнинг пастки жойларида чўмилтириш керак. Итлар озиклантиришдан 5-20 минут олдин чўмилтирилади. Айрим зотдор итларнинг жуни қирқшшб, уларнинг тери қоплами устига шакл берилади. Итларни жунини қирқиш

жараёни курак, елка, буйин, бел, бош, кўкрак жунлари кейн оёқ буғим жунлари олинади. Бу жараён иссиқ пайтлари ёки баҳор ойларида бажарилади. Итларни асосан яйратишга олиб чиккан вақтда тозаланади. Итларнинг териси доимо ҳар хил ифлосликлар билан ифлосланади. Шунинг учун уларни иссиқ сув билан ювиб туриш керак. Итларни чўмилтириб туриш уларнинг организмини чиниқтиради. Шунинг учун итларни иссиқ вақтлари ҳар куни чўмилтириш мақсадга мувофиқ. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Айрим зотли итларни жуни олинади - олдин курак усти, елкаси, бўйни, боши, кўкраги ва охирида оёқларининг жуни олинади. Жунни олиш асосан баҳорда иссиқ пайтлари амалга оширилади. Итларнинг тирноқлари ўсиб кетса юришга ҳалақит беради. Шунинг учун тирноқларнинг учлари кесилади. Айрим зотли итларнинг қулоқлари, думлари кесилади. Итларни қандай усулда сақлаш боқишдан қатъий назар улар яйратилиши зарур. Улар кунига камида 2-3 марта 30-40 дақиқа давомида тоза ҳавода яйратилиши лозим.

Яйраш майдони узунлиги 3 м., эни 2 м баландлиги 2,2 м бўлиб майдонлар оралиғи тўлиқ ёпиқ тўсиқ билан баланлиги 2,2 м қилиб ўралади. Ердан деворнинг 0,75м баландлиги ёғоч билан қолгани 1,25 м метал тўр билан ўралади, итлар яйраш майдонига ўтмаслиги учун тўсиқларни пастки қисми 0,5 м чуқурликда ерга кўмилади. Майдонни олдинги қисмига 1,8х0,7 м ли маҳкам жойлаштирилган эшик ўрнатилади. Эшик ичкарига қараб очилади. Ҳар бир кабинага йиғиштириб олинadиган узунлиги 1 м кенглиги 0,9 м ва баланлиги 0,8 м бўлган кичик уйчалар ўрнатилади. Уйчанинг туйниги 0,4х0,5 м бўлади. Томи текс бўлиб атрофии тахта билан ўралган бўлиб олинadиган бўлиши керак. Ёзда итлар томнинг устида ётади. Шунинг учун уйча салқин жойга ўрнатилиши керак. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Итларни тозалаш учун тароқ, қашлагич, тоза матолар қўлланилади. Тозалаш учун итларнинг чап томонидан туриб, олдин боши, бўйни, танаси, думи ва оёқлари тозаланади. Сўнгра шундай тартибда қашлагич унғ кўлда

ушланиб, чап қўлда эса тароқ ушланади. Итлар жуда кирлаган бўлса уни олдин похол ёки хашак тозалагич билан тозаланади. Юмшоқ жунли итларда бундай тозалаш жуда осон бўлади. Уларни териси ҳар куни патли сочиқ билан артилади. Ҳафтасига итларни икки марта тароқ билан тозаланилади. Тозалаш итларни жунларини ўсишига қараб ва аксинча утказилади. Улар тозалангандан кейин териси нам сочиқ билан артилади. Социқни кирланишига қараб уни ювиб сувини сиқиб артиш давом эттирилади. Итларнинг кўзи ва кўлоқларини тоза мато ёки пахтали тампон билан артилади. Танасининг юмшоқ терилари кўлоғининг орқаси, тос оралиқларини тозалаш учун юмшоқ силлиқ қашлагичлардан фойдаланилади. Териси нозик бўлгани учун уларни жароҳатланишига йўл қўймасдан ойига бир ёки икки марта тозаланади. Тез кўзғалувчи (жаҳлдор) итларни тозалашга аста секин ўргатилади. Итларни ишлатгандан кейин тезда ёки овқат еяётган пайтда тозалаш мумкин эмас. Итлар чўмилтирилгандан кейин бўйнидан боғлаб то танаси қуриганча яйратилади. Жуни кам ўсган итларни териси тароқ ва қашлагичлар билан тозаланиб турилади. Уларни тирноқлари ўсиб кетган бўлса юришига ҳалақит бермаслиги учун тирноқлари олинади ёки эгов билан текисланади. Кўпчилик ит зотларининг кўлоқлари ва думларига шакл берилади. Бу жараён ветеринария мутахассислари томонидан ветеринария даволаш пунктларида амалга оширилади. Пудель зотли итларнинг жуни олинади, соғлом бошқа зотли итларни жунини қирқиш тавсия этилмайди. Фокстер зотли итларнинг жуни қаттиқ бўлгани учун юлиб олинади. Бир йилда жуннинг ўсишига қараб 3-4 марта итлар жуни олинади.

Хизмат сафаридаги итлар ўзларига беркитилган одамлар билан сақланади. Дала шароитларида улар учун чайлалар, енгил типдаги соябонлар ўрнатилади. Иссиқ пайтлари итларни дарахт соясига, қуёш нурларидан пана жойларга жойлаштириб, қуёш нурларининг тўғридан тўғри тушиши, шамол ёки ёмғирдан сақланади. Совуқдан сақлаш учун уларнинг танасига попонлар

кизгизилиб остига тўшамалар тўшалади. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003; С.Н. Хохрин, 2001).

Шаҳар жойларида итларни кўчаларда боғловсиз колдириш, улар билан бирга савдо дўконларига, ошхоналарга, медицина корхоналарига ва бошқа иш жойларига кириши таъқиқланади. Уларни одамлар яшайдиган жойларга олиб чиқиш учун калта боғлаб, бурундик кийгизилади. Ит эгасининг ёнида унинг тезагини олиш учун хокандоз ва халтача бўлиши керак.

Итлар темир, автомобил, хаво ва сув йўллари орқали ташилади. Бунинг учун итлар ветеринария даволаш муассасаларида текширилади. Итнинг эгасида итнинг паспорти ва ветеринария гувоҳномаси бўлиб, унда итнинг соғломлиги, турли юқумли касалликларга қарши эмланганлиги кўрсатилган бўлади. Касал итларни ташиш мумкин эмас. Шаҳар транспортларида итларни олиб юриш таъқиқланади. Узоқ йўлларга ташилганда 12 соатдан кейин махсус ажратилган жойларда озиклантириш амалга оширилиб, автоуловларда ташишдан 3 соат олдин итлар озиклантирилиб, жўнатишдан 1-1,5 соат олдин яйратилади. Узоқ масофагаташилгандан кейин итларга узоқ муддатли дам берилади. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Итларни ташишдан 6 соат олдин озиклантирилади ва яйратилади. Йўл давомида ҳар хил стрессларни олдини олиш мақсадида уларга таниш бўлган ўйинчоқлар берилади. Улар профлатик кўрикдаи ўтказилиб эмланади. Чет элга кетадиган итлар учун ҳужжатлар тайерланиб ветеринария врачининг маълумотномаси, кутириш касаллигига қарши эмланганлиги кўрсатилиши керак.

Итларни иўйимлилик моддаларга бўлган талаб, наслий, жинсий,ёшига ва бошқа фарқларига қараб аниқланиб, тирик вазни (итнинг ката-кичиклиги) мускул фаолияти, зоти, физиологик ҳолати, сақлаш

шароитига қараб белгиланади. Итларнинг энергияга бўлган талаби асосан гавдасининг катта-кичиклигига боғлиқ бўлади.

Жуда майда зотли тирик вазни 1-5 кг бўлган итларга танасининг 1 кг оғирлиги учун ўртача 460 кдж, кичик зотли (5- 10 кг) 350 кдж, ўртача вазндаги зотли (10-20 кг) 200 мдж, йирик зотли (28-80кг)-250 кдж, жуда йирик зотли (30 кг ва ундан зиёд)-220 кдж.

Қуруқ, мускулли итлар ҳаётий жараён учун нозик кониститутцияларга нисбатан энергия кўп сарфлайди. Тез қузғаладиган итлар флегматикларга нисбатан энергияни кўп талаб қилади. Наслли итларда туғиш даврида тайёргарлик кўриш вақтида энергияга бўлган талаб 25% га, қанчиқларда бўғозликнинг иккинчи ярмида -50%, сут эмизувчиларда қариб-2 баробар, хизматчи итларда -30%га, тинч турган даврига нисбатдан ошади. Кучукбачаларнинг энергияга бўлган талаби ёшига боғлиқ бўлади. 1 кг тирик вазнига 1,5-3.0 ойликда 970 кдж, 3-5 ойликда 710 кдж, 5-8 ойлик - 520 кдж, 8-13 ойлик - 420 кдж. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ.,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Оқсилга бўлган талаб катта ёшдагиларда 1 кг тирик вазнига 4,5 г, ёш итларники 9г. Бу талаб наслли итларда эркакларида - 30 % га бўғоз итларда - 20 - 50 % кайси даврда туғишига қараб, сут эмизадиганларда сут беришнинг бошланғич 2 ҳафтасида 50 % га, 3-5 ҳафтасида -70 %, хизматчи итларда - 50 % ошади тинч турган итларга нисбатдан. Ёнга бўлган талаб 1 кг тирик вазнига ката ёшдагиларда ўртача 1,3 г, ёш итларга 2,6 г. Наслли итларда 10-15 %, хизматчи итларда 15 % га ошади. Енгил ҳазмланувчи углеводларга бўлган талаб 1 кг тирик вазнига катта ёшдагиларда 10г, ёш итларга 15,8 г. Наслли ва хизматчи итларда 10-15 % ошади. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Клетчаткага бўлган талаб катта ёшдагиларда ўртача 1 г, ёш итларга 1,5 г 1 кг тирик вазнига туғри келади.

Эркак итларни физиологик ҳолатига тинч туриш (яъни фойдаланмайдиган давр) қочиришга тайёрлаш ва қочиш даврига қараб

озиклантирилади. Итларнинг озиқлантириш хусусияти уруғнинг миқдори ва сифати билан белгиланади. Итлар ҳар бир қўшилганда уртача 10 мл (40 мл гача) уруғ беради. Уруғининг сифатига рационнинг тўлиқ қийматлилиги ва калориялиги таъсир кўрсатади. Шунинг учун уни қатъий норма асосида озиқлантириш зарур.

Эркак итлар рацион структураси қуйидагича бўлиши зарур: талаб қилинадиган энергияга нисбатан гўшт - 50 %, крупа - 40 %, сабзавот 10 % Эркак итлар қочиришга 1,0-1,5 ой олдин тайёрланади. Бу даврда рационда ҳайвонот маҳсулоти 70 % дан кам бўлмаслиги керак. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Қўшилиш даврида I дона тухум бир кунда ёки кунаро хом жигар, балиқ ёғи, ачитки, глицерофосфат ва кунда ёки кунаро 1-2 томчи витамин препаратларини бериш фойдали. Эркак итлардан фойдаланмаган даврда 2 марта, қочириш даврида 3 марта озиқлантирилади. Озуқа маҳсулоти қуюқ сут ёки суғоқ каша сифатида берилади. Озуқалар 2-3 соатдан кейин берилади. Бериладиган озиқа иссиқроқ (+350 - 800С) ҳолда берилиши зарур.

Итларнинг бўғозлик муддати ўртача 62-63 кунни ташкил этади (58-65 кун) итлардан ўртача 3-6 та бола олиш мумкин. Она қорнида ривожланаётган боланинг яхши ривожланиши тўлиққийматли озуқалар билан меъёр асосида озиқлатиришга боғлиқ. Рационнинг тенглаштирилмагани, энергетик тўйимлилиكنинг пастлиги, оқсил, витамин ва минерал моддаларнинг етишмаслиги эмбрионнинг ўлимига ва нимжон бола туғилишига сабабчи бўлади. Бўғоз итлар рационни ёғсиз гўшт, суп маҳсулотлар (ичак, қорин ва ҳокозолар), сутли озуқалар, ҳар хил крупалар, сабзавот, ҳайвон ёғи, минерал моддалардан ва витаминлардан ташкил топиши мақсадга мувофиқ. Янги туғилган ёш итларда рахитнинг олдини олиш учун суяк уни ва минерал қўшимчалар ўрнига, махсус қўшимчалар, глицерофосфат кальций (40 дона таблетка), лактаткальций (40 таблетка), озиқавий бўр (20 г), фитин (10 таблетка), фаол кумир (10 таблетка)

майдаланиб аралашмадан ярим чой қошиқдан берилади. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Бўғоз итларни бўғозликнинг 3 ҳафтасидан 3 марта, 7 ҳафталигида 4 мартадан озиклантирилади. Бу даврда асосий озуқа гўштли суп, крупа ва сабзавот аралашмаси бўлиши зарур. Суп 2 марта эрталаб ва кечқурун берилади. Унга минерал ва витаминли қўшимчалар қўшилади. 3-4 озиклантиришда сут, нон билан ёки пиширилган гўшт берилади. Озуқа доимо бир вақтда берилиши зарур.

Итларнинг сут бериш даври 4-6 ҳафта давом этади. Сут бериш ҳар хил даврда ҳар хил бўлади. 20-25 кунгача сут безларининг сут ажратиши жадал бўлади, кейин эса камая бошлайди. Сутда 7 % оксил, 8 % ёғ, ва 4 % лактоза бўлади. Сут таркиби озуқа билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун эмизадиган итларнинг талаби тинч ҳолатдагига нисбатан юқори бўлади. Туйимлилик моддалар ва энергиянинг камлиги рационда сутдорлик ва сут таркибига салбий таъсир кўрсатади. Тўққандан кейин 6 соат давомида озуқа берилмайди, лекин доимо олдида тоза сув бўлиши зарур. Кейин 2 кунда озуқани кўп бермасдан бир меъёрда бир кунда 5-6 марта берилади. Бу даврда энг яхши озуқа гўштли бульон, гуручли, кашали ёки крупали суюқ суп ҳисобланади. Кам миқдорда сутга ивигилган оқ нон берилиши мумкин. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Тўққандан 4 кун ўтгач қўйидаги структура бўйича рацион тузилади: Гўшт (ёғи кам 2 категория) - 45 %, крупа- 35 %, нон 10 %, сут 5 %, картошка ва сабзавот 5 %. Рационга суяк уни, бўр, балиқ уни, сабзавот, кўкат ва витамин препаратлари ҳам қўшилиши мумкин. Тукқан ит 1 кунда 3 марта озиклантирилади. Озиканинг ҳарорати +300 - 350С бўлиши керак. Агарда витамин С етишмаслиги намоён бўлса 1 кунда 1 марта аскарбин кислотаси берилади.

Ёш итнинг ўсиш ва ривожланиши сут эмишнинг охиригача аиникса 2 ҳафталикгача озиқлантиришга боғлиқ. 2 ҳафталикгача асосий озуқа онасининг сути ҳисобланади. Биринчи ҳафтасида 1 кунда 12 марта, 2 - чи ҳафтада 8 марта онасидан ажратишда 4-5 марта эмади. Она сути кам бўлса 1 ҳафталик ёшидан қўшимча озиқлантирилади. Сигир сути 27-30 г қиздирилиб, 0,5 л сутга 1 та хом тухум аралаштирилиб берилади. 2 ҳафталикдан бошлаб янги хом гўшт фарш ҳолатида 15-20 г берилиб, кейин кўпайтирилиб берилади. 3 ҳафталигида 40-50 г гўшт, 4 ҳафталигида 100 г гўшт онасини эмгандан сўнг берилади. 3 ҳафталигидан бошлаб омухта озуқа (гўшт, сут, каша) суюқ ҳолида берилади. Каша аввало 30-50 г, аста секин 200-250 г га етказилади. Озуқа бир кунда 3-4 марта берилади. Шу ёшдан бошлаб сув берилади. 4 ҳафталигидан гўштли бульон ёки суп, майда кесилган пиширилган гўшт, оқ нон, творог, сабзавот ва кўкат берилади. Ёш кучукларни онасидан ажратиш 5 кун мобайнида 6-7 ҳафталигида амалга оширилади. Онасидан ажратилгандан кейин қатъий меъёр асосида озиқлантирилади.

Ёш итлар фақатгина янги тайёрланган озукалар билан озиқлантирилади. Ёш итлар 2 ойликгача 6 марта, 2 - 4 ойликгача 5 марта, 4 - 5 ойликгача 4 марта, 5 - 6 ойликда 1 кунда 4 - 3 марта озиқлантирилади. 7 ойликдан бошлаб катта итлар рационига ўтказилиб бир кунда 2 марта озиқлантирилади. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Хизматдаги итлар бирор бир ишни бажариш учун хизмат қилмайдиган итларга нисбатан қўшимча тўйимлик моддалар талаб қилади.

Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигидаги итлар рационини таҳлил қилинганида улар структураси тахминан кўйидагича эканлиги қайд этилди: гўшт ва суп махсулотлари 40 %, крупа. нон 50 %. картошка ва сабзавот 10 %. Катта ёшдаги хизматчи итларнинг (овчарка) ҳафталик тахминий рационини: гўшт ҳар куни 400 г, сули крупаси 600 г (3,5,7 кунлар) пшено 600 г (2,4,6 кунлар), картошка 200 г (2,4,6 кунлар) сабзи ва карам

200 г (1,3,5,7 кунлар), гўшт суяк уни 50 г (1,3,5,7 кунлар), балиқ уни 50 г (2,4,6 кунлар), ҳар куни ҳайвонот ёғи 25 г ва ош тузи 15 г берилар экан. Ҳафтанинг 3-4 кунда хом гўшт берилади. Хизматчи итлар бир кунда 2 марта эрталаб ва кечқурун ишдан 1-2 соат олдин ва 1 соат кейин озиқлантирилади.

Итларни озиқлантиришда ҳайвонлар ва ўсимликлардан олинадиган озуқалардан фойдаланилади.

Итларга бир кунда бериладиган асосий озуқалар меъёри.

- жадвал

Озиқавий маҳсулотлар ва қўшимчалар	Катта ёшдаги итлар	Ёш кучуклар			
		1-ойлик гача	1-3ойлик гача	3-6 ойгача	6-ойдан катта
Гўшт ва ичак	100- 400	30-50	60-150	160-150	350
Қорин	300	50-150	200	200-300	100
Сут	1000	10-20	400	60-100	200
Творог	200- 500	30-50	30-50	120-150	2000
Куруппа	200- 400	20-30	60-100	70-100	150
Нон	200- 300	20-30	30-50	100-120	150
Картошка	100- 200	20-30	40-100	80-100	100
Забзавотлар	80-100	1-3	40-70	4-6	10
Ҳайвонлар ёғи	20-25	-	3-4	25-40	50
Гўшт-суяк уни	50-100	2-4	10-20	10-13	15
Суяк уни	10-15	0,5	5-10	3-5	8
Балиқ ёғи	10-15	0,5-1,0	1-3	2-4	6

Ачитқи	5-10	Кунаро	1-2	-	-
Товуқ тухуми	-	0,5	Кунаро	5-8	10
Ош тузи	10-15	-	3-5	-	-

Ҳайвонлардан олинадиган озуқалардан ёғсиз гўшт (от, қорамол, қўй, чўчқа, ёввойи ҳайвонла. парранда, кемирувчи, денгиз ҳайвонлари, ит, қорамол ва бошқа турдаги ҳайвонлар эмбрионлари). Жигар, буйрак, ўпка, юрак, мия, тил, талоқ, корин, диафрагма, кекирдак, елин, оёқ, дум, лаб, ҳайвонлар қулоғи, хом ёки пишириб берилади.

Бундан ташқари итларга суяк, ҳайвонлар қони, гўшт ва суяк уни берилади. Катта ёшдаги итлар рационда гўштнинг салмоғи 25-30 % дан кам бўлмаслиги керак. 2 даражали маҳсулотлар ўпка, корин ваҳокозолар 30 %дан ошмаслиги керак. Итларга сут (сигир, эчки, қўй, бия сутлари), сут маҳсулотлари (творог, қатик, пишлок, сметана, сариёғ), сут қолдиклари (обрат, зардоб) тавсия этилади. Сут ва сут маҳсулотлари катта ёшдаги итлар рационда талаб қилинадиган энергияга нисбатан 3-5 % ташкил қилади.

Итларга балиқ, балиқ қолдиқлари, балиқ ёғи. тухум, ҳайвонлар ёғи берилади. Булар рационда 3 % атрофида бўлиши керак. Ўсимликлардан олинадиган озуқалардан бошоқлилар уни, нон, крупа, сабзавотлар, илдиз мевалиликлар берилади. Уларнинг салмоғи 60-70 % ни ташкил этади. Қўшимча озуқалардан ачитки, витамин препаратлари, суяк уни, нордон фосфотли калций, глицерофосфат, бўр, тухум қобиғи, ош тузи, микроэлемент тузлари берилиши зарур.

Кўникмалар деб хизмат итларида махсус машқлар асосида дрессировка (ўргатиш) жараёнида эгаллаган феъл-атвор шакллари ва итларни йўналтирилган хизматда қўлланишини таъминланишига айтилади.

Ҳайвоннинг яшаш жараёни мобайнида ишлаб чиқилган кўникмалар уларни ўзгарадиган муҳит шароитларига мослашишини таъминлайди. Физиологик механизм жиҳатидан кўникмаларни бажарилиши

марказий нерв фаолияти ва мураккаб шартли рефлекслар билан боғлиқ. (Б.Д. Нарзиев,2011; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990).

Ҳаёт жараёнида итларда ҳар хил мураккабликда кўникмалар шаклланади. Йўналтирилган дрессировкада итларни хизматда қўллаш учун махсус ва умумтаълим кўникмалар ишлаб чиқилади. Кўникма маълум шароитларда ва кейинчалик ит бу кўникмани хизматни ўташ вақтида намоён қилиши учун шу шароитларни ҳар хил қилиб системали машқлар орқали ишлаб чиқилади. Одатда кўникма бу итни бир нечта шартли рефлексларни кетма-кет бажаришидир. Масалан, буюмни олиб келиш кўникмаси ҳаракат реакцияси билан боғлиқ. Ит ўргатувчини буйруғига асосан буюмни ахтариб топади, тиши билан олади, ўргатувчини олдига келиб уни олмагунча ўтиради. Кўникма бир хил шароитда тезроқ шаклланади. Шунинг учун шароит мураккаб бўлмаслиги керак, уни кўникма ҳосил бўлгандан кейин мураккаблаштириш мумкин.

Кўникма уч босқичда ишлаб чиқилади:

Биринчи босқич. У ёки бу кўникмани ҳосил қилиш учун шартли (сигнал) ва шартсиз мустаҳкамловчи қўзғатувчилар танлаб олинади. Кўникмани ишлаб чиқишнинг асосий шартидан бири машқларни тартибга риоя қилиб бажаришдир. Шартли қитиқловчи шартсиздан 1-2 сония олдин қўлланилади. Қитиқловчиларни бундай бирлашмасини ҳар 3-5 дақиқада қайтариб туриш керак, чунки бундай тартиб бир-бирига ҳалақит бермаслиги керак. Кун давомида бундай бирикма 3-20 тадан ортмаслиги керак, бу ишлаб чиқилаётган кўникма ва итнинг феълининг индивидуал хусусиятларига боғлиқ. Кўникмани ишлаб чиқишнинг бошланғич даврида машқлар сони минимал бўлиб, кейинчалик аста-секин кўпайиб боради. (Б.Д. Нарзиев,2011; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990).

Кўникмани ишлаб чиқишнинг бошланғич даврида эътиборни чалғитувчи кучли қўзғатувчилар бўлмаслиги керак. Итда олдин шартли қўзғатувчига тахминий реакция ҳосил бўлади, бир неча марта қайталангандан кейин у аста-секин сўниб, шартли рефлексни ишлаб чиқилиши бошланади. Бундай ҳолатда ит хато ҳаракат қилиши мумкин. Буни ўргатувчи ҳисобга олиб, итга ўрта кучдаги қўзғатувчи билан эҳтиёткорлик билан таъсир қилиши керак ва тўғри ҳаракатларини ширинлик билан мустаҳкамлаб бориш керак.

Иккинчи босқич. Бирламчи кўникма такомиллаштирилиб, аста-секин итни янги ҳаракатлар билан мураккаблаштирилиб борилади. Ўргатувчи дрессировка учун мураккаб шароитларни танлаб боради, итга таъсир қилиш характери ўзгаради ва мураккаб ҳаракатларни тўхтовсиз бажарилиши таъминланади. Кўникмани ишлаб чиқишнинг муваффақияти машқлар режимининг асоси билан таъминланади ва итга тўғри таъсир қилиш услубларини ҳайвонни психик қонуниятларини ҳисобга олиб бажариш керак.

Учинчи босқич. Кўникмани мустаҳкамлаш ўргатувчининг сигналинини ҳар хил атроф-муҳит шароитида автоматик намоёиш этилишигача давом этилади. Ит кўникмани хизмат доирасида тўхтовсиз аниқ бажариши керак. Кўникмани мукаммаллаштириш ва мустаҳкамлаш бўйича иш мунтазам аниқ тизим дарсларида олиб борилади, бунда ҳар хил ҳудуд, хилма хил бегона китикловчилар (транспорт, одам, ҳайвон ва бошқалар) сутканинг ҳар хил вақтидаги (кундузи, кечкурун, тунда) иш режимига амал қилиш керак.

Ўргатувчи китикловчиларни контраст усул билан итларга таъсир қилиш услубини мукаммаллаштиради ва кейинчалик ит билан ишлашни реал хизмат шароитига яқинлаштиради.

Хизмат итларни умумтаълим кўникмаларини ишлаб чиқишнинг асосий рўйхати

1. Ўргатувчига боғлиқлик кўникмаси.
2. Лақабига жавоб бериш.

3. Анжом-аслаҳа буюмлари: бўйинбоғ, тасма, бурундик, кўкрак абзалига нисбатан безовталанмаслик.
4. Эркин ҳаракатга ўтиш (“Сайр қил” буйруғи).
5. Ўргатувчига яқинлашиш (“Олдимга” буйруғи).
6. Ўргатувчи ёнида юриш (“Ёнимга” буйруғи).
7. Ўтириш кўникмаси (“Ўтир” буйруғи).
8. Буюмни олиб келиш (“Апорт” буйруғи).
9. Ётқизиш кўникмаси (“Ёт” буйруғи).
10. Тик туриш ҳолатига ўтиш (“Тур” буйруғи).
11. Эмаклаш (“Эмакла” буйруғи).
12. Тўсиқлардан ўтиш (“Тўсиқ” буйруғи).
13. Товуш чиқариш (“Товуш” буйруғи).
14. Ножўя ҳаракатларни тўхтатиш (“Фу” буйруғи).
15. Бегона одамлардан ёки ётган озукани олмаслик (“Фу” буйруғи).
16. Ҳаракат тезлигини пасайтириш (“Секин” буйруғи).
17. Отиш, портлаш товушлари, ёруғликга нисбатан безовталанмаслик.
18. Сувда сузиш (“Олға” буйруғи).
19. Автоуловларда олиб юрганда безовталанмаслик.
20. Жойига қайтиш (“Жойинг” буйруғи).

Хизмат итларда ишлаб чиқиладиган асосий махсус кўникмалар рўйхати

1. Бегона одамга баджаҳллик билан ташланиш кўникмаси (“Фасс” буйруғи).
2. Қочиб кетаётган одамни ушлаш, унга ташланиш ва у билан курашиш кўникмаси (“Фасс” буйруғи).
3. Ушланган одамни, маҳбусни қўриқлаш кўникмаси (“Қўриқла” буйруғи).
4. Одамни изидаги ҳиди бўйича излаб топиш кўникмаси (“Из” буйруғи).

5. Хизматни олиб бориш жойида сергакликни ошириш, жойни кўриқлаш кўникмаси (“Эшит” буйруғи).
6. Хизматни олиб боришда сергакликни ошириш ҳаракатда кўриқлаш кўникмаси (“Эшит” буйруғи).
7. Ҳид бўйича нарса ва одамни таниб ажратиш кўникмаси (“Ҳидла” буйруғи).
8. Майдон, бинода яширилган нарса, одамни топиш, тинтув ўтказиш кўникмаси (“Изла” буйруғи).
9. Эркин ҳолатда объектни кўриқлаш (“Кўриқла” буйруғи).
10. Нарса ва ушланган одамни кўриқлаш (“Кўриқла” буйруғи).
11. Ўргатувчини (эгасини) ҳимоя қилиш кўникмаси (“Фасс” буйруғи).
12. Ҳаракатни тўхатиш кўникмаси (“Тўхта” буйруғи).

Ит ўргатиш жараёнида ит учун ўргатувчи атроф-муҳитдаги ҳамма кўзгатувчилар ичида энг асосий кўзгатувчи ҳисобланади. Хизмат итларини тайёрлашда шартли рефлекслар катта аҳамиятга эга. Ит ўргатувчи бир вақтда итнинг ҳамма сезги органларига таъсир этиши мумкин. Бу дегани ҳар хил шартли ва шартиз кўзгатувчилар ишлатиш демакдир. (Б.Д. Нарзиев, 2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А.Хасанов, 1990).

Ит учун ўргатувчи – бу кўзгатувчилар тўпламидир. Комплекс кўзгатувчилар бир вақтда итнинг бир неча сезги органларига таъсир этиши мумкин

Ит ўргатувчи ўзининг ташқи кўриниши билан, бўйи билан, кийимининг шакли билан, ҳаракатларнинг сифати, товуши, чехраси ва ҳиди билан итга таъсир этади. Ит ўргатиш жараёнида ит ўз ўргатувчисининг хусусиятларига ўрганиб қолади. Бу ўргатувчилар комплекси билан ит ўзининг эгасини бошқа бегона одамлардан ажрата олади. Бу кўзгатувчилар комплексига бир вақтда шартли рефлекслар итда пайдо бўлиши мумкин.

Лекин, қўзғатувчилар комплексига кираётган қўзғатувчиларнинг нисбий кучи катта аҳамиятга эга. Ит ўргатувчининг товуши, унинг ҳаракатлари ва индивидуал ҳиди катта аҳамиятга эга.

Ўргатувчи товушининг хусусиятларини (кучини, баландлигини, тембрини) ит тез ажрата олади (дифференсация), ит ўз ўргатувчиси билан яхши мулоқотда бўлса, фақат ўз эгасига бўйсунди. Ўргатувчининг хатти-ҳаракатлари шартсиз қўзғатувчиларни ишлатиш билан боғлиқ (тасмани тортиш, қамчи билан уриш, эркалаб сийпалаш, овқат бўлагини бериш ва бошқалар).

Ўргатувчи билан ит ўртасида алоқа ўрнатиш учун ўргатувчининг ҳиди катта аҳамиятга эга. Бу ҳидга итда мустаҳкам шартли рефлекс тарбияланади ва бу ҳидни бошқа ҳидларнинг ичида аниқ ажратади. (Б.Д. Нарзиев, 2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А.Хасанов, 1990).

Шундай қилиб, ўргатувчи қўзғатувчилар комплекси (йиғиндиси) бўлиб, узоқдан ит устидан буйруқлар, ишоралар ва ўзини умумий ҳулқи билан бошқаришни таъминлайди.

Ўргатувчи ит учун бошқалар ичида энг кучли қўзғатувчи бўлиб қолиши керак. Ҳамма шароитларда ҳам ит ўргатувчи итдан ҳамма талабларни бажарилишига эришиш мажбур.

Ит ҳулқи устидан тўлиқ ҳокимликка, доим ит билан шуғулланадиган, итни парваришлаган ва овқатлантирган одам эришади.

Ит ўргатиш тажрибаси шуни кўрсатадики, шартли рефлекслар тезроқ ва мустаҳкамроқ комплекс қўзғатувчиларга пайдо бўлади. Ҳар битта ўргатувчи итга бир вақтда бир неча қўзғатувчилар билан таъсир этишга ҳаракат қилиши керак. Масалан, бир вақтда буйруқ билан ишора берилганда. Итлар талабни сигналлар алоҳида берилгандан кўра аниқ бажарадилар.

Ўргатувчининг ёрдамчиси ҳам комплекс қўзғатувчилар бўлиб, бошқа вазифани бажарса ҳам, ит ўргатишда катта аҳамиятга эга.

Ит ўргатишда комплекс қўзғатувчилар ҳам шартли, ҳам шартсиз қўзғатувчилар бўлиб ишлатилиши мумкин. Ҳам у, ҳам бу ҳоллардан алоҳида қўзғатувчиларга нисбатан комплекс қўзғатувчилар итга катта таъсир кўрсатади.

Ҳайвонларнинг индивидуал хусусиятларига кўра, итларнинг ўзини тутиши ҳамда улардаги олий нерв фаолиятининг турлари жуда ҳам хилма-хилдир. Айрим итларда шартли рефлекслар дарҳол ҳосил бўлади, бошқаларида эса уларни вужудга келтириш учун жуда катта меҳнат талаб этилади. Бу ўз навбатида қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг намоён бўлиш даражаси билан чамбарчас боғлиқдир. Олий нерв фаолиятининг тип хусусиятларини ҳисобга олмасдан туриб, итларни ўргатиш катта қийинчиликларга олиб келиши, баъзи ҳолларда эса ҳайвонларни хизматга тайёрлаш жараёнини бутунлай тўхтатиб қўйиши мумкин. (Б.Д. Нарзиев, 2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А.Хасанов, 1990).

И.П. Павлов олий нерв фаолияти турлари бўйича итларни гуруҳларга ажратиш тамойилларига нерв системасининг қуйидаги учта асосий хусусиятларини киритган:

1. Нерв жараёнларининг кучлари – қўзғалиш ҳамда тормозланиш, хусусан, дифференцияланишнинг пайдо бўлиш тезлиги ва унинг доимийлиги;
2. Қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг ўзаро тенглашиш даражаси;
3. Нерв жараёнларининг ҳаракатчанлиги, яъни бир нерв жараёнининг иккинчиси билан алмашилиш тезлигидаги жадаллик;

Олий нерв фаолияти 4 та асосий турларга бўлинади:

- а) Кучли, қўзғалувчан, номутаносиб-қизиққон;

- б) Кучли, мутаносиб, ҳаракатчан – тез таъсирланувчан;
- в) Кучли, мутаносиб, босиқ-совуққон;
- г) Заиф нерв тизимли – дилгир.

Қизикқон типли итлар анча серғайрат ва серҳаракат ҳисобланиб, ўргатишга жадал киришувчан, шартли рефлексларни тез ҳосил қилишда фарқланувчан бўлади ҳамда бу каби рефлекслар уларда мустаҳкам сақланиб қолиниб, ҳайвоннинг толиқиши аста-секинлик билан рўй беради.

Тормозланиш жараёни бош мияда қийинчилик билан юзага келади ва унинг барқарор сақланиб қолиши қийин кечади, шу сабабдан ҳам у тақиқловчи буйруқ - “фу!” ни бажаришга ҳамда бир жойда тик туришга салбий тарзда акс этади, масалан “ёт!”, “ўтир!” ва шу каби бошқа буйруқларни берганда ҳам итлар турган жойидан кўзғалиб, юриб кетиши мумкин. (Б.Д. Нарзиев, 2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф. Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А. Хасанов, 1990).

Кучли кўзғалувчан итларда кўзгатувчи омилларнинг табақаланиши анча суст, ноаниқ ва беқарор бўлиб, асосан ҳайвонни енгил қидирув ишлари ва умуман қидирув хизматларига тайёрлашда ўзининг салбий таъсирини намоён қилмасдан қолмайди. Унинг асосий сабаби кучли кўзғалувчанлик ва тормозланиш жараёнининг сустлиги ҳамда тормозланиш кўникмасининг барқарор бўлмаслиги ҳисобланади.

Қизикқон типли итларнинг бекиёс қимматли сифати жониворларнинг иш жараёнидаги фаоллиги ва тез толиқмаслиги билан баҳоланади.

Тез таъсирланувчан типли итлар қизикқон типли итларнинг кўплаб умумий хусусиятларига эга бўлиб, улар ҳам ўта серҳаракат ва серғайрат ҳисобланишади, бу каби итлар табақаланишнинг аниқлиги ва пишиқлиги, ижобий шартли рефлексларнинг жадаллик билан ҳосил бўлиши ҳамда уларнинг мустаҳкамлиги ва доимийлиги билан ажралиб туради. Бундай итлар жуда кам ҳолларда толиқади. Хизмат жараёнида улар ишлашдан бош

тортишмайди. Буларнинг ҳаммаси итларнинг бош мия пўстлоғида рўй бераётган қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг нисбий равишда ўзаро тенглашишининг натижасидир.

Совуққон типли итлар босиқлиги, камҳаракатлиги ва ҳатто сусткашлиги билан ажралиб туради.

Итларнинг миясидаги қўзғолиш ва тормозланиш жараёнлари ўзаро нисбий тенглик ҳолатида бўлиб, шартли рефлекслар ва тормозланиш кўникмаларини ҳосил қилиш имкониятларини яратади, мустаҳкам сақланиб қолинади ҳамда доимийлиги билан ажралади. Одатлантирилган табақаланишлар шартли рефлексларни ҳосил қилиши каби бу жараён ҳам бир мунча секинлик билан, бироқ бенуқсон равишда рўй беради. Мутаносиблашган, босиқ турдаги итлар ит ўргатувчидан кунт-матонат билан, астойдил меҳнат қилишни талаб этади ва машқ қилдириш жараёнларида итоаткорлик ҳамда чидамлилиги билан бошқа типлардан фарқ қилади. (Б.Д. Нарзиев, 2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А.Хасанов, 1990).

Дилгир типли итлар эса жуда кўп ҳолларда ҳам салбий, ҳам тормозловчи шартли рефлексларни ҳосил қилдиришга бирмунча ўжарлик қилишади. Агарда улар ҳосил қилингудек бўлса, жуда секин рўй беради ва барқарорлиги билан ажралиб турмайди, яъни ташқи таъсирлар натижасида жуда тез тўхтаб (тормозланиб) қолади. Бу типдаги итлар кўрқоқлиги, тез толиқувчанлиги ва олий нерв фаолиятининг сустлиги билан фарқ қилади. Бундай итлар ўргатиш ва хизмат кўрсатишга ҳамма вақтда ҳам яроқли бўлавермайди.

Итларнинг тур хусусиятларини ит ўргатувчилар доимий равишда ҳисобга олиб бориши лозим бўлиб, у ҳайвонда шартли рефлексларни ҳосил қилишни енгиллаштиришда анча-мунча асқотади. Айниқса тез қўзғалувчан ва қизиққон итларни ўргатиш пайтида ўргатувчининг ўта эҳтиёткорлик билан

ёндашишини талаб этади, чунки бу каби итларда қўзғалиш жараёни тормозланиш жараёнидан бир қадар устун туради.

Кучли нерв қўзғалувчанлигига эга бўлган итларни қийин масалаларни ҳал этишда, масалан яқин қидирув ишларига ўргатишда нихтаб туриш, яъни бир усулни 3-5 ва ундан ҳам ортиқ маротаба бажаришга мажбур қилиш ярамайди. Қўзғалувчан типдаги итлар тормозланиш жараёнини ҳаддан ташқари зўриқтириб из, буюм ва бошқа нарсаларнинг ҳидларини фарқлаш ва тоқат қилиб бир жойда жим туриш хусусиятларини йўқотади. Фақатгина босқима-босқич олиб бориладиган машқ жараёнларига итларни чиниқтиради ҳамда уларда сабр қилиб туриш ва меҳнатга лаёқатлилиқ хусусиятини тарбиялайди, яъни тормозланиш жараёнидан устун бўлган қўзғалиш жараёнини мувозанатлаштиради. (Б.Д. Нарзиев, 2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф. Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А. Хасанов, 1990).

Тез таъсирланувчан типдаги итларни ўргатиш жараёнида алоҳида ёндашишни талаб этмайди, фақатгина оддий усуллардан мураккабларига ўтиш кетма-кетлигига риоя қилинса бас, яъни итларнинг нерв системасини зўриқтирмаслик ва шунинг билан бирга иш жараёнида рўй берадиган узилишларга йўл қўймаслик керак.

Совуққон итларни ўргатиш жараёнида тўхталадиган бўлсак, бунда ит ўргатувчиси мазкур итларнинг индивидуал хусусиятларини яъни нерв жараёнларининг ҳаракатсизлигини инобатга олиб буйруқларни тез-тез алмаштирмаслиги лозим.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда ит ўргатувчилари итларни ўргатиш услубини ҳайвонларнинг индивидуал хусусиятларига боғлаган ҳолда, ўргатиш жараёнида вазминлик ва сабр-бардошни сақлашлари лозим, улардан асабийлашмаслик, итларга бақириб-чақириб, дўқ-пўписа қилишга ва умуман итларга дағал муносабатларда бўлишга йўл қўймаслик талаб этилади. Ит ўргатувчиси ҳайвонни ўргатиш жараёнида чакқон, серғайрат ва кузатувчан бўлиши ҳамда ўргатилаётган итларнинг кайфиятини

изчил назорат қилиб бориши лозим. Буларнинг барчаси ит ўргатувчиларга ўз олдига қўйган вазифаларни тез ва сифатли бажаришида қўл келади.

Итларда оғзига гўшт солиш билан оғиз бўшлиғида рефлексли сўлак ва бошқа ҳазм қилувчи суюқликлар ажрала бошлайди. Бирданига ёқилган ёруғ чироқ кўзни юмишга мажбурлайди. Бу рефлекслар ҳайвонларда туғма бўлади ёки бу рефлекслар шартсиз рефлекслар дейилади, чунки бу рефлекс содир бўлиши учун ҳеч қандай қўшимча шартлар кераги йўқ. (Б.Д. Нарзиев, 2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А.Хасанов, 1990).

Шартсиз рефлекслар ташқи муҳит ва организмнинг ичидаги қўзғатувчилар (очлик, чанқоқ, жинсий алоқа ва ҳ.к.) таъсири натижасида содир бўлади.

Пайдо бўлишига қараб улар оддий ва мураккаб шартсиз рефлексларга бўлинади. Оддий тўғри реакцияларга кўз қорачиғининг қисқариши, акс этиш ва ҳоказолар киради. Мураккаб туғма шартсиз рефлекслар ичига кўпгина майда оддий туғма шартсиз рефлекслар киради. Масалан, бутун организмнинг ҳаракатланиши (итнинг югуриши). Шунинг учун шартсиз рефлексларнинг оддий ва мураккабларга бўлиниши нисбий ҳисобланади.

Ҳайвонларнинг хулқи ва ҳаёти кўпгина озиқ-овқат, ҳимояланиш ва бошқа шартсиз рефлекслар билан белгиланади.

Туғма рефлекслар билан белгиланган ҳайвонларнинг хулқи инстинктив дейилади.

Инстинкт (туғма ҳис) – бу мураккаб шартсиз рефлекс бўлиб, ҳамма инстинктлар овқат, ҳаво олиш, ҳимояланиш, наслини тарбиялашга қаратилган. Буларнинг ҳаммаси доимийлик мақсадга мувофиқлик билан таърифланади. Лекин ўргатишда ўзига хос индивидуал томонлари ҳам бор. Битта ота-онадан туғилган, битта эгадан тарбия олган хизмат (ёки овчи) итлар бири осон, бири қийин ўргатилади.

Шартсиз рефлекслар, шу жумладан инстинктлар организмнинг ўзгармас шартларга мослашишини таъминлайди. Лекин фақат шартсиз рефлекслар ҳайвонларни мураккаб ва ўзгарувчан шароитларда яшашини таъминлай олмайди. Бундай шароитларда муҳит муносабати шартли рефлекслар билан амалга оширилади.

Инстинктлар иккита гуруҳга бўлинади: ҳайвоннинг умрини асраб қоладиган инстинктлар (озикланиш, ҳимояланиш, аниқлаш) ва ўзини насл турини асраш (жинси ва ота-оналик).

Инстинктлар наслдан-наслга ўтади, лекин уларнинг юзага чиқарилишининг шакли, даражаси ва муҳитнинг ташқи таъсири ҳамда организмнинг физиологик ҳолатига боғлиқ. Демак, одатланиш инстинктларига сезиларли ўзгаришлар киритади. (Б.Д. Нарзиев, 2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А.Хасанов, 1990).

Тинимсиз (холерик) тури – бу тур ўзини-ўзи тўхтата олмайдиган, жуда жахлдор, нерв жараёни ҳаракатчан, бўлаётган ҳодисага ўзини тўхтатиб тура олмайди. Ҳидни сезиш қобилияти сезгир эмас, шарпани тез сезади, шунинг учун бундай итни қоровуллик жойларига қўйишга бўлади. Ўргатиш бу турдаги итлар учун кўп вақт керак бўлади, лекин яхши ўргатилса, бу итлар кўп ҳаракатчан бўлиб, чарчамайдиган яхши хизмат қиладиган итлар туркумига киритса бўлади. Бу туркумдаги итлар ўзига хос характерда бўлгани учун асаб системаси ёмонлиги сабабли кўпроқ асаб касаллигига дучор бўладилар.

Ҳаракатчан тури (сангвиник) – бу турдаги итларнинг асаб системалари кучли, мувозанатли, тез ҳаракатчан, атроф-муҳит таъсирларини оддий даражада сезади, яхши муомалали, рефлекси ижобий, буйруқни бажаришга яхши ўрганади, ҳид сезиши яхши. Бу турдаги итларни ўргатиш осон.

Инертли (флегматик) – асаб системаси кучли, мувозанатли, лекин ҳаракатсиз ва ялқов итлар гуруҳидир. Ижобий ва тормоз рефлекслари аста-секин ишлаб чиқарилади, лекин кўп вақт йўқолмайди.

Юқорида кўрсатилган учта турдаги асаб системаси кучли ҳисобланади, шу турга кирувчи итлар кучли, чидамли, асаб системаси ва меҳнатсеварлиги билан бошқалардан фарқ қилади.

Таъсирчан туркум (меланхолик) – асаб системаси кучсиз, айниқса кўзгатиш ҳаракатга келиши, мувозанатсизлиги, шартли рефлекслари кечикиб ишлайди, қисман атроф-муҳитдан таъсирланиши туфайли тормозланиш ҳосил бўлади. Бу турдаги итлар кўпроқ кўрқоқликка дуч келади, бу итни ёшлигидан нотўғри тарбияланишидан келиб чиқади. Асаб системаси кучсиз бўлиб тарбияланган итларга бирон нарсани ўргатиш ярамайди. Улар тезда касаллик (невроз)га дучор бўладилар. Шартли тормозланиш рефлексларини ёки бошқа муҳим буйруқларни бажариш учун итларга жуда эҳтиёткорлик билан поғона-поғона секин-аста ўргатиб бориш керак. Жумладан, нарсани топиш, из ёки юкни, ҳиди орқали одамни топиш каби тажрибалар ўтказиб турилиши керак. (Б.Д. Нарзиев, 2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф. Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А. Хасанов, 1990).

Масалан, бир кўникмани ўргатиш учун ит ҳар доим ўргатувчининг чап оёғи олдида то ўргатувчи “Апорт” деган буйруқни бергунга қадар туриши керак. Ўргатувчи бирор-бир предмети ирғитса, шуни кўриб ит буйруқга асосан шу предметни олиб келиб ўргатувчига бериши керак. Айниқса тажрибасиз ит ўргатувчидан итга нисбатан кўпол хатога йўл қўяди.

Масалан, ўргатувчи итга йўқолган нарсани ёки изи орқали ҳидлаб одамни топиб келишни буюради. Ит бир-икки марта тўғри топиб келади. Лекин яна уч-тўрт марта итга шу вазифани кетма-кет буюраверади. Ит кейинги сафардан бироз хатога йўл қўйса ўз-ўзидан хафа бўлиши мумкин. Итга бирданига кўп иш буюриш жуда хато иш, секин-аста оз-оздан чегараланган ҳолда иш тутиш лозим.

Тажриба шуни кўрсатадики, ҳаракатчан итлар билан ишлашда аста-секин умумий чидамликка бардош қилиб, итни ўргатиб бориш керак. Масалан бир ҳолатда биринчи кун 3-5 секунд чидашни ўргатиш керак, бора-

бора чидаш тормоз рефлексини оз-оздан ошириб режадаги чидаш нормасига етказиш керак. Тез ҳаракатчан итларни вақтида кўпроқ кучли механик усулда жиғига тегиш ҳаракатларини қўллаш лозим бўлади, бу ҳолда ит кераксиз ёмон қилиқларини камайтиради ва бора-бора йўқ қилади. Масалан “ёнида юриш”, “юриш тезлигини камайтириш”, “овқат ейишдан бош тортмоқ” каби буйруқларни оддий усулда жиғига тегиш ҳаракатида бу туркумдаги итлар бажармасликлари мумкин. Бу вақтларга ит бўйнига боғланган занжирни қаттиқ тортиб қўйиб юбориш керак ва бу усулни кўпроқ такрорлаб, шу буйруқни ит бажаришга ҳаракат қилиши керак. (Б.Д. Нарзиев,2011; Л.С. Богославская ва бошқ.,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990).

Бу туркумдаги итлар электр ёруғлик нури, қаттиқ овоз ва кутилмаган зарба каби ғашига таъсир этувчи овоз ва ҳаракатларга нисбатан чидамли ва кўп вақт давомида оғир ва қийин вазифаларни бажариш қобилиятига эгадир. Бундай итлар билан ишлашда ўргатиш жараёнида ниҳоятда эҳтиёткорлик ва кунт билан ишлаш лозим. Амалий машқларни жиддий, поғонама-поғона доимий равишда итга индивидуал ўткир малака билан ёндашиб ишласа ёки ўрганиб борилса энг яхши кутилган натижа беради. Агар ўргатувчи бу гуруҳдаги итларни бош асаб фаолиятларини назарга олмасдан катта куч талаб қилиб, тормоз жараёнига таъсир этаверса “невроз” хасталигига дуч бўлиб, ҳафта ва ой давомида бу хасталик зўрайиб кетиши мумкин. Бундай итлар фақат қидирув бўлимларида ишлатишга тавсия этилади. Ҳаддан ташқари ҳаракатчан итлар қидирув бўлим хизматига ҳам ўргатишга ярамайди. Асаб системаси жуда кучли, ҳаракатчан турдаги итлар кучли, мувозанатли ва яхши ҳаракатчан асаб системаси яхши ва тез ўрганувчан турдаги шартли рефлекси ижобий итлардир. Тормоз рефлекслари тез ишлаб чиқаради ва шу ҳолатда мустаҳкам сақланади. (Б.Д. Нарзиев,2011; Л.С. Богославская ва бошқ.,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990).

Бу турдаги итлар ўргатилган вақтда ҳеч қандай қийинчиликсиз кўникма ҳосил қилади ва ҳар қандай кўнгилсиз, ўқувсиз қилиқларни тезда

йўқотадилар. Булар чидамли ҳидни сезувчан, ўргатиш жараёнида умумий қонданинг бузилишида босқичма-босқич ўрганиш жараёнида қийинчиликлар юз берса итти ишлаш сифати пасаяди ва асаб системасида хасталик пайдо бўлади.

2.3.2 Итларда кўз келтириб чиқарувчи экологик омиллар ва уларнинг учраш даражаси

Экологик муҳитнинг бўзилиши юқори даражада чангланиш, кўёш радиацияси, атроф муҳитнинг чиқиндилар билан ифлосланиши ҳамда ҳайвонларни зич ҳолатда сақлаш, кўп маблағ талаб қиладиган профилактик тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказмаслик каби омиллар кўп ҳолларда ёппасига учрайдиган кўз касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлади (кератоконъюнктивитлар). Масалан айрим хўжаликларда ёппасига учрайдиган кератоконъюнктивитлар 40 – 80% ни ташқил қилиб, ёш ҳайвонларни зарарлашлари мумкин. Албатта бўндай ҳол хўжаллика иқтисодий зарар етказди. Иқтисодий зарар қўйидагилардан келиб чиқади: касал ҳайвонлар кондисиёга етмайди ёки ўсиб келадиган ва подани тиклашга мўлжалланган урғочи ҳайвонлар пода ҳисобида чиқарилади.

Олдини олиш ва даволаш ишлари кечиктирилганда ёки сифатли бажарилмаганда 25-30% ҳайвонлар кўриш қобилиятини йўқотади. Яна шунчасининг кўриш қобилияти 50% га йўқолади, қолганлари еса соғайиб кецада ўсиш ва ривожланишдан қоладилар. Бў омилларга қарши даволаш ва санитаргигиеник тадбирларни ўтказиш учун сарфланган ҳаражатлар кўшилса иқтисодий зарар жуда сезиларли бўлади (А. В. Лебедев, А. И. Федоров, 1989; А Д, Ахмадулин, Е. П. Копёнкин 2004; Р.П.Шилкин, Е. П. Копёнкин, 2004).

Айрим юқумли ва юқумсиз касалликларнинг ривожланиш жараёнида кўриш аъзоларида яъни кўзларда турли патологик ўзгаришлар кузатилади. Масалан йирик шохли ҳайвонларнинг хатарли катарал иситмасида кўз шох пардасида тарқоқ хиралашиш ва иридосиклит кузатилади. Куйдирги ва

гемоспориidióзларда кўз канъюктиваси очқизил рангга киради. Қорин бўшлиғида жойлашган аъзолар ва жигар касалликларида конъюнктива сариқ ранга киради, организмда анемия ривожланганда конъюнктиванинг оқариши кузатилади. (А. Ф. Русинов, 1987; Е. П. Копёнкин, 2004).

Хирургик касалликлар мия геморрагияси ва абсцессиди ҳамда мия чайқалиши ва шунга ўхшаш касалликларда кўз соққаси ҳамда қовоқларнинг ҳаракатланиши бузилади.

Қорин ва кўкрак бўшлиқларининг ички қон кетишларида конъюнктива ва бошқа шиллиқ пардалар оқаради. Шунинг билан биргаликда кўзларнинг турли касалликлари ҳайвоннинг жинсий фаолияти ва оталанишга салбий таъсир қилади (А. Ф. Русинов 1987; Белов А.Д., Плахотин М.В., Башкиров Б.А. и др. (1990); Д. А. Ахмадулин, Е. П. Копёнкин, 2004).

А.Г. Шилкин, В. В. Олейник (2004) лар таъкидлашича токсинларнинг таъсиридан ташқари оғриқнинг мавжудлиги ҳам организмга жуда ёмон таъсир қилади. Ҳосил бўлган оғриқ марказий нерв системасида чуқур ўзгаришлар чақиради ва бунда оғриқ жуда кучли бўлса нерв системасининг бошқариш хусусияти бузилади.

А.Л. Самойлов, Н.Е. Браунштейн (1990) таъкидланишча кўз касалликларининг патогенезида инфекция асосий омил бўлиб ҳисобланади. Инфекция кўп ҳолларда бирламчи сабаб бўлиши кузатилади аммо касаллик организмнинг трофикаси бузилишидан ҳам ривожланиши мумкин.

Бундан кўриниб турибдики кўз касалликлари итлар орасида кенг тарқалган ва улар организмга салбий таъсир қилади.

Юқорида кўрсатилган маълумотларга асосланган ҳолда, итлар орасида учрайдиган стромал кератит касалликларининг келиб чиқиши, ривожланиши, даволаш ва олдини олиш чора - тадбирларини янги замонавий усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Илмий тадқиқот ишлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг «Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедрасида қошидаги ветеринария клиникасида, институт виварийсида, шаҳар ветеринария бўлими, Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигидагида, 2012-2014 йилларда ўтказилди.

Илмий тадқиқот изланишларида вилоятимиздаги итлар орасида стромал кератит касаллиги билан касалланиш даражаси ўрганилди. Итлар орасида стромал кератит касалликларини келтириб чиқарувчи минтақавий хусусиятларга эга бўлган омилларни ўрганиш ва ташхис усулларини ишлаб чиқиш мақсадида итларни сақлаш ва озикланиш шароитлари, рацион таҳлили, клиник текширишлар ёрдамида итларнинг стоматит билан касалланиш даражаси, клиник касал итлар миқдори аниқланди. Клиник текширишларда итларнинг умумий аҳволи, иштаҳаси, кўзнинг шиллиқ пардаларининг ҳолати, тана ҳарорати, пульси, нафас олиши, уларнинг кўз атрофида ҳосил бўлган шишларнинг характери, кўздан оқиб чиқаётган суюқлик характери ва оғриқ сезиш натижалари аниқланди.

Текширишлар натижасида итларда учрайдиган стромал кератит касаллиги юқумли, юқумсиз касалликлар асорати сифатида ривожланиши маълум бўлди. Бундан ташқари ташқи муҳитнинг бўзилиши юқори даражада чангланиш, қўёш радиацияси, атроф муҳитнинг чиқиндилар билан ифлосланиши, хирургик диспансерлаш профилактик тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказмаслик каби омиллар натижасида кератитлар келиб чиқиши маълум бўлди.

2-жадвал

т/р	Ташкилотлар	Стромал кератит билан касалланган итлар сони				Ўртача	
		2012 йил		2013 йил			
		сони	%	сони	%	сони	%
1	Хирургик клиника	131/15	11,4	125/13	10,4	256/28	10,9

2	Шаҳар вет.бўлими	126/12	9,5	112/14	12,5	238/26	11
3	ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати хизмат итлари питомниги	78/8	10,2	82/9	10,9	160/17	10,6

Эслатма: жадвалдаги сонларнинг суръатида ҳайвонларнинг умумий сон, маҳражиди эса касал ҳайвон сони берилган.

Текшириш натижасида касалланган итларнинг кўпчилиги асосан уч ёшдан катта эканлиги маълум бўлди. Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлик ва фармокологияси кафедрасининг клиникасида 2012 йилда қабул қилинган 131 бош итлар клиник текширилганда уларнинг 15 таси (11,4%) стромал кератит билан касалланганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш 2013 – йилда қабул қилинган 125 бош итлар текширилганда 13 таси (10,4 %) стромал кератит билан касалланганлиги маълум бўлди. (2-жадвал)

Шаҳар ветеринария бўлимида 2012 йилда қабул қилинган 126 бош итлар клиник текширилганда, уларнинг 12 таси (9,5%) стромал кератит билан касалланганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш 2013 –йилда қабул қилинган 112 бош итлар текширилганда, 14таси (12,5%) стромал кератит билан касалланганлиги қайд қилинди.

Патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида 2012 йилда қабул қилинган 78 бош итлар клиник текширилганда уларнинг таси (10,2%) стромал кератит билан касалланганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш 2013 –йилда қабул қилинган 82 бош итлар текширилганда, 9 таси (10,9 %) стромал кератит билан касалланганлиги аниқланди.

Касалланган итлар клиник текширилганда зарарланган кўзларнинг атрофи ва қовоқлар шишган ва шилимшиқ сероз суюқлик ҳамда оқ-сарик рангда қуруқ пўстлоқчалар билан қопланган. Конъюнктивал халтадан

шилимшиқ сероз суюқлик оқиб чиқади. Кўзнинг юқориги ва пастги конъюнктивалари қизарган ва шилимшиқ модда билан қопланган. Итларда кўзнинг шох пардаси ҳар хил даражада хиралашган ва унга склерадан қон томирлар ўсиб кираётгани кўриниб турибди. Ҳайвонлар ёруғликка қарай олмайди, қараганда эса рефлектор кўз қовоқларини юмади. Кўзни палпация қилганда оғриқ ва кам миқдорда маҳаллий ҳароратнинг ошганлиги сезилади. Айрим итларнинг шох пардасида эрозиялар кўринади. Ит зарарланган кўзини оёқлари билан қашийди. Кўзнинг учинчи қовоқлари бир оз шишган, қизарган, унинг юзасидаги фолликуллар ҳам шишган ва қизарган. Итларнинг кўз киприклари сийраклашган, қовоқ мижжалари йўғонлашган ва ичкарига қайрилган. Бунинг натижасида улар яллиғланиш жараёнини кучайтиради. Итлар танасининг умумий ҳарорати ошмаган.

2.4.Итларда стромал кератитларни даволаш

Илмий тадқиқот ишлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг «Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедрасида қошидаги ветеринария клиникасида, институт виварийсида, шаҳар ветеринария бўлими, Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигидагида ва вилоят марказий шифохонаси лабораториясида, 2012-2014 йилларда ўтказилди.

Илмий тажриба клиникага келтирилган ва питомникларда сақланаётган хизмат итлари орасидан кератит билан касалланган 10 бош итларда олиб борилади. Уларнинг сақлаш, озиклантириш шароитлари тенглаштирилиб улар 5 бошдан 2 гуруҳга ажратилади. Ҳар бир итда кератит касалликнинг

босқичлари, диагностикаси ва итнинг умумий ҳолати аниқланади. Хар бир гуруҳ итларида даволаш усуллари касалликнинг даражасига қараб белгиланади.

Биринчи тажриба гуруҳ касал ҳайвонларининг касалланган кўзларига ретробульвар новокаин – антибиотик қамали бажарилди кўз конъюнктиваси ва шох пардасига 0,25% левомецетин , гидрокортизон - новокаин эритмаси томизилди сўнгра тетрациклин малҳами суртилди ва 3 мл дан тетравит мускул орасига инеъкция қилинди. Иккинчи назорат гуруҳ касал ҳайвонларнинг кўзларига ретробульвар новокаин – антибиотик қамали бажарилди, кўз конъюнктиваси ва шох пардасига тетрациклин малҳами суртилди ва 3 мл дан тетравит мускул орасига инеъкция қилинди.

Барча гуруҳидаги ҳайвонларнинг касалланган кўзлари ва атрофи яхшилаб тозаланди ювилди ва қурилди.

Даволашнинг самараси ўткир яллиғланиш ходисаларнинг пасайиши, яралар битиши, экссудат сўрилиши, шох парда ва олд камера суюқлигининг тиниқлашиши ҳамда цитологик кўрсаткичларнинг нормаллашиш натижалари бўйича аниқланди.

Ҳайвонлар мунтазам текшириб турилди, тана ҳарорати ўлчанди ва умум қабул қилинган услублар бўйича махсус офталмологик текширишлар ўтказилди. (1-жадвал)

Тажриба схемаси.

1-жадвал

	Гуруҳлар	Ҳайвонлар сони	Даволаш муолажаси
	I- тажриба	5	1.ретробульвар новокаин – антибиотик қамали 2. 0,5 % новокаин-гидрокортизон (касалланган кўзларига томизилди) 3.0,25% левомецетин (касалланган кўзларига томизилди) 4. тетрациклин малҳами (кўз конъюнктиваси ва шох пардасига суртилди). 5. 3 мл тетравит (мускул орасига инеъкция қилинди)

	II- назорат	5	1.ретробульвар новокаин – антибиотик қамали 2. тетрациклин малҳами (кўз конъюнктиваси ва шох пардасига суртилди). 3. 3 мл тетравит (мускул орасига инеъкция қилинди)
--	----------------	---	--

Биринчи тажриба гуруҳидаги 5 бош итнинг битасида иккала кўзнинг стромал кератит 4 бош ҳайвонда эса биттадан кўзида патологик жараёнлар кечаётганлиги кузатилган бўлса, иккинчи назорат гуруҳидаги 2 бош ҳайвонда иккала кўзнинг ва 3 бош ҳайвоннинг биттадан кўзида стромал кератит жараёни кечаётганлиги аниқланди. Тажрибадаги барча ҳайвонлар тажрибагача ва тажриба давомида клиник кўрикдан ўтказиб турилди.

Барча гуруҳдаги ҳайвонларнинг касалланган кўзлари ва атрофи яхшилаб тозаланди, ювилди ва қуритилди.

Даволашнинг самараси яллиғланиш шишининг пасайиши, шох пардадаги яралар битиши, экссудат сўрилиши, шох парда ва олд камера суюқлигининг тиниқлашиши натижалари бўйича аниқланди.

Патологик жараёндаги клиник белгилар умумий ва махсус текшириш яъни кўрик, пальпация, офталмоскопия, кератоскопия усуллари ёрдамида текширилди.

Икки гуруҳдаги ҳайвонлар бир хил шароитда сақланди ва озиқлантирилди. Организмга 0,25% ли левомецетин ва гидрокортизон - новокаин эритмаси таъсирини таққослаб ўрганиш мақсадида тажрибадаги итлар тажрибаларнинг бошида ва даволаш муолажалари бошлангандан кейин 3- 5 – 10 ва 15 кунлари клиник текширишлардан ва улардан олинган қон намуналари биокимёвий кўрсаткичлар бўйича лаборатор текширишдан ўтказилди.

2.4.1.Клиник кўрсаткичлар.

«Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедрасида қошидаги ветеринария клиникасида, институт виварийсида , шаҳар ветеринария бўлими, Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигидагидаги хизмат итлари орасидан кератит билан касалланган итлар умумий ва махсус текшириш яъни кўрик, пальпация, офталмоскопия ,кератоскопия усуллари ёрдамида стромал кератит билан касалланган ҳайвонлар аниқланди. Биринчи тажриба гуруҳидаги 5 бош итнинг битасида иккала кўзнинг стромал кератит 4 бош ҳайвонда эса биттадан кўзида патологик жараёнлар кечаётганлиги кузатиш билан бўлса, иккинчи назорат гуруҳидаги 2 бош ҳайвонда иккала кўзнинг ва 3 бош ҳайвоннинг биттадан кўзида стромал кератит жараёни кечаётганлиги аниқланди Тажрибадаги барча ҳайвонлар тажрибагача ва тажриба давомида клиник кўриқдан ўтказиб турилди.

Итларнинг касалланган кўзлари пальпация қилинганда кучли оғриқ сезиши ва маҳаллий ҳароратнинг ошганлиги қайд этилди. Касалланган итлар кўзларининг ташқи кўриниши қуйидаги эди: зарарланган кўзларнинг атрофи ва қовоқлар шишган ва шилимшиқсероз суюқлик ҳамда оқ-сарик рангда қуруқ пўстлоқчалар билан қопланган. Конъюнктивал халтадан шилимшиқ сероз суюқлик оқиб чиқади. Кўзнинг юқориги ва пастги конъюнктивалари қизарган ва шилимшиқ модда билан қопланган. Итларда кўзнинг шох пардаси ҳар хил даражада хиралашган ва унга склерадан қон томирлар ўсиб кираётгани кўриниб турибди. Ҳайвонлар ёруғликка қарай олмайди, қараганда эса рефлексор кўз қовоқларини юмади. Кўзни палпация қилганда оғриқ ва кам миқдорда маҳаллий ҳароратнинг ошганлиги сезилади. Айрим итларнинг шох пардасида эрозиялар кўринади. Ит зарарланган кўзини оёқлари билан қашийди. Кўзнинг учинчи қовоқлари бир оз шишган, қизарган, унинг юзасидаги фолликуллар ҳам шишган ва қизарган. Итларнинг кўз киприклари сийраклашган, қовоқ мижжалари йўғонлашган ва ичкарига

қайрилган. Бунинг натижасида улар яллиғланиш жараёнини кучайтиради. Итлар танасининг умумий ҳарорати ошмаган.

Даволашнинг учинчи кунларида касалланган кўзларига ретробульвар новокаин – антибиотик қамали бажарилган кўз конъюнктиваси ва шох пардасига 0,25% левомецетин , гидрокортизон - новокаин эритмаси томизилган сўнгра тетрациклин малҳами суртилган ва 3 мл дан тетравит мускул орасига инеъкция қилинган биринчи тажриба гуруҳи ҳайвонларининг касалланган кўзлари конъюнктивал халтасидан шилимшиқ сероз суюқлик оқиб турибди, кўзнинг юқориги ва пастги конъюнктивалари қизарган ва шилимшиқ модда билан қопланган. Итларда кўзнинг шох пардаси ҳар хил даражада хиралашган ва унга склерадан қон томирлар ўсиб кираётгани кўриниб турибди. Ҳайвонлар ёруғликка қарай олмайди, қараганда эса рефлексор кўз қовоқларини юмади. Кўзни палпация қилганда оғриқ ва кам миқдорда маҳаллий ҳароратнинг ошганлиги сезилади. Айрим итларнинг шох пардасида эрозиялар кўринади. Ит зарарланган кўзини оёқлари билан қашийди. Кўзнинг учинчи қовоқлари бир оз шишган, қизарган, унинг юзасидаги фолликуллар ҳам шишган ва қизарган лиги кузатилди.

Даволашнинг бешинчи кунига келиб, кўз атрофи пальпация қилинганда конъюнктивал халтадан шилимшиқ сероз суюқлик оқиб чиқиши пасайганлиги, кўзнинг юқориги ва пастги конъюнктивалари озроқ қизарган ва шилимшиқ модда камайганлиги аммо ҳайвонлар ёруғликка қарай олмайди, қараганда эса рефлексор кўз қовоқларини озроқ юмади. Кўзни палпация қилганда озроқ оғриқ ва маҳаллий ҳароратнинг ошганлиги сезилади. Айрим итларнинг шох пардасида эрозиялар камайганлиги ва учинчи қовоқларида бир оз шиш қизариш пасайганлиги аниқланди. Даволашнинг еттинчи кунига келиб, ҳайвоннинг касалланган кўзлари кўз ёшининг оқиши ва ёруғликдан кўзни олиб қочиш ҳолатлари, кўз шиллик пардалари ва конъюнктива текширилганда, унда қизариш, шиш озроқ камайганлиги кузатилди.

Даволашнинг ўнинчи кунига келиб эса юқорида келтирилган клиник белгилар йўқолиб, касалланган кўзлар тана харорати, пульс ва нафас частотасининг физиологик меъёр даражасига келганлиги қайд этилди.

Анъанавий усуллар яъни касалланган кўзларига ретробульвар новокаин – антибиотик қамали бажарилган, кўз конъюнктиваси ва шох пардасига тетрациклин малҳами суртилган ва 3 мл дан тетравит мускул орасига инеъкция қилинган иккинчи назорат гуруҳи ҳайвонлари даволашнинг учинчи кунда клиник текширилганда зарарланган кўзларнинг атрофи ва қовоқлар шишган ва шилимшиқ сероз суюқлик ҳамда оқ-сарик рангда қуруқ пўстлоқчалар билан қопланган. Конъюнктивал халтадан шилимшиқ сероз суюқлик оқиб чиқади. Кўзнинг юқorigи ва пастги конъюнктивалари қизарган ва шилимшиқ модда билан қопланган. Итларда кўзнинг шох пардаси ҳар хил даражада хиралашган ва унга склерадан қон томирлар ўсиб кираётгани кўриниб турибди. Ҳайвонлар ёруғликка қарай олмайди, караганда эса рефлектор кўз қовоқларини юмади. Кўзни палпация қилганда оғриқ ва кам миқдорда маҳаллий ҳароратнинг ошганлиги сезилади. Айрим итларнинг шох пардасида эрозиялар кўринади. Ит зарарланган кўзини оёқлари билан қашийди. Кўзнинг учинчи қовоқлари бир оз шишган, қизарган, унинг юзасидаги фолликуллар ҳам шишган ва қизарган. Итларнинг кўз киприклари сийраклашган, қовоқ мижжалари йўғонлашган ва ичкарига қайрилиб турганлиги намоён бўлди.

Даволашнинг бешинчи кунига келиб, кўз атрофи пальпация қилинганда конъюнктивал халтадан шилимшиқ сероз суюқлик оқиб чиқиши пасаймаганлиги, кўзнинг юқorigи ва пастги конъюнктивалари қизарган ва шилимшиқ модда камаймаганлиги, ҳайвонлар ёруғликка қарай олмайди, караганда эса рефлектор кўз қовоқларини юмади. Кўзни палпация қилганда оғриқ ва маҳаллий ҳароратнинг ошганлиги сезилади. Айрим итларнинг шох пардасида эрозиялар камаймаганлиги ва учинчи қовоқларида бир оз шиш қизариш пасайганлиги аниқланди. Даволашнинг еттинчи кунига келиб, кўз

атрофи пальпация қилинганда конъюнктивал халтадан шилимшиқ сероз суюқлик оқиб чиқиши пасайганлиги, кўзнинг юқориги ва пастги конъюнктивалари озроқ қизарган ва шилимшиқ модда камайганлиги аммо ҳайвонлар ёруғликка қарай олмайди, қараганда эса рефлектор кўз қовоқларини озроқ юмади. Кўзни палпация қилганда озроқ оғриқ ва маҳаллий ҳароратнинг ошганлиги сезилади. Айрим итларнинг шох пардасида эрозиялар камайганлиги ва учинчи қовоқларида бир оз шиш қизариш пасайганлиги аниқланди. Даволашнинг ўнинчи кунига келиб эса ҳайвоннинг касалланган кўзлари кўз ёшининг оқиши ва ёруғликдан кўзни олиб қочиш ҳолатлари, кўз шиллиқ пардалари ва конъюнктива текширилганда, унда қизариш, шиш озроқ камайганлиги кузатилди. Даволашнинг ўн учинчи кунига келиб эса юқорида келтирилган клиник белгилар йўқолиб, касалланган кўзлар тана ҳарорати, пульс ва нафас частотасининг физиологик меъёр даражасига келганлиги қайд этилди.

Даволашнинг самараси ўткир яллиғланишнинг пасайиши, кўздан суюқлик ажралишининг тўхташи, шох парданинг тиниқлашиши, маҳаллий ҳарорати ва умум қабул қилинган услублар бўйича махсус офталмологик текширишлар натижалари бўйича аниқланди.

Итларда стромал кератитларни даволашда касалланган кўзларига ретробульвар новокаин – антибиотик қамали кўз конъюнктиваси ва шох пардасига 0,25% левомецетин , гидрокортизон - новокаин эритмаси томизилиб, тетрациклин малҳами суртилиб ва сунгра 3 мл дан тетравит мускул орасига инеъкция қилинганда патологик учокда регенерация жараёнларини кучайиб, даволаш муддати уч кунга қисқариши аниқланди.

2.4.2. Қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари.

Стромал кератит билан касалланган тажриба ва назорат гуруҳидаги ҳайвонларда тажрибаларнинг бошидаги клиник, физиологик

кўрсаткичларда диярли фарқлар кузатилмади, яъни барча гуруҳдаги ҳайвонларда стромал кератитга хос клиник белгилар клиник текширилганда зарарланган кўзларнинг атрофи ва қовоқлар шишган ва шилимшиқ сероз суюқлик ҳамда оқ-сарик рангда қуруқ пўстлоқчалар билан қопланган. Конъюнктивал халтадан шилимшиқ сероз суюқлик оқиб чиқади. Кўзнинг юқориги ва пастги конъюнктивалари қизарган ва шилимшиқ модда билан қопланган. Итларда кўзнинг шох пардаси ҳар хил даражада хиралашган ва унга склерадан қон томирлар ўсиб кираётгани кўриниб турибди. Ҳайвонлар ёруғликка қарай олмайди, қараганда эса рефлектор кўз қовоқларини юмади. Кўзни палпация қилганда оғриқ ва кам миқдорда маҳаллий ҳароратнинг ошганлиги сезилади. Айрим итларнинг шох пардасида эрозиялар кўринади. Ит зарарланган кўзини оёқлари билан қашийди. Кўзнинг учинчи қовоқлари бир оз шишган, қизарган, унинг юзасидаги фолликуллар ҳам шишган ва қизарган. Итларнинг кўз киприклари сийраклашган, қовоқ мижжалари йўғонлашган ва ичкарига қайрилиб турганлиги намоён бўлди.

Даволашнинг 7 кунларига келиб тажриба гуруҳидаги ҳайвонларда бу клиник белгилар диярли кузатилмади. Тажрибаларнинг бошида ва тажрибаларнинг 3- 5 – 10 ва 15 -кунларида ҳайвонлардан қон олиниб, биокимёвий кўрсаткичлари бўйича текширилиб борилди.

Текширишлар бошида итлар қонининг оксил спектори ўрганилганда назорат ва тажриба гуруҳларда даволанаётган ҳайвонларнинг кўрсаткичларида деярли фарқлар кузатилмаган бўлсада, тажрибанинг 5-чи кунига келиб дастлабки кўрсаткичларга нисбатан анъанавий усулларга қўшимча итларнинг касалланган кўзларидаги шох пардасига 0,25% левомецетин ва гидрокортизон - новокаин эритмаси юборилган биринчи тажриба гуруҳдаги ҳайвонлар қонидаги умумий оксил миқдорининг ўртача

7,2 % га , 10-чи кунида 11,5 %, 15-чи кунига келиб эса 2,8 % га кўпайганлиги кузатилди.

Альбуминларнинг ҳам тажриба давомида кўпайиши қайд қилиниб, бунда уларнинг тажрибанинг 5-чи кунида 8,5 % га, 10-чи кунида 14,2 %, 15-чи кунга келиб эса дастлабки кўрсаткичлар билан тенглашганлиги аниқланди(жадвал).

Худди шундай ўзгаришлар α -глобулинларда ҳам кузатилиб, бунда уларнинг тажрибанинг 3-чи кунида 5,2 % га ва 15-чи кунига келиб эса дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 10,5 % га кўпайганлиги қайд қилинди. Бу гуруҳдаги ҳайвонлар қонида β - глобулинлар сони ҳам тажриба охиригача сезиларли даражада камайиб борганлиги кузатилиб, бунда тажрибанинг 3 -чи кунида 4,7 % га ошган бўлса, 5-10 кунларида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 4,8% га камайганлиги аниқланди.

Қондаги γ -глобулинлар миқдори ҳам шунга ўхшаш тажрибанинг 3-10 кунларида 12,0 % га , 15-чи кунга келиб эса дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 8,0 % га камайганлиги намоён бўлди.

Анъанавий усулларда даволанган иккинчи назорат гуруҳдаги ҳайвонлар қонидаги умумий оксил миқдори тажрибанинг 5-чи кунига келиб 10,0 % га , 10-чи кунида 4,0 % га, 15-чи кунда 1,4 % га кўпайганлиги кузатилди (– жадвал).

Бу гуруҳдаги ҳайвонларнинг қонидаги альбуминлар миқдорининг ҳам тажриба бошида кўпайиши кузатилиб, тажрибанинг 3-чи кунида 8,8 % га , 5-чи кунида 17,6 % га ошган бўлса, тажрибанинг 15-чи кунига келиб эса 5,9% га камайганлиги қайд қилинди. Шунга ўхшаш ўзгаришлар α -глобулинларда ҳам кузатилиб, бунда тажрибанинг 3- 5-чи кунида улар миқдори 4,8% га камайган бўлса, 15-чи кунига келиб эса 9,5 % га кўпайганлиги аниқланди.

Иккинчи назорат гуруҳ ҳайвонларида β -глобулинлар миқдори тажрибанинг 5-чи кунида 9,6 % га камайган бўлсада, тажрибанинг 10-15-чи кунларига келиб дастлабки кўрсаткичларга тенг бўлганлиги кузатилди.

Қондаги γ -глобулинлар миқдори ҳам тажриба 10 чи кунигача дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 4,2% га камайиб борганлиги аниқланди, 15-чи кунларига келиб эса дастлабки кўрсаткичларга тенг бўлганлиги маълум бўлди.

Олинган маълумотлардан маълум бўладики, турли хил усулда даволанган ҳайвонларда яъни анъанавий усулларга қушимча итларнинг касалланган кўзларидаги шох пардасига 0,25% левомецетин ва гидрокортизон - новокаин эритмаси қўлланилган гуруҳда эса бошқа усуллар билан даволашга нисбатан қоннинг биокимёвий кўрсаткичларининг юқори бўлиши аниқланди.

– жадвал,

Тажрибадаги биринчи тажриба гуруҳ итларнинг қонидаги биокимёвий кўрсаткичлар,

№	Кўрсаткичлар	Биометрик кўрсаткич	Тажриба бошида	Тажриба кунлари			
				3	5	10	15
	Умумий оксил г/л	м ±m %	69±1,0 100	72±0,7 104,3	74±0,8 107,2	77±1,5 111,5	71±0,7 102,8
	Албуминлар %	м ±m %	35±1,0 100	36±0,8 102,8	38±1,0 108,5	40±1,5 114,2	35±1,3 100
	α-глобулин %	м ±m %	19±0,3 100	20±0,4 105,2	19±0,6 100	18±0,6 94,7	21±0,7 110,5
	β- глобулин %	м ±m %	21±0,6 100	22±0,7 104,7	20±1,3 95,2	20±0,6 95,2	21±0,9 100
	γ -глобулин %	м ±m %	25±0,5 100	22±0,6 88,0	23±0,8 92,0	22±0,1 88,0	23±0,2 92,0

– жадвал,

Тажрибадаги иккинчи назорат гуруҳ итларнинг қонидаги биокимёвий кўрсаткичлар,

	Кўрсаткичлар	Биометрик кўрсаткич	Тажриба бошида	Тажриба кунлари			
				3	5	10	15
	Умумий оқсил г/л	м ±m %	70±0,9 100	75±0,6 107,1	77±0,8 110	73±1,0 104,2	71±1,1 101,4
	Албуминлар %	м ±m %	34±0,9 100	37±0,7 108,8	40±1,2 117,6	34±0,6 100	32±0,1 94,1
	α-глобулин %	м ±m %	21±0,1 100	20±0,3 95,2	20±0,4 95,2	22±0,6 104,7	23±0,1 109,5
	β- глобулин %	м ±m %	21±0,3 100	21±0,2 100	19±0,4 90,4	21±0,6 100	21±0,5 100
	γ –глобулин %	м ±m %	24±0,5 100	22±0,7 91,66	21±0,2 87,5	23±0,9 95,8	24±0,1 100

2.5. Ишнинг иқтисодий самарадорлиги.

Хозирги замонда ветеринария хизмати чорвачиликдан юқори сифатли ва мўл маҳсулот олиш ёки хизмат ҳайвонларини соғлом ўстириш учун йўналтирилиши керак. Ветеринария тадбирларининг самарадорлигини иқтисодий анализ қилиш катта аҳамиятга эга, унинг асосида ҳайвонларнинг касалликларини ва ўлим билан тугайдиган ҳолатларини камайтириш, даволаш ишларнинг самарасини ошириш, касаллик вақтини кискартириш, чорвачилик, соғлом ҳайвонлар подасини ташкил қилиш ётади.

Ветеринария фаолияти йўналишларининг кўплиги, ветеринария тадбирларининг хартамонлама йўналиши, иқтисодий кўрсаткичлар системасини ташкил қилишини тақозо этади, бу еса ветеринария мутахассислари ишининг самарадорлигини аниқлашга ёрдам беради ва шунинг билан биргаликда ҳайвонларда учрайдиган касалликларга қарши курашиш чора–тадбирларини ишлаб чиқишни асослаб беради.

Хозирги вақтда ҳайвонларда учрайдиган касалликларни, улар натижасида ўлимининг олдини олиш, соғломлаштириш, даволаш тадбирлар, чорва мажсулотларини нобут бўлишидан зарарни аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар таклиф килинган: хақиқий ва бартараф етилган зарар, ветеринария тадбирларининг иқтисодий самарадорлиги, Абдурахмонов Т.А., Давлатов Р.Б. (2004); Гинзбург А.Г. (2005); Попов Н.А.(2005); Шакиров Ф.К., Удалов В.А., Грядов С.И. и др. (2006) 1 сўм харажатга самарадорлик ва бошқалар.

Иқтисодий зарар бу ҳайвонларнинг касалликлари билан боғлиқ бўлган зарарни пул шаклидаги ифодаси.

Бартараф етилган зарар бу ветеринария тадбирларини иқтисодий натижасини белгиловчи ва кутилиши мумкин бўлган зарар миқдори.

Ветеринария тадбирларини ўтказиш учун харажатлар – бу уларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар миқдори.

Итлардаги жарроҳатларни даволаш учун қуйидаги харажатлар кетади.

1. Бартараф қилинган зарар:

$$Бз = Хс \times Тн - Пм$$

$Хс$ – ҳайвонларнинг сони

$Тн$ – ҳайвоннинг ўртача таннарахи

$Пм$ – мажбуран сўйилиши ёки сотилишидан олинadиган пул миқдори

$$Бз = 6 \times 200000 = 1200000 - 300000 = 900\,000 \text{ сўм}$$

2. Иқтисодий самарадорликни аниқлаш:

$$Ис = Бз - Вх$$

$Бз$ – бартараф қилинган зарар

$Вх$ – ветеринария харажатлари – 90000 сўм

$$Ис = 900\,000 - 90000 = 810000 \text{ сўм}$$

3. Ветеринария тадбирининг 1 сўм харажатиға иқтисодий самарадорлиги:

$$И = Ис : Вх$$

$$Вх = 90000$$

$$Ис = 810000$$

$$И = 810000 : 90000 = 9 \text{ сўм}$$

Итларда **катарал стоматитларни** даволашда 1 сум харажатга 9 сўм иқтисодий самарадорлик олинди.

2-боб бўйича хулоса.

Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида итларни яйраш майдони узунлиги 3 м., эни 2 м баландлиги 2,2 м бўлиб майдонлар оралиғи тўлиқ ёпиқ тўсиқ билан баланлиги 2,2 м қилиб ўралган. Ердан деворнинг 0,75м баландлиги ёғоч билан қолгани 1,25 м метал тўр билан ўралган, итлар яйраш майдонига ўтмаслиги учун тўсиқларни пастки қисми 0,5 м чуқурликда ерга кўмилган. Майдонни олдинги қисмига 1,8х0,7 м ли маҳкам жойлаштирилган эшик ўрнатилган. Эшик ичкарига қараб очилган. Ҳар бир кабинага йиғиштириб олинадиган узунлиги 1 м кенлиги 0,9 м ва баланлиги 0,8 м бўлган кичик уйчалар ўрнатилган. Уйчанинг туйниги 0,4х0,5 м иборат. Томи текс бўлиб атрофи тахта билан ўралган. Ёзда итлар томнинг устида ётади.

Ўргатучи ит учун бошқалар ичида энг кучли қўзғатувчи бўлиб қолиши керак. Ҳамма шароитларда ҳам ит ўргатувчи итдан ҳамма талабларни бажарилишига эришиш мажбур.

Ит хулқи устидан тўлиқ ҳокимликка, доим ит билан шуғулланадиган, итни парваришлаган ва овқатлантирган одам эришади.

Ит ўргатиш тажрибаси шуни кўрсатадики, шартли рефлекслар тезроқ ва мустаҳкамроқ комплекс қўзғатувчиларга пайдо бўлади. Ҳар битта ўргатувчи итга бир вақтда бир неча қўзғатувчилар билан таъсир этишга ҳаракат қилиши керак. Масалан, бир вақтда буйруқ билан ишора берилганда. Итлар талабни сигналлар алоҳида берилгандан кўра аниқ бажарадилар,. Ўргатувчининг ёрдамчиси ҳам комплекс қўзғатувчилар бўлиб, бошқа вазифани бажарса ҳам, ит ўргатишда катта аҳамиятга эга.

Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигидаги итлар рационни таҳлил қилинганида улар стуруктураси тахминан кўйидагича эканлиги қайд этилди: гўшт ва суп махсулотлари 40 %, крупа. нон 50 %.

картошка ва сабзавот 10 %. Катта ёшдаги хизматчи итларнинг (овчарка) ҳафталик тахминий рацион: гўшт ҳар куни 400 г, сули крупаси 600 г (3,5,7 кунлар) пшено 600 г (2,4,6 кунлар), картошка 200 г (2,4,6 кунлар) сабзи ва карам 200 г (1,3,5,7 кунлар), гўшт суяк уни 50 г (1,3,5,7 кунлар), балиқ уни 50 г (2,4,6 кунлар), ҳар куни ҳайвонот ёғи 25 г ва ош тузи 15 г берилар экан. Ҳафтанинг 3-4 кунда хом гўшт берилади. Хизматчи итлар бир кунда 2 марта эрталаб ва кечкурун ишдан 1-2 соат олдин ва 1 соат кейин озиқлантирилади.

Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлик ва фармокологияси кафедрасининг клиникасида 2012 йилда қабул қилинган 131 бош итлар клиник текширилганда уларнинг 15 таси (11,4%) стромал кератит билан касалланганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш 2013 –йилда қабул қилинган 125 бош итлар текширилганда 13 таси (10,4 %) стромал кератит билан касалланганлиги маълум бўлди. Текшириш натижасида касалланган итларнинг кўпчилиги асосан уч ёшдан катта эканлиги маълум бўлди.

Илмий тажриба клиникага келтирилган ва питомникларда сақланаётган хизмат итлари орасидан кератит билан касалланган 10 бош итларда олиб борилади. Уларнинг сақлаш, озиқлантириш шароитлари тенглаштирилиб улар 5 бошдан 2 гуруҳга ажратилади. Ҳар бир итда кератит касаллигининг босқичлари, диагностикаси ва итнинг умумий ҳолати аниқланади. Ҳар бир гуруҳ итларида даволаш усуллари касаллигининг даражасига қараб белгиланади.

Биринчи тажриба гуруҳ касал ҳайвонларининг касалланган кўзларига ретробульвар новокаин – антибиотик қамали бажарилди кўз конъюнктиваси ва шох пардасига 0,25% левомецетин , гидрокортизон - новокаин эритмаси томизилди сўнгра тетрациклин малҳами суртилди ва 3 мл дан тетравит мускул орасига инеъкция қилинди. Иккинчи назорат гуруҳ касал ҳайвонларнинг кўзларига ретробульвар новокаин – антибиотик қамали бажарилди, кўз конъюнктиваси ва шох пардасига тетрациклин малҳами суртилди ва 3 мл дан тетравит мускул орасига инеъкция қилинди.

Тажрибадаги барча ҳайвонлар тажрибагача ва тажриба давомида клиник кўрикдан ўтказиб турилди.

Итларнинг касалланган кўзлари пальпация қилинганда кучли оғриқ сезиши ва маҳаллий ҳароратнинг ошганлиги қайд этилди. Касалланган итлар кўзларининг ташқи кўриниши қуйидаги эди: зарарланган кўзларнинг атрофи ва қовоқлар шишган ва шилимшиқсероз суюқлик ҳамда оқ-сарик рангда куруқ пўстлоқчалар билан қопланган. Конъюнктивал халтадан шилимшиқ сероз суюқлик оқиб чиқади. Кўзнинг юқориги ва пастги конъюнктивалари қизарган ва шилимшиқ модда билан қопланган. Итларда кўзнинг шох пардаси ҳар хил даражада хиралашган ва унга склерадан қон томирлар ўсиб кираётгани кўриниб турибди. Ҳайвонлар ёруғликка қарай олмайди, қараганда эса рефлектор кўз қовоқларини юмади. Кўзни палпация қилганда оғриқ ва қам миқдорда маҳаллий ҳароратнинг ошганлиги сезилади. Айрим итларнинг шох пардасида эрозиялар кўринади. Ит зарарланган кўзини оёқлари билан қашийди. Кўзнинг учинчи қовоқлари бир оз шишган, қизарган, унинг юзасидаги фолликуллар ҳам шишган ва қизарган.

Олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, текширишлар бошида итлар қонининг оксил спектори ўрганилганда назорат ва тажриба гуруҳларда даволанаётган ҳайвонларнинг кўрсаткичларида деярли фарқлар кузатилмаган бўлсада, тажрибанинг 10-чи кунига келиб дастлабки кўрсаткичларга нисбатан анъанавий усулларга қўшимча итларнинг касалланган кўзларидаги шох пардасига 0,25% левомецетин ва гидрокортизон - новокаин эритмаси юборилган биринчи тажриба гуруҳдаги ҳайвонлар қонидаги умумий оксил миқдорининг 11,5 % га, альбуминларнинг 14,2 % га, α -глобулинларнинг эса 15-чи кунига келиб дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 10,5 % га кўпайганлиги, қондаги β - ва γ -глобулинларнинг эса тажриба охиригача сезиларли даражада камайиб борганлиги кузатилди.

III. боб. Тадқиқот натижалари бўйича мулоҳазалар

Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида итларни сақлаш учун махсус жойлар - кабиналарга бўлинган павильонлар қурилган. Кабина ҳар бир итга алоҳида мўлжалланган бўлиб унга усти очик яйраш майдонча (вольер) бирикиб турибди. Кабинанинг узунлиги 2 м, эни 1,5 м, олд деворининг баландлиги 2-2.5 м, орқа деворники 1,5-2 м; кабина эшигининг баландлиги 1,7 м. эни 0.7 м. Эшик ташқарига очилади. Кабинага ёруғлик тушиш учун, унинг устида ойнаванд ром қўйилган. Эшикнинг пастки қисмида, вольерга чиқиш учун, 40х50 см ли туйнук бор. Ёзда туйнук очик туради, қишда эса брезент билан ёпилади.

Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигидаги итлар рационини таҳлил қилинганида улар структураси тахминан қўйидагича эканлиги қайд этилди: гўшт ва суп маҳсулотлари 40 %, крупа. нон 50 %. картошка ва сабзавот 10 %. Катта ёшдаги хизматчи итларнинг (овчарка) ҳафталик тахминий рационини: гўшт ҳар куни 400 г, сули крупаси 600 г (3,5,7 кунлар) пшено 600 г (2,4,6 кунлар), картошка 200 г (2,4,6 кунлар) сабзи ва қарам 200 г (1,3,5,7 кунлар), гўшт суяк уни 50 г (1,3,5,7 кунлар), балиқ уни 50 г (2,4,6 кунлар), ҳар куни ҳайвонот ёғи 25 г ва ош тузи 15 г берилар экан.

Ит ўргатувчиси “фу!” буйруғини берар экан, бир вақтнинг ўзида “ёнимга!” деган буйруқни ҳам беҳосдан айтиб юборади. Ит ўргатувчининг олдига чопиб келади ва у жониворни рағбатлантиради. Бу пайтда тақиқловчи буйруқ “фу!” гўёки “ёнимга!” деган буйруқ билан уйғунлашиб кетгандай туюлади. Худди шу жуфтликда мазкур буйруқлар бир неча маротаба такрорланса, “фу!” буйруғи жонивор учун “ёнимга!” буйруғининг аҳамиятини касб этади ва бунинг натижасида тақиқловчи “фу!” буйруғи берилганда ит ўз хўжайини олдига югуриб келадиган бўлиб қолади.

Ит ўтиргандан кейин ўргатувчи “ўтир”, “яхши” деган буйруқни юмшоқ товуш билан бериб, уни ўтирган ҳолатда ушлаб туриб, силаб

ширинлик беради. Шундай ҳолатда итни 5-10 сония ушлаб туриб, сўнг эркин ҳаракатга рухсат берилади. 2-3 дақиқадан кейин бу ҳаракат яна қайтарилади. (Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А.Хасанов, 1990).

Экологик муҳитнинг бўзилиши юқори даражада чангланиш, кўёш радиацияси, атроф муҳитнинг чиқиндилар билан ифлосланиши ҳамда ҳайвонларни зич ҳолатда сақлаш, кўп маблағ талаб қиладиган профилактик тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказмаслик каби омиллар кўп ҳолларда ёппасига учрайдиган кўз касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлади (кератоконъюнктивитлар). Масалан айрим хўжаликларда ёппасига учрайдиган кератоконъюнктивитлар 40 – 80% ни ташқил қилиб, ёш ҳайвонларни зарарлашлари мумкин. Албатта бундай ҳол хўжаллика иқтисодий зарар етказди. Иқтисодий зарар қўйидагилардан келиб чиқади: касал ҳайвонлар кондисияга етмайди ёки ўсиб келадиган ва подани тиклашга мўлжалланган урғочи ҳайвонлар пода ҳисобида чиқарилади.

Олдини олиш ва даволаш ишлари кечиктирилганда ёки сифатли бажарилмаганда 25-30% ҳайвонлар кўриш қобилятини йўқотади. Яна шунчасининг кўриш қобиляти 50% га йўқолади, қолганлари еса соғайиб кецада ўсиш ва ривожланишдан қоладилар. Бў омилларга қарши даволаш ва санитаргигиеник тадбирларни ўтказиш учун сарфланган ҳаражатлар қўшилса иқтисодий зарар жуда сезиларли бўлади (А. В. Лебедев, А. И. Федоров, 1989; А Д, Ахмадулин, Е. П. Копёнкин 2004; Р.П.Шилкин, Е. П. Копёнкин, 2004).

А.Г. Шилкин, В. В. Олейник (2004) лар таъқидлашича токсинларнинг таъсиридан ташқари оғриқнинг мавжудлиги ҳам организмга жуда ёмон таъсир қилади. Ҳосил бўлган оғриқ марказий нерв системасида чуқур ўзгаришлар чақиради ва бунда оғриқ жуда кучли бўлса нерв системасининг бошқариш хусусияти бузилади.

Бундан кўриниб турибдики кўз касалликлари итлар орасида кенг тарқалган ва улар организмга салбий таъсир қилади.

Юқорида кўрсатилган маълумотларга асосланган ҳолда, итлар орасида учрайдиган стромал кератит касалликларининг келиб чиқиши, ривожланиши, даволаш ва олдини олиш чора - тадбирларини янги замонавий усуллари ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Илмий тадқиқот изланишларида вилоятимиздаги итлар орасида стромал кератит касаллиги билан касалланиш даражаси ўрганилди. Итлар орасида стромал кератит касалликларини келтириб чиқарувчи минтакавий хусусиятларга эга бўлган омилларни ўрганиш ва ташхис усуллари ишлаб чиқиш мақсадида итларни сақлаш ва озикланиш шароитлари, рацион таҳлили, клиник текширишлар ёрдамида итларнинг стоматит билан касалланиш даражаси, клиник касал итлар миқдори аниқланди. Клиник текширишларда итларнинг умумий аҳволи, иштаҳаси, кўзнинг шиллик пардаларининг ҳолати, тана ҳарорати, пульси, нафас олиши, уларнинг кўз атрофида ҳосил бўлган шишларнинг характери, кўздан оқиб чиқаётган суюқлик характери ва оғриқ сезиш натижалари аниқланди.

Текшириш натижасида касалланган итларнинг кўпчилиги асосан уч ёшдан катта эканлиги маълум бўлди. Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлик ва фармокологияси кафедрасининг клиникасида 2012 йилда қабул қилинган 131 бош итлар клиник текширилганда уларнинг 15 таси (11,4%) стромал кератит билан касалланганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш 2013 – йилда қабул қилинган 125 бош итлар текширилганда 13 таси (10,4 %) стромал кератит билан касалланганлиги маълум бўлди.

Шаҳар ветеринария бўлимида 2012 йилда қабул қилинган 126 бош итлар клиник текширилганда, уларнинг 12 таси (9,5%) стромал кератит билан касалланганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш 2013 – йилда қабул қилинган 112 бош итлар текширилганда, 14 таси (12,5%) стромал кератит билан касалланганлиги қайд қилинди.

Патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида 2012 йилда қабул қилинган 78 бош итлар клиник текширилганда уларнинг 8 таси (10,2%) стромал

кератит билан касалланганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш 2013 –йилда қабул қилинган 82 бош итлар текширилганда, 9 таси (10,9 %) стромал кератит билан касалланганлиги аниқланди.

Илмий тажриба клиникага келтирилган ва питомникларда сақланаётган хизмат итлари орасидан кератит билан касалланган 10 бош итларда олиб борилади. Уларнинг сақлаш, озиқлантириш шароитлари тенглаштирилиб улар 5 бошдан 2 гуруҳга ажратилади. Хар бир итда кератит касалликнинг босқичлари, диагностикаси ва итнинг умумий ҳолати аниқланади. Хар бир гуруҳ итларида даволаш усуллари касалликнинг даражасига қараб белгиланади.

Биринчи тажриба гуруҳ касал ҳайвонларининг касалланган кўзларига ретробульвар новокаин – антибиотик қамали бажарилди кўз конъюнктиваси ва шох пардасига 0,25% левомецетин , гидрокортизон - новокаин эритмаси томизилди сўнгра тетрациклин малҳами суртилди ва 3 мл дан тетравит мускул орасига инеъкция қилинди. Иккинчи назорат гуруҳ касал ҳайвонларнинг кўзларига ретробульвар новокаин – антибиотик қамали бажарилди, кўз конъюнктиваси ва шох пардасига тетрациклин малҳами суртилди ва 3 мл дан тетравит мускул орасига инеъкция қилинди.

Биринчи тажриба гуруҳидаги 5 бош итнинг битасида иккала кўзнинг стромал кератит 4 бош ҳайвонда эса биттадан кўзида патологик жараёнлар кечаётганлиги кузатилган бўлса, иккинчи назорат гуруҳидаги 2 бош ҳайвонда иккала кўзнинг ва 3 бош ҳайвоннинг биттадан кўзида стромал кератит жараёни кечаётганлиги аниқланди.

Итларнинг касалланган кўзлари пальпация қилинганда кучли оғриқ сезиши ва маҳаллий ҳароратнинг ошганлиги қайд этилди. Касалланган итлар кўзларининг ташқи кўриниши қуйидаги эди: зарарланган кўзларнинг атрофи ва қовоқлар шишган ва шилимшиқсероз суюқлик ҳамда оқ-сарик рангда қуруқ пўстлоқчалар билан қопланган. Конъюнктивал халтадан шилимшиқ сероз суюқлик оқиб чиқади. Кўзнинг юқориги ва пастги конъюнктивалари

қизарган ва шилимшиқ модда билан қопланган. Итларда кўзнинг шох пардаси ҳар хил даражада хиралашган ва унга склерадан қон томирлар ўсиб кираётгани кўриниб турибди. Ҳайвонлар ёруғликка қарай олмайди, қараганда эса рефлектор кўз қовоқларини юмади. Кўзни палпация қилганда оғриқ ва кам миқдорда маҳаллий ҳароратнинг ошганлиги сезилади.

Айрим итларнинг шох пардасида эрозиялар кўринади. Ит зарарланган кўзини оёқлари билан қашийди. Кўзнинг учинчи қовоқлари бир оз шишган, қизарган, унинг юзасидаги фолликуллар ҳам шишган ва қизарган. Итларнинг кўз киприклари сийраклашган, қовоқ мижжалари йўғонлашган ва ичкарига қайрилган. Бунинг натижасида улар яллиғланиш жараёнини кучайтиради.

Итларда стромал кератитларни даволашда касалланган кўзларига ретробульвар новокаин – антибиотик қамали кўз конъюнктиваси ва шох пардасига 0,25% левомецетин , гидрокортизон - новокаин эритмаси томизилиб, тетрациклин малҳами суртилиб ва сунгра 3 мл дан тетравит мускул орасига инеъкция қилинганда патологик учокда регенерация жараёнларини кучайиб, даволаш муддати уч кунга қисқариши аниқланди.

Қондаги биокимёвий кўрсаткичларни текшириш таҳлили шуни кўрсатдики, текширишлар бошида итлар қонининг оксил спектори ўрганилганда назорат ва тажриба гуруҳларда даволанаётган ҳайвонларнинг кўрсаткичларида деярли фарқлар кузатилмаган бўлсада, тажрибанинг 10-чи кунига келиб дастлабки кўрсаткичларга нисбатан анъанавий усулларга қўшимча итларнинг касалланган кўзларидаги шох пардасига 0,25% левомецетин ва гидрокортизон - новокаин эритмаси юборилган биринчи тажриба гуруҳдаги ҳайвонлар қонидаги умумий оксил миқдорининг 11,5 % га, альбуминларнинг 14,2 % га, α -глобулинларнинг эса 15-чи кунига келиб дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 10,5 % га кўпайганлиги, қондаги β - ва γ -глобулинларнинг эса тажриба охиригача сезиларли даражада камайиб борганлиги кузатилди.

III.606 бўйича хулоса

Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида итларни сақлаш учун махсус жойлари кўздан кечирилганда улар турадиган кабинанинг узунлиги 2 м, эни 1,5 м, олд деворининг баландлиги 2-2.5 м, орқа деворники 1,5-2 м; кабина эшигининг баландлиги 1,7 м. эни 0.7 м дан иборат эканлиги қайд этилди. Кабинага ёруғ, устида ойнаванд ром қўйилган булиб, эшикнинг пастки қисмида, вольерга чиқиш учун, 40х50 см ли туйнук бор.

Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигидаги итлар рационни таҳлил қилинганида улар стуруктураси тахминан кўйидагича эканлиги қайд этилди: гўшт ва суп махсулотлари 40 %, крупа. нон 50 %. картошка ва сабзавот 10 %, картошка 200 г (2,4,6 кунлар) сабзи ва карам 200 г (1,3,5,7 кунлар), гўшт суяк уни 50 г (1,3,5,7 кунлар), балиқ уни 50 г (2,4,6 кунлар), ҳар куни ҳайвонот ёғи 25 г ва ош тузи 15 г берилиши қайд қилинди.

Ўтиришга ўргатиш асосан контраст усули ёрдамида бажарилади, айрим пайтларда ширинлик билан сийлаш усули ҳам қўлланилиши мумкин. “Ўтир” буйруғига бирламчи шартли рефлексни ишлаб чиқиш машғулоти осонлаштирилган шароитда ўтказилади. Контраст (қарама-қарши) усулда у кўйидагича бажарилади. Ўргатувчи чап оёғи олдида турган итга бурилиб, ўнг қўли билан бўйнидаги тасмани ушлайди, чап қўлининг кафтини эса итнинг бел-сағрин қисмига қўйиб босишга тайёр туради. Шундан сўнг “ўтир” деган буйруқни бериб тасмани юқорига ва орқага тортади ҳамда итнинг бел-сағри қисмига босади. Ит ўтиргандан кейин ўргатувчи “ўтир”, “яхши” деган буйруқни юмшоқ товуш билан бериб, уни ўтирган ҳолатда ушлаб туриб, силаб ширинлик беради. Шундай ҳолатда итни 5-10 сония ушлаб туриб, сўнг эркин ҳаракатга рухсат берилади. 2-3 дақиқадан кейин бу ҳаракат яна қайтарилади. (Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А.Хасанов, 1990).

Экологик муҳитнинг бўзилиши юқори даражада чангланиш, кўёш радиацияси, атроф муҳитнинг чиқиндилар билан ифлосланиши ҳамда ҳайвонларни зич ҳолатда сақлаш, кўп маблағ талаб қиладиган профилактик тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказмаслик каби омиллар кўп ҳолларда ёппасига учрайдиган кўз касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлади. Юқорида кўрсатилган маълумотларга асосланган ҳолда, итлар орасида учрайдиган стромал кератит касалликларининг келиб чиқиши, ривожланиши, даволаш ва олдини олиш чора - тадбирларини янги замонавий усуллари ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлик ва фармокологияси кафедрасининг клиникасида 2012 йилда қабул қилинган 131 бош итлар клиник текширилганда уларнинг 15 таси (11,4%), 2013 –йилда қабул қилинган 125 бош итлар текширилганда 13 таси (10,4 %), шаҳар ветеринария бўлимида 2012 йилда қабул қилинган 126 бош итлар клиник текширилганда, уларнинг 12 таси (9,5%), 2013 –йилда қабул қилинган 112 бош итлар текширилганда, 14таси (12,5%), патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида 2012 йилда қабул қилинган 78 бош итлар клиник текширилганда уларнинг таси (10,2%), 2013 –йилда қабул қилинган 82 бош итлар текширилганда, 9 таси (10,9 %) стромал кератит билан касалланганлиги аниқланди.

Илмий тажриба клиникага келтирилган ва питомникларда сақланаётган хизмат итлари орасидан кератит билан касалланган 10 бош итларда олиб борилди.

Биринчи тажриба гуруҳидаги 5 бош итнинг битасида иккала кўзнинг стромал кератит 4 бош ҳайвонда эса биттадан кўзида патологик жараёнлар кечаётганлиги кузатилган бўлса, иккинчи назорат гуруҳидаги 2 бош ҳайвонда иккала кўзнинг ва 3 бош ҳайвоннинг биттадан кўзида стромал кератит жараёни кечаётганлиги аниқланди.

Итларнинг касалланган кўзлари пальпация қилинганда кучли оғрик сезиши ва маҳаллий хароратнинг ошганлиги қайд этилди. Касалланган итлар кўзларининг ташқи кўриниши қуйидаги эди: зарарланган кўзларнинг атрофи ва қовоқлар шишган ва шилимшиқсероз суюқлик ҳамда оқ-сарик рангда қуруқ пўстлоқчалар билан қопланган. Конъюнктивал халтадан шилимшиқ сероз суюқлик оқиб чиқади. Кўзнинг юқориги ва пастги конъюнктивалари қизарган ва шилимшиқ модда билан қопланган.

Итларда стромал кератитларни даволашда касалланган кўзларига ретробульвар новокаин – антибиотик камали кўз конъюнктиваси ва шох пардасига 0,25% левомецетин , гидрокортизон - новокаин эритмаси томизилиб, тетрациклин малҳами суртилиб ва сунгра 3 мл дан тетравит мускул орасига инеъкция қилинганда патологик учокда регенерация жараёнларини кучайиб, даволаш муддати уч кунга қисқариши аниқланди.

Қондаги биокимёвий кўрсаткичларни текшириш таҳлили шуни кўрсатдики, тажрибанинг 10-чи кунига келиб дастлабки кўрсаткичларга нисбатан анъанавий усулларга қўшимча итларнинг касалланган кўзларидаги шох пардасига 0,25% левомецетин ва гидрокортизон - новокаин эритмаси юборилган биринчи тажриба гуруҳдаги ҳайвонлар қонидаги умумий оқсил миқдорининг 11,5 % га, альбуминларнинг 14,2 % га, α -глобулинларнинг эса 15-чи кунига келиб дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 10,5 % га кўпайганлиги, қондаги β - ва γ –глобулинларнинг эса тажриба охиригача сезиларли даражада камайиб борганлиги кузатилди.

Хулоса

1. Онасидан ажратилган ва 6 ойлигигача ит болалари гуруҳ-гуруҳ қилиб сақланиши, улар учун сим тўр билан ўралган, катта - 6х6 м келадиган вольер куриб, унинг ичида будкалар ва ўйин учун мосламаларини қўйиш лозим.

2.Текширишлар натижасида Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлик ва фармокологияси кафедрасининг клиникасида, Шаҳар ветеринария бўлимида ва Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида итларда 2012 – 2013 йилларда итлар клиник текширилганда уларнинг 9,5% дан 12,5% гача, стромал кератит билан касалланганлиги қайд этилди.

3. Итларнинг касалланган кўзлари пальпация қилинганда кучли оғрик сезиши ва маҳаллий ҳароратнинг ошганлиги, кўзларининг атрофи ва ковоклар шишган ва шилимшиқ сероз суюқлик ҳамда оқ-сарик рангда курук пўстлоқчалар билан қопланганлиги, конъюнктивал халтадан шилимшиқ сероз суюқлик оқиб чиқиши, кўзнинг юқориги ва пастги конъюнктивалари қизарганлиги ва шилимшиқ модда билан қопланганлиги аниқланди.

4. Итларда стромал кератитларни даволашда касалланган кўзларига ретробульвар новокаин – антибиотик қамали кўз конъюнктиваси ва шох пардасига 0,25% левомецетин , гидрокортизон - новокаин эритмаси томизилиб, тетрациклин малҳами суртилиб ва сунгра 3 мл дан тетравит мускул орасига инеъкция қилинганда патологик учокда регенерация жараёнларини кучайиб, даволаш муддати уч кунга қисқариши аниқланди.

5. Қондаги биокимёвий кўрсаткичларни текшириш таҳлили шуни кўрсатдики, улардаги асосий ижобий кўрсаткичлар биринчи тажриба гуруҳи ҳайвонлари яъни анъанавий усулларга қўшимча итларнинг касалланган кўзларидаги шох пардасига 0,25% левомецетин ва гидрокортизон - новокаин эритмаси юборилган биринчи тажриба гуруҳдаги ҳайвонлар қонидаги умумий оқсил миқдорининг 11,5 % га, альбуминларнинг 14,2 % га, α-глобулинларнинг эса 15-чи кунига келиб дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 10,5 % га кўпайганлиги кузатилди.

Амалий тавсиялар

Итларда стромал кератитларни даволашда касалланган кўзларига ретробульвар новокаин – антибиотик қамали кўз конъюнктиваси ва шох пардасига 0,25% левомецетин , гидрокортизон - новокаин эритмасини томизиш, тетрациклин малҳами суртиш ва сўнгра 3 мл дан тетравит мускул орасига инеъкция қилиш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Илова

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

58. Л.С. Богославская и др. О собаке. М.: 1992.
59. Ф.Зиёдинов ва бошқалар. Кинология асослари.Т.:2003.
60. Р.А.Хасанов. Декоративное собаководство.Т.:1990.
61. Хохрин С.Н. “Кормление собак” Санкт-Петербург.2001.
- 62.23.Нарзиев Б.Д. «Итларнинг умумий ва махсус дрессировкаси» Самарқанд 2011й.

10. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. А. Қишлоқ хўжалик тараққиёти тўқин ҳаёт манбаи. Биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг 10сесиясида нутқи. 24 декабр 1992 йил.
2. Каримов И. А. Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш чора тадбирлари. 208буйруқ. “Халқ сўзи “ газетаси, 26 март 2006 йил.
3. Каримов И.А. Жаҳон молиявийиқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф етишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент, “Ўзбекистон” 2009 й. 37 бетлар.
4. Абдурахмонов Т.А., Давлатов Р.Б. Ветеринария ишини ташкил етиш ва унинг иқтисодиёти. Самарқанд, 2004.
5. Артамашина Ю.Ю., Селезнев С.Б. Структурные особенности орбиты приводящие к экзофтальму у брахносефалических пород собак. //Материалы всероссийского ветеринарного конгресса. Москва, 2004.
6. Ахмадулин А.Д. Копёнкин Йе.П. и др. Новые методические приёмы при кератопластике //Материалы всероссийского ветеринарного конгресса. Москва, 2004.
7. Барадакчийев Л.В. Ожоги глаз у мелких домашних животных. Москва, 2004.
8. Башкиров Б.А.ва бошқ. Общая ветеринарная хирургия. М. Агропромиздат, 1990)

9. Вилмис Д.А. Поражение роговицы при синдроме сухого глаза у собак./ Вилмис Д.А., Сотникова Л.Ф.// Материалы второй Всероссийской научнопрактической конференции «Ветеринарная медицина – теория, практика и обучение». – СПб, Издательство ФГОУ ВПО «СПбГАВМ», 2007. – С. 1416.
10. Вилмис Д.А. Современные методы диагностики синдрома сухого глаза у собак // Вилмис Д.А., Сотникова Л.Ф.// Материалы второй Всероссийской научнопрактической конференции «Ветеринарная медицина – теория, практика и обучение». – СПб., Издательство ФГОУ ВПО «СПбГАВМ», 2007. – С. 1620.
11. Вилмис Д.А. Роль прекарнеальной слезной пленки в патогенезе синдрома сухого глаза. // Ветеринария. – 2007. №11. – С. 5457.
12. Вилмис Д.А. Синдром сухого глаза как осложнение герпесвирусной офтальмоинфекции // Вилмис Д.А., Копенкин Йе.П., Сотникова Л.Ф.// Ветеринарная медицина. – 2007. №23. – С. 2931.
13. Вилмис Д.А. Эффективность глазных лекарственных пленок в терапии синдрома сухого глаза собак // Вилмис Д.А., Сотникова Л.Ф.// Ветеринарный доктор. – 2008. №12. – С. 2224.
14. Вилмис Д.А. Синдром сухого глаза собак. Современные аспекты диагностики и лечения // Вилмис Д.А., Сотникова Л.Ф.// Ветеринарный доктор. – 2007. №12. – С. 24.
15. Вилмис Д.А. Сравнительная характеристика препаратов искусственной слезы в терапии синдрома сухого глаза собак // Вилмис Д.А., Сотникова Л.Ф. // Ветеринарная практика. – 2008. № 1. – С. 2730.
16. Вилмис, Д.А. Синдром сухого глаза: этиопатогенез, диагностика и лечение / Вилмис Д.А., Копенкин Йе.П., Сотникова Л.Ф.// Учебное пособие. – М.: ФГОУ ВПО МГАВМиБ им. К.И. Скрябина, 2007. – 25 с.
17. Вилмис Д.А. Сухой кератоконъюнктивит (гипофункция слезных желез) / Вилмис Д.А. // Копенкин, Йе.П. Болезни глаз мелких домашних животных /

- Копенкин Ёе.П., Сотникова Л.Ф. М: Товарищество научных изданий КМК; Авторская академия, 2008. С. 98105.
- 18.Вилмис Д.А. Диагностика, клиноморфологическая характеристика и лечение сухого кератоконъюнктивита у собак. Автореферат дисс. на соиск. уч. ст. кан. вет. наук. Москва, 2008.
 - 19.Ганийев П.П. К лечению и профилактики телязиоза крупного рогатого скота. Труды Казанского государственного вет. инта, 1990.
 - 20.Исайева. И. В. Все о породе Бедлингтон – терьер. © 2003, СЕРФ; пердуге университет СссА
 - 21.Исломов.Х., Таштемиров.Р.М. Итларда кўз учинчи ковок касалликларининг тарқалиши ва уларни самарали даволаш усуллари //4чи Республика илмий - амалий конференцияси. Ветеринария соҳаси учун дори-дармон яратиш, синтез қилиш ва ишлаб чиқариш муаммолари. Самарқанд, 2008.
 - 22.Калашник И.А. ва бошк. Практикум по общей и частной ветеринарной хирургии. М. Агропромиздат, 1988.
 - 23.Копёнкин Ёе.П.Диагностика, лечение и профилактика керато–конъюнктивитов крупного рогатого скота. Москва, 1988.
 - 24.Копёнкин Ёе. П. Некоторые аспекты хирургического лечения патологий век у собак. Москва, 2004.
 - 25.Кузмин А.А. Болезни собак. Справочник практического врача. хттип; ксолло. ру. форум шов тхреад. Пхп Т= 87.
 - 26.Лебедев А. В., Федров И. А. Профилактика и лечение болезней глаз у крупного рогатого скота. Ленинград, 1989.
 - 27.Нарзийев Д. Х. Хайвонлар анатомияси. Тошкент, 1986.
 - 28.Русинов А. Ф. Болезни глаз сельскохозяйственных животных и методы лечения. Харьков, 1987.
 - 29.Самойлов А.Л., Браунштейн Н.Ёе. Пособие к практическим занятиям по курсу глазных болезней. Москва, 1990.
 - 30.Фомин К. А. Глазные болезни животных. Москва, 1988.
 - 31.Шакалов К.И. Частная ветеринарная хирургия. Л. Агропромиздат, 1986.

- 32.Шилкин А. П., Копёнкин Йе. П. Комплексная терапия болезней глаз и использования ортохиноловых антибиотиков. Москва, 2004.
- 33.Шилкин Р.П., Копёнкин А.П. Техника и результаты полной пересадки роговицы. Москва, 2004.
- 34.Глазные болезни и повреждения глаз. ароундус. ру маин догс догхеа; тх дисеасе еуепроблем.
- 35.www.бедлингтон.ру/хеалтх02 Сйнтихиа С. Соок. Болезни глаз у собак породы Бедлингтон – терьер. © 1991, © 1997, СЕРФ; пердусе университет СссА

Илова